

Muassis:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 2013-yil 25-iyulda
0055-raqam bilan qayta
ro'yxatga olingan



2014-yil. 1-son.

1991-yildan chiqa boshlagan.

TIL VA ADABIYOT TA'LIMI

LANGUAGE AND LITERATURE TEACHING

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGINING ILMIIY-METODIK
JURNALI

Bosh muharrir:

Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati:

Baxtiyor DONIYOROV
Mamatqul JO'RAYEV
Shahnoza JO'RAYEVA
Islom ZOKIROV
Ulug'bek INOYATOV
Abduhamid MUXTOROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Nizomiddin MAHMUDOV
Abdug'afur RASULOV
Sirojiddin SAYYID
Ergash UMAROV

Jamoatchilik kengashi:

Muhammadjon ALIYEV
Ergesh ABDUVALITOV
Manzura DADAXO'JAYEVA
Lutfullo JO'RAYEV
Ehson TURDIQULOV
Valijon QODIROV

Bo'lim muharrirlari:

Shahnoza JO'RAYEVA
(Til o'qitish metodikasi bo'limi)
Dono XO'JAYEVA
(Adabiyot o'qitish metodikasi bo'limi)

Sahifalovchi:

Husan SAFARALIYEV

Matn teruvchi:

Nodira MIRZAAHMEDOVA

Jurnaldan ko'chirib bosilgan maqolalar «Til va
adabiyot ta'limi»dan olindi, deb izohlanishi shart.

Jurnalda nashr etilgan maqolalarda mualliflarning
tahririyat nuqtai nazariga muvofiq kelmaydigan fikr-
mulohazalari bosilishi mumkin.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilin-
maydi va muallifga qaytarilmaydi.

Bosmaxonaga 10.01.2014-yilda topshi-
rildi. Ofset usulida chop etildi. Qog'oz
bichimi 60x84¹/₈. Shartli bosma tabog'i 6,0.
«Times» garniturasida. 10, 11 kegl. «Art Paper
business» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent sh. Rahimboboyev ko'-
chasi, 50-uy, 2-kv.

Buyurtma № . Adadi 12625 nusxa.

MUNDARIJA

2014-YIL – SOG'LOM BOLA YILI!

Dilbar Normurodova. Shukuhli elda yashash faxr2

MUHARRIR MINBARI

Yangilik amaliyotda qadrlri3

DOLZARB MAVZU

Xadicha Muhiddinova. O'zbek tili ta'limi muammolari5

DARS – MUQADDAS

Maxfurat Otayeva. Gapning egasi kim?7

Sanobar Abdurahmonova. Yaxshi kishilar hayrati siri10

Maqsuda Sariboyeva. Navoiyning ishqiy-sarguzasht dostoni13

TADBIR SSENARIYSI

Guljamila A'zamxo'jayeva. G'azal mulkingning sultoni17

LET'S LEARN ENGLISH

Lutfullo Jo'rayev. Keling, ingliz tilini o'rganamiz!23

TEACHING ENGLISH

Developing as a teacher26

Developing teachers' English27

ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR

Valijon Qodirov, Munira Shodmonova. Mumtoz adabiyot
sabog'i28

MUMTOZ ASAR

Alisher Navoiy. «Muhokamat ul-lug'atayn»31

TADQIQOTLAR

Xurshid Do'smatov. Askiya matnida so'z o'yinining fonostilistik
aloqa usullari34

Dilorom Zokirova. O'zbek tilida holat semantik kategoriyasi37

Dilrabo Rustamova. Til – mental ko'zgu39

Husniddin Eshonqulov. Bobur ijodida ko'ngil sofligi va
yaratuvchanlik talqini42

«BILIMLAR BELLASHUVI»GA TAYYORLANING

Barno Umarova. Ona tili va adabiyot fanidan nazorat ishlari44

HOSHIYADAN TASHQARI

Uldona Abdurahmonova. Bardavom davrlar nafasi46

Tahririyat manzili:

100129, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30-uy. Telefon: (8-371) 244-04-18,
244-04-15. e-mail: til@sarkor.uz veb-sayt: www.tilvaadabiyot.uz

SHUKUHLI ELDA VASHASH FAXR

Yurtimizda otayotgan har bir tong fayzli. Har bir tong nasimida o‘zgacha shukuh, o‘zgacha ma‘no. Quyosh nurlari ham yurtimiz chamanzorlarida raqsga tushayotgan gullarga oshiq.

Yangi yilimizning ilk oyi, ilk qadami tushayotgan ajoyib kunlar kezmoqda. Yurtdoshlarimiz qalblarida ezgulik nish urayotgan yangicha qarashlar, yangi-yangi izlanishlar, yangi imkoniyatlar eshigini ochishga shaylanmoqda.



Har bir yil o‘z nomi, o‘z salmog‘i, o‘z sarhisobiga ega. O‘tib ketgan umr atalmish bo‘stonda muhrlangan 2013-yil ko‘ngillardan boshlangan obodlik, ozodlik, farovonlik bilan ko‘rkamlashgan bo‘lsa, 2014-yil o‘z nomi bilan yana ham salmoqdor va xayrli bo‘lishiga ishonch nomlarini bog‘lagan. Zotan, xalqimiz orasida keng tarqalgan «Farzandlari sog‘lom yurt qudratli bo‘lur, qudratli elning farzandlari sog‘lom bo‘lur», degan hikmatli iboraning o‘zi shu yurt qudratidan va salohiyatidan nishonadir.

Muhtaram yurtboshimiz Konstitutsiyamizning 21 yilligi tantanasida so‘zlagan nutqlarida shunday ajoyib fikrlar bor edi: «Bizning tayanchimiz va suyanchig‘imiz, g‘ururimiz va iftixorimiz bo‘lmish bolalarimizga, farzandlarimizga ishonch va hurmat-e‘tibor bilan qarashni kelajagimizga bo‘lgan ishonch, millatimizga, xalqimizga bo‘lgan hurmat-ehtirom ifodasi deb bilamiz». Darhaqiqat, «Sog‘lom bola yili» o‘zining sog‘lomlik darvozasini keng ochib, ham ma‘nan, ham jisman sog‘lom yurt vakillarini qo‘llab-quvvatlamog‘da.

O‘z farzandlariga ishonch va hurmat bilan qarash bizning yurtimiz, millatimizga xos fazilat. Ne uchunki, biz bolajon xalqmiz. O‘zimizga nisbatan ham farzandlarimiz ertasini o‘ylab uning istiqboli uchun qayg‘uradigan xalqmiz.

Har bir jajji yurakchada iqtidor, iste‘dod, qobiliyat mujassam. Kashfiyotlar, ixtirolar yuragida jo‘sh urayotgan el farzandiga saboq bermoqlik, ertamiz uchun bugun o‘ylab qadam bosayotgan yurt koriga yaraydigan farzandlar tarbiyasi bizning zimmamizda.

Ma‘naviyatimiz belbog‘i bo‘lgan tilimiz sofdiligini yanada jaranglatadigan o‘zbek so‘zini jahon minbarida yangratadigan «Serquyosh, hur o‘lka»si bilan faxrlanadigan «elga baxt najot» ulashadigan, iliq so‘zli mehmoniga issiq quchog‘i bor mezbon el-yurt, millat taqdiri biz ustozlar zimmasida.

Qachon yurt farovon bo‘ladi, albatta, farzandlari sog‘lom, baquvvat, bilimli bo‘lsa. O‘zligini anglab va anglatadigan mahalla ham sog‘lom bolalar go‘shasidir. Sport, musiqa, san‘atda o‘zligini ko‘rsatadigan yurt sog‘lom yoshlari bilan salohiyatlidir.

Bundan 20 yillar ilgari sport, san‘at va tilga bo‘lgan ehtiyoj boshqacha edi. Kecha yangilik bo‘lgan har qanday holat bugun odatiy tus, odatiy holga aylanmoqda.

Xorij tiliga bo‘lgan munosabatning bunchalik yuqori darajada qo‘llab-quvvatlanishi ham sog‘lom yurt farzandlarining sog‘lom ruhiyatidan dalolat beradi. Zero, o‘z ona tilini qalbiga jo qilgan holda xorijiy tillarga ham hurmat ko‘rsatish, uni o‘rganish dunyoni aniqlashga, ilm-fan taraqqiyotiga hissa qo‘shish imkoniyatini kengaytiradi.

Bugunda ma‘rifat bog‘i bog‘bonlari zimmasidagi sharaflilar mas‘uliyatni his qilib ishlash har bir pedagogga xos fazilatdir. Kelajak taqdiri biz ustozlar qo‘liga ishonib topshirilgan, chunki bugun maktab partasida saboq tinglayotgan o‘quvchi ertaga jamiyatning faol a‘zosi hisoblanadi.

Jannatmakon yurtning sog‘lom bolasi bilan birga bo‘lish, uning iqtidori va iste‘dodini ko‘z ilg‘amas qobiliyatini sezib ziyraklik va mohirlik bilan o‘rganib ish tutish va hayotga tayyorlab borishda hormay-tolmay mehnat qilishga oshiqishning o‘zi baxt.

Sog‘lom bola – yurt tayanchi, Sog‘lom bola – el suyanchi, Sog‘lom bola – dil quvonchi. Shu o‘rinda Umar Xayyomning tarbiyaviy-ahloqiy qarashlari va ma‘naviy-falsafiy g‘oyasini eslatib o‘tish lozim: «Tarbiyaning maqsadi sog‘lom fikr, ziyrak aql va o‘tkir zehnga ega bo‘lgan insonni shakllantirishdan iborat bo‘lmog‘i lozim. Xulq-atvor ikki yo‘l bilan: odat qilib olish yordamida va fikrlash jarayonida yuzaga keladi».

Inson uchun 2 xaridor doim yo‘ldosh. Biri bilim bo‘lsa, ikkinchisi tarbiya. Buning uchun esa sog‘lom ruhning bo‘lishi va umid atalmish mehr bo‘stonining qo‘rg‘oni hamisha ochiq bo‘lishi talab etiladi va astoydil harakatlar bois hamisha muvaffaqiyatlar garovi belbog‘ bo‘lishi tayin.

Dilbar NORMURODOVA,
Termiz shahridagi 11-umumiy o‘rta
ta‘lim maktabi
ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi,
«Shuhrat» medali sohibasi

ЯНГИЛИК АМАЛИЁТДА ҚАДРЛИ

“Соғлом бола йили” дея ном олган янги 2014 йилни ҳам халқимиз кўтаринки кайфиятда, улкан ютуқлар билан қарши олди. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётида ўчмас из қолдирган “Обод турмуш йили” ҳақиқатда кўнгулларимизга-да ободлик, турмушимизга фаровонлик киритди. Зеро, халқимизнинг юрт равнақи йўлидаги меҳнатлари самарасида, энг аввало, Ватанимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни янада мустақкамланди. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик эса оилаларнинг ҳам тотувлиги, фаровонлиги ва фарзандларнинг ёруғ истиқболига асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз 2014 йилни “Соғлом бола йили” дея номлашни таклиф этди. Ушбу номнинг берилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Президентимиз таъкидлаганидек, “Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш — ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзуси, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз”.

Фарзанд ота-она, оила ҳаётига мазмун бағишлайди. Оилалар фаровонлиги, унинг мустақкамлиги эса жамият тараққиётига асос. Шу маънода юртимиздаги кенг кўламли ислохотлар ва улкан бунёдкорлик ишларининг замирида, энг аввало, ёш авлодни баркамол вояга етказиш мақсади муҳассамлиги аён.

Албатта, соғлом боланинг баркамоллиги унинг маънавий ва жисмоний етуқлигида кўринади. Шу боис, энг аввало, соғлиқни сақлаш, она ва бола саломатлиги борасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар қаторида, боланинг маънавий-интеллектуал етуқлигини таъминлашга қаратилган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Бу замонавий илм-фан, касб-хунарларни эгаллаган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш борасидаги “Ўзбекистон тажрибаси”нинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар мутахассисларининг-да эътирофига сабаб бўлмоқда. Мазкур муваффақиятларнинг мустақкам пойдевори янги ютуқларимизга асос бўлиши табиий. Бу ўринда таълим тизими ходимлари, ўқитувчи-педагоглар масъулияти, маънавий-маърифий соҳадаги изчил янгиланишларнинг аҳамияти катта.

Табиийки, илғор педагог доимий янгиликка, илғор тажрибага, умуман, узлуксиз методик ёрдамга эҳтиёжманд бўлади. Сабаби оддий: ҳар бир дарс, ҳатто унинг дақиқасини-да фанга доир бирор янгилик билан бойитиш унинг асосий мақсади. Ўқувчини ҳайратга солган кичик янги маълумот эса, ёш қалбни дарсга, илмга, умуман олганда, келажакка қизиқиш, фанни ўрганишга ҳавасни ошириши ҳақиқат. Демак, муаллим сабоқларининг мағзи, мазмуни — янгилик, уни ўқувчи ҳайратини оширар даражада етказиш — маҳорат. Бу икки жиҳат таъбир жоиз бўлса, муаллимни устозлик мақомига кўтарувчи қўшқанот.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқитувчи-мураббийларга методик ёрдам кўрсатишнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Бунда, энг аввало, мактаб фан методика бирлашмаларидан тортиб, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлимлар ҳамда унинг бошқа юқори бўғинлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, мазкур жараёнда таълим тизимидаги ихтисослашган оммавий ахборот воситалари — маърифий, илмий-методик нашрларнинг ўз ўрни бор. Зеро, у узоқ ҳудудлардаги таълим муассасаларига-да доимий кириб бориб, ўқитувчи иш столида ҳамisha ёрдамга ҳозир туради.

Бугунги кунда ҳар бир нашр ўз ўқувчисини топишга интилмоқда. Шу боис, бизнинг журналимиз ҳам ўқитувчиларнинг, айниқса, тил ва адабиёт таълими мутахассисларининг талаб ва таклифларини ўрганишга, уларнинг методик эҳтиёжини аниқлаб, шу асосда нашрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан ҳар йили анъанавий равишда ташкил этилаётган “Матбуот кунлари” тадбирларининг ўрни алоҳида. Бунда таҳририят жамоаси томонидан журналлар мазмун-мундарижасини имкон қадар бойитиш юзасидан кўплаб таклиф, мулоҳаза

ва айрим ўринда фойдали танқидий фикр олингани 2014 йил режасини тузишда асқотганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Сурхондарё вилояти педагоглари томонидан бугунги кунда тил ва адабиёт таълимидаги энг оғриқли муаммо — ўқувчиларнинг ҳуснихати, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш ҳамда грамматик қоидаларга амал қилган ҳолда, бехато ёзиш малакасини ошириш борасида илғор тажрибалар зарурлиги тўғрисидаги таклифлари эътиборга молик. Шунингдек, Қашқадарё вилоятида муаллимлар фанларни ўқитишда чет тиллари интеграциясига эътибор кучайган айни пайтда зарур маълумот сифатида барча фанлардан энг кўп фойдаланиладиган халқаро терминларни билишга эҳтиёжи юқорилиги билдирилди. Тошкент шаҳри ва вилоятида ўтказилган тадбирларда эса, устозларнинг фанларни ўқитишда янги кўرғазмали воситалар, ўқув дастуридаги мавзулар юзасидан кўшимча манбалар дарслари самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлашди.

Албатта, ҳар бир таклиф, мулоҳазанинг замирида ўқувчи тақдири, унинг келгусида етук мутахассис сифатида жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсади мужассамлиги қувонардир. Шу нуқтаи назардан, янги йилдан эътиборан ўқитувчи-ўқувчилар учун таҳририят жамоаси журналлар мундарижасида янги-янги рукнларни очиш юзасидан изланмоқда. Бу борада дастлабки янгилик, ўқитувчи-педагогларга чет тиллари (инглиз тили)ни ўқитиш самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда юртимиздаги Британия Кенгаши ваколатхонаси ҳамкорлигида тайёрлаган илғор тажрибаларга доир инглиз тилидаги материаллар сериясини “Teaching English” рукни остида бериб боришни режалаштирдик. Бу мақолалар янги фикр ва замонавий ўқитиш методларини кичик матнлар, уй вазифалари, бутун синф билан ишлаш усуллари асосида Сизнинг дарсингизга ўқитишнинг ноанъанавий технологияларини олиб киришда амалий ёрдам беради, деган умиддамиз. Шунингдек, жорий йилда юбилейи нишонланадиган буюк ёзувчи-олимлар ҳақида дарсда амалий фойдаланиш учун ҳар сонда камида иккитадан кўрғазмали восита бериб бориш мақсадимиз бор.

Аждодлар маънавий меросини ўрганиш авлодлар бурчи. Зеро, бобо-момоларимиз панд-насихат, ўғит ва ҳикматлари – келажак йўлимизни ёритувчи маёқ кабидир.

Шу нуқтаи назарда, журналларимизда “Mumtoz asar” рукни орқали қадим аждодларимизнинг ёзиб қолдирган дурдона асарларини нашр этиб боришни режалаштирдик. Токи, фақатгина қўлёзма ҳолатида сақланиб келаётган ва тилимиздаги ўзгаришлар сабаб, аслиятида бугунги авлодга тушуниш мурак-

каблик қилаётган ноёб умрбоқий асарларни мутахассис олимлар табдили (таржимаси) орқали ўқиб, зарур ҳулоса чиқариш ўзлигимизни англашда ўқ илдиз бўлиши шубҳасиз.

«Hoshiyadan tashqari» рукнида эса, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг “Adabiyot” фани ўқув дастурига кирган айрим асарларнинг ёзилиш тарихи ва ижодкор ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли маълумот, хотираларни дарсликка қўшимча маълумот сифатида айни асар муаллифининг эсдаликлари, унинг яқинлари, шогирдлари ва бошқа замондошларининг хотираларидан фойдаланган ҳолда эълон қилиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тил ва адабиёт таълимини ўқитишдаги янгиликлар, илғор тажрибаларга асосланган янги илмий тадқиқотлар билан мунтазам танишиб бориш имконияти янада кенгайганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бинобарин, журналларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг филология масалалари кенгаши қарори билан “Докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари эълон қилиниши лозим бўлган республика ва хорижий етакчи илмий нашрлари” рўйхатида кирди. Демак, энди бевосита умумтаълим мактабларида фаолият юритиш давомида мустақил илмий изланиш олиб бораётган ёш педагоглар ҳам ўз тадқиқотларининг бориши, унинг янгиликларидан кенг педагогик жамоатчиликни журналлар орқали бохабар қилиши мумкин. Бу эса, амалиётчи ўқитувчиларга янги манбаларни ўқувчиларга ўз вақтида етказишга хизмат қилиши табиий.

Ҳар бир янгилик амалиётда ўз самарасини бергандагина қадрли бўлади, эътироф топади. Шу маънода, журналлардаги кичик бўлса-да ўзгариш, янгилик эътиборга, янада ривожлантириш учун таклиф, мулоҳозага эҳтиёжманд. Бунда эса, энг аввало, Сиз, азиз муштарийларимизнинг фикр-мулоҳаза, таклиф ва бой тажрибангизга таянамиз. Зеро, ўқувчиларимизни таълим тизимидаги янгиликлардан воқиф қилиб бориш, тил ва адабиёт таълими бўйича илғор тажрибаларни оммалаштириш, долзарб мавзу ва муаммоларга ечим ахтариш доимий жараён.

Ўз навбатида ўтган йили журналларимизда долзарб мавзудаги мақолалари, илғор тажрибалари билан иштирок этган муаллифларимизга миннатдорлик билдирган ҳолда, таҳририят томонидан эълон қилинган танловда номинациялар бўйича ғолиб бўлганларни қутлаймиз (Танлов ғолиблари рўйхати билан муқованинг 3-бетида танишасиз).

Фидойи ва ижодкор ўқитувчи-педагог, тадқиқотчи ва олимларни янги йилда ҳам ўз ижодий ишлари билан иштирок этишга таклиф этамиз!

Ижодий ҳамкорлигимиз бардавом бўлсин!

Хадича МУҲИДДИНОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
профессори, педагогика фанлари доктори

ЎЗБЕК ТИЛИ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИ ёхуд таълим босқичларида давлат тилини ўқитиш узвийлиги қандай таъминланади?

Иккинчи тил таълимнинг бош вазифаси ўқувчида ўрганилаётган тил воситаларини нутқда амалий қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш саналади.

Маълумки, нутқ жараёнида лексик, грамматик ва талаффуз кўникмалари бир бутун ҳолда намоён бўлади. Грамматик кўникмалар нутқий бирликларнинг морфологик-синтактик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилишини таъминлайдиган автоматлашган нутқий фаолиятни юзага келтириш қобилиятдир. Нутқда грамматик шаклларнинг етарли даражада тезкорлик билан тўғри қўлланиши лексик кўникмаларнинг қанчалик шаклланганига, яъни сўзловчининг ўзига керакли сўзларни тез ва тўғри танлай билишига боғлиқ.

Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар қандай гап нутқ жараёнида муайян услубга хос меъёрий талаблардан келиб чиқиб тuzилади. Шунинг учун ҳар бир тилда айнан бир фикрни турли синтактик тuzилмалар воситасида турлича ифода қилиш имконияти ҳам мавжуд. Бу ўринда Н.Маҳмудовнинг қуйидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовор: «Ҳар қандай тил таълимида тилнинг услублари ҳақидаги билимларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Тилни ўзлаштиришда тил қурилишини билиш шарт, бу борадаги билимлар асосдир. Аммо айни қурилиш бирликларидан қандай фойдаланиш, уларни нутқда бевосита қандай қўллаш малакаси шаклланмаган бўлса, тилни билишни тугал дейиш мушкул».

Рус тилшунос олими Ю.Н.Власова ҳам хорижий тилларни ўрганишда синтактик омонимлар ва синонимларни фарқлашда шаклий ва мазмуний таҳлилнинг аҳамиятли эканлигини қайд қилар экан, бунда шакл ва мазмун уйғунлиги ёки фарқидан ташқари, уларнинг услубий хусусиятларига ҳам аҳамият бериш кераклигини таъкидлаб ўтади.

Шундан келиб чиқиб, тил таълимида ҳар бир дарсдан кутиладиган натижа ўқувчиларда берилаётган назарий билимларни амалий қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиб бориш ҳамда уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини шакллантиришга қаратилиши шарт. Бунинг учун ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ҳам ривожлантириш, уларни нафақат ўрганилган нутқий конструкцияларни қўллаш олишга, балки аналогик бирикмалар тузиш орқали ўз фикрини мустақил ва ижодий ифодалашга ўргатиб бориш ҳам зарур бўлади. Шу боис тил таълимида тўрт асосий амал: *тинглаб тушуниш, ўқиш, сўзлаш, ёзиш* машқларини биргаликда ҳар бир дарс жараёнига тенг тақсимланган тарзда татбиқ этиш тақозо этилади.

Иккинчи тил таълимида тил материалларини таълим босқичлари бўйича тақсимлаш жиддий муаммолардан бири бўлиб, бунда лексик, грамматик билимлар сўзлар ва грамматик шаклларнинг услубий қўлланилиш хусусиятлари ҳам эътиборга олинishi зарур. Бу жараёнда ўқув материаллари она тили-

даги каби грамматик изчилликда эмас, балки ўзаро «яқинлик» ва «бирикиш» тамойиллари асосида берилиши керак бўлади. Яъни грамматик материалларни она тилидаги каби муайян изчилликда – сўз туркумлари феъл, от, сифат, сон, олмош, равиш, кўмакчи, боғловчи тарзида навбатма-навбат берилиши тўғри бўлмайди. Негаки, тил ўрганаётган шахс мулоқотга киришиши учун бир пайтнинг ўзида маълум миқдордаги лексик, морфологик, синтактик материалларни комплекс ҳолда ўзлаштириши ва уларни муайян нутқий вазиятларга мувофиқ қўллаш билиши талаб қилинади. Бироқ айни пайтда тил тизими сатҳларининг ўзаро алоқадорлиги, грамматик категорияларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам унутмаслик керак. Жумладан, кўмакчи ҳақида маълумот бермасдан туриб, *билан*, *учун ёки томон*, *қараб* кўмакчиларининг ишлатилиши мавзусини бериш, ўтган замон феълларини бир нечта синфда бўлиб-бўлиб ўтиш узвийликнинг узилишига, тил материалларининг пухта ўзлаштирмаслигига олиб келиши мумкин.

Методист олим В.И.Шляхов ўқув адабиётларда нутқий ва лексик-грамматик материалларни ўзаро мувофиқлаштириш муаммолари ҳақида фикр юритар экан, «ўқув материалларини тузишдаги қийинчиликлардан бири – нутқий ва лексик-грамматик материалларни ўзаро мувофиқлаштириш» эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни баён этади: «Агар машғулотларда грамматика етакчилик қилса ва грамматик тизим мантиқий изчилликда ўрганилса, бунда ўқувчиларнинг нутқий эҳтиёжлари ҳамда ушбу нутқий эҳтиёжларни таъминлаш учун зарур бўладиган тил материаллари ўртасида узилиш пайдо бўлади. Бундай номувофиқликнинг яққол ифодаси сифатида хорижликлар учун рус тилида ёзилган дарсликларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Ушбу дарсликларда родительний келишиги келишик категориясининг охирида ўрганилади, гўё бунгача ушбу келишнинг ишлатилиши шарт эмасдек. Иккинчи томондан, айнан ҳозир қўлланаётган нутқий мулоқот учун зарур бўладиган грамматик қоидаларнинг барчасини бирваракайига ўрганишнинг ҳам иложи йўқ. Шу боис тил материалларини танлаш муаммоси қуйидагича ҳал қилинмоқда: аввал нутқий мулоқот оқимида асос сифатидаги нутқий фаолият турлари ажратиб олинади, сўнгра уларни нутқий амалиётда қўллаш учун асос бўладиган лексик-грамматик материаллар танланади».

Бу ўринда хорижий тилларни ўқитиш тажрибасида уч хил ёндашув мавжудлигини эслаб ўтишни ўринли деб ўйлаймиз. Биринчи ёндашувда тил ўрганиш жараёнида инсон онгида тилнинг грамматик ва лексик тизимини шакллантириш ва тилни ўзлаштиришга қаратилган қоидалар мажмуасини билиш, иккинчисида, тилни ўзлаштиришда оддий такрорлаш ва мустаҳкамлаш асосида беихтиёр кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, учинчи ёндашувда фаол

ижодий ҳаракат орқали ўқувчи онгида грамматик кўникмаларнинг шаклланиши назарда тутилган бўлиб, буни қуйидагича шарҳлаш мумкин:

Дастлабки ёндашувда тил таълимида идрокли ўзлаштиришнинг устунлиги таъкидланади ҳамда ўқув материалида асосий ўринни грамматикага ажратиш талаб қилинади. Иккинчи ёндашувда эса такрорлаш, ёдлаш йўли билан ўзлаштирилиши назарда тутилган нутқий қурилмаларгагина аҳамият бериш талаб этилади. Лингводидактик жиҳатдан энг маҳсулдор ёндашув учинчи ёндашув бўлиб, унда грамматик билимлар инкор қилинмайди, балки уларни қамраб олган ҳолда, нутқий кўникмаларни шакллантириш кераклиги нутқ самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида эътироф қилинади. Бунинг учун эса лексик-грамматик материалларни нутқда қўлланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро узвийликда ва ўқувчининг ёш хусусиятига кўра таълим босқичлари аро узлуқисизлик асосида тақсимлаш тартибини аниқлаш керак бўлади.

Кейинги йилларда хорижий тилларни ўрганиш методикасида тил бирликларининг макон, замон, мақсад, аниқлик, ноаниқлик, сабаб ва бошқа мантикий категорияларни ифодалаш хусусияти бўйича тақсимланиши тилларни лингводидактик мақсадда қиёслаш ва онгли ўзлаштиришнинг энг маҳсулдор усулларидан бири, деб ҳисобланмоқда. Ҳақиқатан ҳам, муайян мазмунни ифодаловчи грамматик билимларнинг (макон, замон, мақсад, сабаб каби) босқичма-босқич ички изчиллик ва узвийликда берилиши, нутқий мавзуларни эса шунга мос ҳолда фаол нутқий қурилмалар воситасида амалий бериб бориш ўқувчиларда ўрганилаётган тил бўйича амалий нутқий малака ва кўникмалар ҳосил бўлишига олиб келади. Бироқ буни таълимнинг кейинги босқичларида, ўқувчи муайян луғавий заҳирага ва сўзларнинг грамматик шакллари ҳақидаги билимларга эга бўлганидан кейингина қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айтилганлардан келиб чиқадиги, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ва рус гуруҳларида ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда ҳам тил материалларини тақсимлаш жиддий ёндашувни талаб этади ва бунда ҳар бир таълим босқичи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли тамойиллардан фойдаланиш керак бўлади. Бизнингча, бошланғич таълим босқичида ўзбек тили таълимида коммуникатив-нутқий тамойилга таяниш ва «Ўзбек тили» дастури ва дарсликларини нутқий мавзуларга бўлиб тузиш энг мақбул ва самарали усул. Чунки бу босқичда ўқувчиларнинг луғавий сўз заҳираси жамланади. Ўрта умумтаълим босқичида эса ўқувчиларга

сўзларнинг грамматик шакллари ҳақида билим бериш, сўзларни ўзаро боғлаш юзасидан кўникма ва малакаларни шакллантиришга эътибор қаратиш, шунга қаратилган грамматик билимларни бериш ва муайян нутқий вазиятларда уларни тўғри қўллашга ўргатиб борилиши ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ўрта махсус ва олий таълим босқичларида муайян луғавий заҳира ва грамматик билимга эга ўқувчи-талабаларнинг эгаллаган билимларини комплекс равишда ўз ўрнида қўллаш малакаларини шакллантириш кўзда тутилиши даркор. Демак, ушбу босқичда функционал-семантик тамойил асосида фикр ифодалашни бош мавзу сифатида бериб, муайян фикрни ифодалашга хизмат қилувчи синтактик-семантик воситаларни умумлаштириб бериб бориш, ўқувчиларга муайян фикрни ифодалашнинг турли йўллари ўргатиш билимларни мустаҳкамлаб бориш имконини ҳам беради. Ўзбек тили материалларини таълим босқичлари бўйича тақсимлашда шу жиҳатларга эътибор бериш, грамматик мавзуларни нутқий мавзуларга мос ҳолда тарқоқ берилишидан сақланиш ўзбек тилини фақат оғзаки мулоқот учунгина эмас, балки давлат тили сифатида пухта ўрганилишига ҳам олиб келади.

Бу ўринда методист М.Джусуповнинг қуйидаги фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин: «Ўзга тилни коммуникатив асосда ўрганиш ҳозирги замон лингводидактикаси ва методикасининг асосий йўналишидир. Бироқ иккинчи тил таълимидаги барча қийинчиликларни фақат коммуникатив таълим орқалигина енгиш мумкин деб ўйласак, хато қилган бўламиз. Коммуникатив таълим мустаҳкам назарий асосларга эга бўлгандагина ва уни такомиллаштиришда бошқа методлардан ҳам ўринли фойдаланилгандагина иккинчи тил таълимида сифат самарадорлигига эришиш мумкин. Бунда, айниқса, иккинчи тил таълимида борган сари кўпроқ ва кенгроқ тармоқ отаётган нутқни тил аспектларига етарли даражада таянмай шакллантириш методидан воз кечиш керак».

Ушбу фикр республикамызда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва амалий вазифаларига нисбатан татбиқ этилса, русийзабон фуқароларга ўзбек тилини ўқитишни ўзига хос тарзда ташкил этиш, «Ўзбек тили» дарсликларига нутқий сўзлашгич сифатида эмас, муҳим бир фан дарслиги сифатида қараш зарурлиги аён бўлади. Зеро, русийзабон фуқаролар ўзбек тилида нафақат оғзаки мулоқот юрита олишлари, балки давлат таълим стандартларида белгилаб қўйилганидек, «ёзма саводхонликка ҳам эга бўлишлари, ўз ихтисосликлари доирасида ва маъмурий-бошқарув тизимида бемалол расмий иш юрита оладиган бўлишлари зарур».

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Е.И. Пассов. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. 2-е издание. Москва: Просвещение, 1991. С. 5.
2. Ю.Н. Власова. Синонимия синтаксических конструкций современного английского языка. Ростов, 1981. С. 160.
3. Н. Маҳмудов. Тил таълими ва стилистика // Тил ва адабиёт таълими. Т., 2009. 1-сон. 3–4-бет.
4. В.И. Шляхов. Речевой сценарий и обучение русской речи. Ситуативный и сценарный подходы // Живая методика (для преподавателей русского языка как иностранного). Москва: Русский язык, 2005. С. 23–24.
5. М. Джусупов. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. Т.: Фан, 1991. С. 78.
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) // Таълим тараққиёти. ЎЗР Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси, 1-махсус сон. Т.: Шарқ, 1999. 262-бет.

Maxfurat OTAYEVA,
Buxoro viloyati G'ijduvon tumanidagi
17-umumiy o'rta ta'lim maktabining ona tili
va adabiyot fani o'qituvchisi

GAPNING EGASI KIM?

«Ega va uning ifodalanishi» mavzusini o'rganish (8-sinf, III chorak)

Darsning maqsadi:

- o'quvchilarning ega va uning nutqda qo'llanishiga oid bilimlarini kengaytirish;
- o'quvchilar bilan ega gap bo'lagi ishtirokida insonparvarlik, vatanparvarlik tushunchalari mohiyatini anglatuvchi gaplar tuzgan holda ularda ushbu tuyg'uni shakllantirish ruhida tarbiyalash;
- o'quvchilarning so'zlarni to'g'ri qo'llash hamda mantiqiy fikrlash malakasini rivojlantirish.

Darsning jihozi: ona tili darsligi, elektron darslik, komputer videoprojektori, tarqatma materiallar, rag'bat kartochkalari, ko'rsatmali qo'llanma.

Darsning uslubi: zukkolik daqiqasi, klaster, aqliy hujum, savol-javob va sinkveyn.

Darsning shiori:

*Hamisha yaragil xalq xizmatiga,
Bezak bo'l olam-u odam zotiga.*

(Nizomiy Ganjaviy)

Darsning borishi:

Dars tarbiyaga chaqiruvchi daqiqa bilan boshlanadi. Unda o'quvchilar ta'lim-tarbiyaga oid maqollar, hikmatli so'zlar o'qishadi. O'qituvchi o'quvchilarning fikrini umumlashtirib, inson hamisha xalqning, yurtning xizmatida bo'lishi lozimligi, shundagina u barchaga ibrat bo'la olishini uqtiradi.

So'ng uyga berilgan 138-mashq tekshiriladi. Mashq shartiga ko'ra, o'quvchilar nomustaqil kesim ishtirok etgan maqollardan yozib kelishi kerak edi. Ular bu vazifani quyidagicha bajarishi mumkin:

1-o'quvchi: Tuyog'iga ursang, shoxi zirqiraydi.

2-o'quvchi: Mehnat qilsang, rohat ko'rasan.

3-o'quvchi: Hurmat qilsang, hurmat ko'rasan.

4-o'quvchi: Sog'liq tilasang, ko'p yema, izzat tilasang, ko'p dema.

5-o'quvchi: Nima eksang, shuni o'rasan.

O'tilgan mavzuni mustahkamlash uchun quyidagi savollar beriladi:

1. Kesim qanday so'roqlarga javob bo'ladi?

2. Nomustaqil kesim qanday grammatik shaklga ega?

3. Qanday kesimlar mustaqil kesimlar deyiladi?

4. Nomustaqil kesimlarga misollar bilasizmi?

Keyin zukkolik daqiqasi o'tkaziladi. Bunda o'quvchilar nomustaqil kesimlarga mos bo'lgan gaplarni topib, magnit doskaga yopishtirishadi.

1-slayd.


Ilm	→	istasang	→	ko'p o'qi
Hurmat	→	qilsang	→	hurmat ko'rasan
Birni	→	kessang	→	o'nni ek
Ko'p	→	o'qisang	→	ko'p bilasan

Yangi mavzu bayoni:

«Ega va uning ifodalanishi» mavzusini o'rganish darslikdagi 139-mashq topshiriqlarini bajarish bilan boshlanadi. Mashqni ikki o'quvchi doskada, qolgan o'quvchilar esa daftarida bajari-shadi. Javoblar 2-slayd orqali tekshiriladi.

2-slayd

139- mashq.



Shundan so'ng o'quvchilarga ona tili darsligining 66-betida berilgan «Bilib oling!» ruknidagi ma'lumotlarni mustaqil o'qib, egaga tegishli xususiyatlarni aniqlash vazifasi topshiriladi. O'quvchilar tomonidan bildirilgan fikrlar umumlashtiriladi va ularning javobi 3-slayd orqali tekshiriladi.

3-slayd

Gap kesimining qo'shimchalaridan anglashib turgan shaxs-son ma'nosini aniqlashtiruvchi bo'lak egadir.

Ega asosan, **kim? nima? qayer?** so'roqlariga javob bo'ladi.

Ega doimo bosh kelishik shaklida bo'ladi.

Ega egalik va ko'plik shakllarini qabul qilishi mumkin.

140-mashq mustaqil ish tarzida beriladi va o'quvchilarga tuzgan gaplari o'qitiriladi. Mashq shartiga ko'ra, sifat va sifatdoshlarning ega vazifasida qo'llanishiga misollar keltirish aytiladi.

1-o'quvchi: Yaxshilar dunyo turguncha tursin.


2-o'quvchi: O'qigan o'qdan o'zar.

3-o'quvchi: To'g'ri doimo g'olib chiqadi.

4-o'quvchi: Kulgan uzoq umr ko'rar.

Darslikda berilgan ma'lumotlarni shu tariqa mustaqil o'zlashtirish o'quvchilarda asosiy ma'lumotlarni aniqlash, ularni tahlil qila olish va umumlashtirish ko'nikmasini hosil qiladi. Yangi mavzudagi ma'lumotlarni quyidagi 4-slayd orqali ham tahlil qilish mumkin:

4-slayd



So'ngra o'quvchilarga «Aqliy hujum» usulida quyidagicha savollar beriladi:

1. Shaxsni bildirib kelgan so'zlarni ayting. (O'quvchilar kim? so'rog'iga javob bo'ladigan so'zlarni aytishadi).

2. Narsa-buyum ma'nosini bildirgan so'zlarni toping. (O'quvchilar nima? so'rog'iga javob bo'ladigan so'zlarni aytishadi).

3. O'rin-joy nomlarini bildiruvchi so'zlarni toping. (O'quvchilar qayer? so'rog'iga javob bo'ladigan so'zlarni aytishadi).

O'quvchilarning bilim darajasiga qarab ma'lumotlarni 5-slayd orqali mustahkamlash mumkin.

5-slayd

Ega quyidagi so'z turkumlari bilan ifodalanadi:

- Ot bilan:** Aziz o'sha kitobni o'qidi.
- Olmosh bilan:** Sen o'zingni maqtama, seni birov maqtasin. (Maqol)
- Son bilan:** Ikkalasi ham chiqib ketishdi.
- Sifatdosh bilan:** O'qigan o'qdan o'zar, o'qimagan turtkidan shoshar. (Maqol)
- Sifat bilan:** Yaxshilar k o'paysin, yomon qolmasin. (Qo'shiqdan)
- Ravish bilan:** Ko'p so'zning ozi yaxshi, oz so'zning o'zi yaxshi. (Maqol)
- Harakat nomi bilan:** O'qish jafoli, keti vafoli. (Maqol)
- Taqlid so'z bilan:** Qars ikki qo'ldan chiqadi. (Maqol)
- Modal so'z bilan:** Bor so'zlaydi, yo'q o'ylaydi. (Maqol)

141-mashqdagi gaplar alohida-alohida qog'ozlarga bilet tarzida yozilib, stolning ustiga yoyib qo'yiladi. Bunda o'quvchilar mashqning shartiga ko'ra ega qaysi so'z turkumi bilan ifodalanganini topishlari kerak bo'ladi.

1-bilet.

Aqlli o'zini ayblar, **aqlsiz** – do'stini. (sifat bilan)

2-bilet.

O'lmas noxushlik bilan qovun pallasidagi non quyuqlariga qaradi. (ot bilan)

3-bilet.

Birlashgan o'zar, birlashmagan to'zar. (sifatdosh bilan)

4-bilet.

Mastura Mashrabning ko'zlariga qadalib qaradi. (ot bilan)

5-bilet.

Yaxshi qand yedirar, **yomon** pand yedirar. (sifat bilan)

6-bilet.

Yalqov bilan **anqov** – dushman uchun katta ov. (ot bilan)

7-bilet.

Kamtarlik kishiga zeb-u ziynatdir. (ot bilan)

Yangi mavzudagi ma'lumotlarni bilet orqali o'rganish ham o'quvchida ziyraklik, topqirlik xislatlarini shakllantiradi.

Mustahkamlash:

Yangi mavzuni mustahkamlash bo'yicha quyidagi savol va topshiriqlar bajariladi:

1. Gapning qanday bo'lagi ega deb ataladi?
2. Ega qaysi kelishik shaklida bo'ladi?
3. Ega otning qaysi grammatik shakllarini olishi mumkin?
4. Ega qaysi so'z turkumlari bilan ifodalana-di?

Shundan so'ng «**Sinkveyn**» usuli o'tkaziladi.

Sinkveyn–fransuzcha so'z bo'lib, «besh» degan ma'noni anglatadi.

Bu usul besh qatordan iborat bo'ladi. Har bir qatorga yozilgan so'zlar bitta gap hisoblanib, u o'zida keng ma'noni qamrab oladi.

Mavzu bitta so'z bilan ifodalanadi.

Ikkinchi so'z kiritilib, mavzu mazmuni keng yoritiladi.

Uchinchi so'z kiritilib, voqelik ochib beriladi.

To'rtinchi so'z qo'shilib, voqelikka shaxsning munosabati bildiriladi.

Bitta so'z umumlashtiriladi.

Maqol.

Xalq maqollari.

Xalq tafakkurining qaymog'idir.

Inson nutqining jilosi.

Ibrat.

Ega.

Bosh kelishikda.

Kim? nima? qayer?

Shaxs-son ma'nosini aniqlashtiruvchi bo'lak.

5. Bo'lak.

So'ng o'quvchilarga komputer videoproyektor orqali mavzu yuzasidan quyidagi savollar beriladi va javoblar 1,2,3 ball bilan baholanadi.

1-savol.

Ega qaysi gap bo'lagiga bog'lanadi? Misol keltiring. (1 ball)

2-savol.

Ega deb qanday bo'lakka aytiladi? (1 ball)

3-savol.

Ega doimo qaysi kelishikda bo'ladi? (2 ball)

4-savol.

Ega olmosh bilan ifodalangan gap ayting. (2 ball)

5-savol.

Ega sifatdosh bilan ifodalangan gap tuzing. (3 ball)

6-savol.

Ega modal so'z bilan ifodalangan gap tuzing. (3 ball)

So'ngra rag'batlantiruvchi ball uchun topshiriq beriladi. Topshiriq shartiga ko'ra, o'quvchilardan 6-slaydda keltirilgan egalar sonini aytish talab etiladi.

6-slayd

Agar bu ulug' zotni avliyo desak, u avliyolarning avliyosi, mutafakkir desak, mutafakkirlarning mutafakkiri, shoir desak, shoirlarning sultonidir.

(Islom Karimov)

Javob: Ushbu gapda jami 5 ta ega qo'llangan. Topshiriqni birinchi va to'g'ri bajargan o'quvchi 5 ball bilan baholanadi.

Uyga vazifa: 142-mashq. Berilgan gapdagi ega bo'laklarini topib, tagiga chizib kelish.

Sanobar ABDURAHMONOVA,
Namangan viloyati Mingbuloq tumanidagi 13-sonli davlat
ixtisoslashtirilgan maktab-internati ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

YAXSHI KISHILAR HAYRATI SIRI

«Hayrat ul-abror» dostoni (5-sinf, III chorak)

Dars maqsadi:

1) ta'limiy maqsad: o'tilgan mavzuni mustahkamlash, yangi mavzu haqida ma'lumot berish, dostonida tasvirlangan timsollar, yorqin tashbehlar, kuchli samimiyat, asl insoniy tuyg'ularni teran his eta olishga o'rgatish;

2) tarbiyaviy maqsad: o'quvchilar qalbiga hamkorlik, rostgo'ylik, do'stga sadoqat, yaxshilik tuyg'ularini singdirish;

3) rivojlantiruvchi maqsad: o'quvchilarning mantiqiy fikrlash malakalarini va og'zaki nutqini rivojlantirish.

Dars turi: yangi bilim beruvchi, nazorat qiluvchi, mustahkamlovchi.

Dars jihozi: darslik, plakat, portret, DVD, televizor yoki kompyuter, rag'bat kartochkalari.

Dars usuli: musobaqa, interfaol usullar.

Darsning borishi:

1. Tashkiliy qism: salomlashish, tozalik va davomatni aniqlash, siyosiy daqiqa va o'quvchilarni uch guruhga bo'lib olish.

2. O'tilgan mavzu: «Hayot va ijod daraxti» usuli. Bu usul shartiga ko'ra, guruhlariga daraxt tasviri tushirilgan plakatlar taqdim etiladi va ularga rangli qog'ozlardan tayyorlangan yashil, qizg'ish va sariq rangdagi barglar beriladi. O'quvchilarga Alisher Navoiyning hayoti va asarlarining yaratilish davriga ko'ra berilgan barglarga yozib, daraxtni shakllantirishlari kerakligi aytiladi. Yashil barglarga yigitlik davrida yaratilgan asarlar va hayotiga oid ma'lumotlar, qizg'ish barglarga o'rta yosh davrida yaratilgan asarlar va hayotiga oid ma'lumotlar, umrining so'nggi yillarida yaratilgan asarlari va hayotiga oid ma'lumotlarni esa sariq barglarga yozishlari talab qilinadi. Bu usul o'quvchilarda shoirning hayot yo'li va u yaratgan asarlarning nomi, yillarini yaxshi eslab qolish ko'nikmasini shakllantiradi.

Yashil rangli barglarga quyidagi ma'lumotlarni yozish mumkin:

1. Alisher Navoiy 1441-yilning 9-fevralida Hirot shahrida tug'ildi.

2. Yosh Alisher uch-to'rt yoshlarida she'r yod olib, ko'plarni hayratga soldi.

3. Besh yoshida maktabga bordi.

4. Bo'lajak sulton Husayn Boyqaro bilan birga o'qidi.

5. 1447-yilda mamlakat podshohi Shohruhmirzo vafot etib, yurtida notinchlik boshlandi.

6. 1447-yilda Alisherlar oilasi Iroqqa ko'chadi.

7. Olti yoshlik Alisher yo'lda zamonasining mashhur tarixchisi Sharafiddin Ali Yazdiy bilan uchrashadi.

8. Alisherlar xonadoni Hirotga 1451-yilda qaytadi.

9. 1452-yilda Alisherning otasi Sabzavorga hokim qilib tayinlanadi.

10. 1452-yilda Alisher Sabzavorda o'qishni davom ettiradi.

11. 1452—57-yillarda u dastlab Sabzavorda, so'ng Mashhadga yashadi.

12. Farididdin Attorning «Mantiq ut-tayr» kitobini yodlab oldi.

13. Shoir yetti-sakkiz yoshlaridan she'r mashq qila boshladi.

Qizg'ish barglarga quyidagi ma'lumotlarni yozish mumkin:

1. Ikki tilda she'r yozdi, o'zbekchalariga «Navoiy», forscharlariga «Foniy» taxallusini qo'ydi.

2. Navoiy 12 yoshlarida o'z she'rlari bilan zamonasining eng mashhur shoiri Lutfiyni hayratga soldi.

3. 1457-yilda Abusaidmirzo taxtga chiqdi.

4. Alisher Mashhad madrasalarida o'qishni davom ettirdi.

5. Navoiy Hirotga 1464-yilda keladi.

6. Ko'p o'tmay, Samarqandga ketishga majbur bo'ladi. Samarqandda 1469-yilga qadar yashadi.

7. 1469-yilda Husayn Boyqaro uni muhrdor qilib tayinlaydi.

8. 1472-yildan vazirlik martabasiga ko'tariladi.

Sariq rangli barglarga quyidagi ma'lumotlarni yozish mumkin:

1. 1487—88-yillarda Astrobodda hokim bo'lib ishlaydi.

2. Umrining oxiriga qadar shohning eng yaqin kishisi bo'lib qoladi.

3. Shu yillari mamlakat osoyishtaligi, yurt obodligi yo'lida ulkan ishlar qiladi.

4. Alisher Navoiy umr bo'yi badiiy ijod bilan ham shug'ullandi.

5. Yettiita she'riy devon tuzdi.

6. 1483–1485-yillarda Navoiy «Xamsa» asarini yozdi.

7. O'ndan ortiq nasriy asar yaratdi.

8. Buyuk shoir 1501-yilning 3-yanvarida Hirot-da vafot etdi.

O'qituvchi ma'lumotlarni tekshiradi va baholaydi.

3. Yangi mavzu bayoni: O'qituvchi yangi mavzu bayoni bilan qisqacha tanishtiradi:

Alisher Navoiyning «Xamsa» asariga kirgan birinchi doston «Hayrat ul-abror», ya'ni «Yaxshi kishilarning hayratlanishi» deb nomlanadi. Mazkur doston 63 bob, 20 ta maqolatdan tashkil topgan. Har bir maqolat bir mavzuga bag'ishlangan.

Darsligimizda berilgan o'ninchi maqolat rostlik, to'g'rilik tushunchalariga bag'ishlangan.

Alisher Navoiy har bir inson o'ziga to'g'rilikni odat qilishi kerakligi haqida so'z yuritarkan, turli narsa va hodisalarning, kundalik turmushda ishlatiladigan juda ko'p buyum va jihozlarning to'g'ri va egri xususiyatlarini solishtiradi. Asarda to'g'rilikni o'q, yo'l, nay, nayza, sham, sozlangan tor, mistar kabi detallar misolida, egrilikni parvona, sunbul, sozlanmagan tor, egri chiziq kabi detallar yordamida izohlaydi.

Shoir odamlar to'g'ri yurib, to'g'ri ish tutsalar, o'zgalarga ham, o'zlariga ham foyda keltirishlari, ulardan manfaat ko'rgan kishilarning hurmatini qozonishlari, qayerda bo'lmasin, izzat ko'rishlarini asosli misollar vositasida sharhlab beradi. Aksincha, to'g'ri ish yuritmay, biror yomon g'araz bilan har xil egri harakatlar qilsalar, ularning holi voy, xuddi parvonadek kuyib-yonib qoladilar. Egrilik borib-borib har xil yomon illatlarga yetaklaydi. Fikri egri bo'lgan odam hamma ishni o'zim xohlaganimcha qilaverishim mumkin, deb hisoblaydi. Birovlarning narsasiga, mol-mulkiga ko'z tikadi, o'g'rilikdan hayiqmaydi.

Islom dini aqidalari bilan yashagan davlatlarda qadim zamonlardan oq qo'li egri, o'g'ri odamlarni qo'lini kesib, jazolashgan. Alisher Navoiy yashagan davrda ham shunday tartib hukmron bo'lgan. Shoir dostonida ana shu jazo usulini nazarda tutib, xalq qo'li egri odamlarni qo'lini kesib «to'g'rilaydi», deydi. To'g'rilik yo'li qanday ekanligini bilmoqchi bo'lsa, bu yo'l ikki xil bo'ladi, deb aytadi. Birinchi yo'ldagi insonlarning o'zi ham, so'zi ham

to'g'ri bo'ladi. Ikkinchi yo'ldagi insonlar esa murosa uchun andisha bilan to'g'ri maqsad yo'lida yolg'onni rost deguvchilardir. Navoiy birinchi toifani to'liq ma'qullagan holda, ikkinchisi ham «yomon emas» deya inkor qilmaydi. Chunki bunday kishilar asli egri maqsadlilar emas. Ular yaxshilik ko'zlab, murosa-madora ma'nosida, azbaroyi ezgu niyatda yolg'onni «to'g'ri» deydi. Albatta, iloji boricha, yolg'onni gapirmagan ma'qul. Ammo sharoit majbur etsa, toza ko'ngilda ish bitmog'i uchun yolg'onni tasdiqlash ayb emas. Shu o'rinda shoir o'z zamonasidan biroz noliydi. Odamlar rostgo'ylikdan chekinayotgani, yolg'on-yashiq kuchayib ketayotganidan xavfsiraydi. Barcha jamoa istagi egrilik bo'lsa, sen o'z haqligingni isbotlashga har qancha urinma, baribir hech narsa qilolmaysan hamda ularga yoqmaysan. Zero, egrilikning ham, to'g'rilikning ham o'z ta'rifi bor. Egrilik yolg'ondan paydo bo'ladi, to'g'rilik haqiqatdan. Demak, muallif, yolg'on so'zlash, yolg'on harakat qilish egrilikka olib keladi, deb hisoblaydi. So'zining isboti uchun bog'bon va dehqonning ishini misol keltiradi. Bog'bon yaratajak bog'ida reja bo'yicha, daraxtlarni bir tartibda ekib, parvarish qilmasa, har yerda tarvaqaylab, qiyshiq-qing'ir o'sgan daraxtlar bog'ni changalzorga aylantiradi. Dehqon esa urug' sochadigan yerini shudgor qilib, so'ng mola bosmasa, ya'ni tekis qilib olmasa, sochgan urug'i bir xilda unib chiqmaydi. Chunki notekis yerda ekinlar bir xil sug'orilmaydi. Agar bilmagan holda yolg'on so'zlansa, so'ng bilgach, undan qochilsa, buni ayb deb bo'lmaydi. Chunki o'sha odam baribir to'g'ri yo'lga tushib oladi-da. Bu bilan hazrat Navoiy inson hayotda adashishi, chalg'ib qolishi mumkin, lekin vaqti bilan o'z xatosini anglasa va bundan afsuslanib, uni tuzatishga urinsa, u holat kechiriladi, deb tushuntiradi.

Ammo yolg'on gapirish odatga aylangan bo'lsa, mana bu yomon, kechirilmaydigan gunoh. Musulmon odam, mard kishi hech qachon yolg'on so'zlamaydi. Yolg'on so'zlaydigan odamni musulmon demaydilar. Yolg'onchining gapi hech qachon e'tibor topmaydi. Agar u xalqni yolg'on gaplari bilan aldab yurgan bo'lsa ham, Xudoni aldolmaydiku! Navoiy bunda «Kasalni yashirsang, isitmasi oshkor qiladi» degan xalq maqoliga monand fikr aytadi. Ya'ni yolg'onni xaloyiq ko'zidan qancha yashirmasinlar, maxfiy saqlashga urinmasinlar, baribir oxirida yolg'on o'zini ma'lum qiladi. To'g'ri, kishi qattiq qizishib ketib, aql chekinib, ehtiros holatida qasam ichsa, uning onti yuvilishi mumkin. Ammo ongli holatda qasam ichib, u bajarilmasa,

unday odam «qasamxo'r» deyiladi va bu oxiratda katta gunoh sanaladi. Unday odam endi qancha rost gapirsa ham, xalq uning gapini jiddiy qabul qilmaydi. Bundan u kimsa iztirob chekishi mumkin. Ammo uni hech kim bu iztirobdan, ma'naviy azobdan qutqara olmaydi. Ulug' mutafakkir bobomiz shu so'zlarni yozarkan, yolg'on gapirib el nazaridan qolgan odamlar bir yuzi qaro bo'lganlar, deb hisoblaydi. Agar majbur bo'lib qolganingda ham rost gapni aytishning iloji bo'lmasa, yolg'onni ham gapirma, deydi. Shu tariqa yolg'onning kishilar tabiatidagi yaramas va badbin illatligini, uning oqibatlarini qator qiyos-u o'xshatishlar bilan qoralab kelib, muallif, asar badiiy qurilmasiga ko'ra bu o'rinda ham majoziy bir hikoyatga murojaat qiladi. Ya'ni «Sher bilan durroj» haqidagi ramziy rivoyatni keltirib, o'z fikrlarini yanada ta'sirliroq bo'lishiga erishadi.

Shundan so'ng o'quvchilarga «Sher bilan durroj» haqidagi multfilm namoyish etiladi. Bu esa o'quvchilarning mavzu va darsga qiziqishlarini yanada oshiradi.

4. Yangi mavzuni mustahkamlash: Dars debat usulida davom ettiriladi.

I. Savollar:

1. Alisher Navoiy to'g'rilik va egrilikni qanday detallar vositasida izohlab beradi?
2. To'g'rilikni siz yana qanday narsalarga o'xshatgan bo'lar edingiz?
3. Sham bilan parvona, sozlangan va sozlanmagan cholg'uning rostlik va egrilikka qanday aloqasi bor?
4. Qo'li egri odamni qayerda, qachon va qanday jazolaganlar?
5. Bog'bonchilik va dehqonchilikda rejililikning qanday ahamiyati bor?
6. Adashib yoki qizishib yolg'on gapirgan yoki ont ichgan odamga qanday munosabatda bo'lish lozim?
7. «Sher bilan durroj» hikoyatida qanday g'oya ilgari surilgan?
8. Shoir nega aynan shu hikoyatni o'ninchi maqolatga kiritgan?
9. Sher majoziy obrazida qanday insonlarga xos jihatlar mujassamlashgan? Durrojda-chi?
10. Qanday illatlar durrojni fojiga olib keldi va nima uchun do'sti yordamga kelmadi?
11. Rostlik, to'g'rilik fazilatlarining insonlar uchun ahamiyatini qanday tushunasiz?
12. Rost so'z, to'g'ri yashash haqidagi g'oyalar ilgari surilgan yana qanday asarlarni bilasiz?


II. «Harflar tilga kirganda» usuli asosida insoniy fazilatlar va yomon xislatlar tahlil qilinadi. Bu usul o'quvchilardan zukkolikni, tezkorlikni, topqirlikni talab qiladi. Berilgan jadvalga o'quvchilar xohlagan harflarini joylaydilar va shu harfga mos insoniy fazilatlar va yomon xislatlarni topadilar, jadvaldagi qaysi raqam yonidagi harfga mos so'z topsalar, shu balni qo'lga kiritadilar. Masalan, 10 raqami yonidagi A harfga aqli, ahil – ayyor, 4 raqami yonidagi B harfga botir, bag'rikeng – baxil, 3 raqami yonidagi D harfga dardkash – dangasa, 8 raqami yonidagi S harfga saxiy, sabrli – serjahl, 11 raqami yonidagi O harfga oqil, odobli, oriyatli – odobsiz, orsiz kabi so'zlarni misol tariqasida keltiradilar. So'ngra keltirilgan misollarni insonlarning ma'naviy shakllanishida qanday ahamiyatga ega ekanligini izohlab beradilar.

1 K	4 B	7 Q	10 A
2 T	5 Y	8 S	11 O
3 D	6 I	9 I	12 O'

5. Baholash va rag'batlantirish: Darsda faol ishtirok etgan o'quvchilarga dars davomida berib borilgan rag'bat kartochkalari jamlanadi va o'quvchilar baholanadi. Eng ko'p rag'bat yig'gan o'quvchi «Bugungi dars qahramoni» deb e'lon qilinadi.

6. Uyga vazifa:

1. Mavzuni mustahkamlab o'qish.
2. Insoniy fazilatlar va yomon xulqlar borasida sinfdosh do'sti bilan kichik sahna ko'rinishi tayyorlash.
3. Asar asosida rasm chizib kelish.



Maqsuda SARIBOYEVA,
pedagogika fanlari nomzodi,
Guliston davlat universiteti katta o'qituvchisi

NAVOIYNING ISHQIY-SARGUZASHT DOSTONI

«SAB'AI SAYYOR» DOSTONINI O'RGANISH USULLARI

Yangi asr ta'limi ilg'or pedagogik texnologiyalarga asoslanish lozimligini taqozo qilmoqda. Binobarin, yangi pedagogik texnologiyalar o'quvchining aqliy zakovati, erkin fikrlashi, mustaqil faoliyat ko'rsatishini ta'minlashda muhim vosita bo'lib xizmat qilayotir.

Ammo, o'z o'rnida ta'kidlash joizki, zamonaviy pedagogik texnologiyalar jarayonida ham an'anaviy ta'lim metodlari o'z qiymatiga ega bo'lishi tabiiy.

Shu o'rinda akademik litseylar adabiyot darslarida, xususan, Alisher Navoiyning epik asarlarini o'rganishda ilg'or pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish xususida fikr yuritsak. Bunda o'qitishning yangi usullari zaruriyati nimalarda ko'rinishi va qanday vosita hamda omillar asosida o'quvchining ichki dunyosini boyitish, bilim olishga hayotiy ehtiyojini kuchaytirish mumkin kabi savollarga amaliy yechim sifatida pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etilgan bir soatlik dars loyihasini amaliyotchilarga tavsiya qilishni lozim topdik.

Quyida buyuk shoirning «Sab'ai sayyor» dostonini o'rganishda o'zimiz qo'llagan zamonaviy ta'lim usullari tavsifini keltiramiz.

Mavzu: «Sab'ai sayyor» – ishqiy-sarguzasht doston.

Dars maqsadi:

- «Sab'ai sayyor» dostoni yuzasidan o'quvchilarga nazariy bilim berish;
- «Sab'ai sayyor» dostoni mazmun-mohiyatidagi insoniy fazilatlarini o'quvchilarda shakllantirish;
- o'quvchilarda mustaqil fikrlashni tarkib topirish.

Kutilgan natija: o'quvchilar yakka, juftlikda va guruhlarda ishlash orqali dostonning badiiyati, syujeti va undagi asosiy timsollar hamda asarning tarbiyaviy jihatlarini o'zlashtiradilar.

Vositalar: «Sab'ai sayyor» dostoni mazmuni aks etgan matn, darslik, mavzuga oid adabiyotlar, lug'at.

Jarayonning borishi:

1-bosqich. O'qituvchi tolibi imlarga «Sab'ai sayyor» asari yuzasidan bilganlarini daftarlariga yozishni taklif qiladi.

2-bosqich. Kichik guruhlarda ishlanadi. Topshiriq: hamkoringiz bilan yozganlaringizni umumlashtiring.

3-bosqich. O'qituvchi ixtiyoriy ravishda tanlangan metod va vositalar (kartochkalar yoki oddiy sanash) orqali sinfni guruhlariga ajratadi.

4-bosqich. Yakka va juftliklarda yozilgan ma'lumotlarni guruhingizda tahlil qiling. Yig'ilgan ma'lumotlarni quyidagi jadval bo'yicha taqsimlang. Har bir guruhga jadval tushirilgan flipchart (katta bichimli) qog'oz tarqatiladi.

Asar haqida	Asardagi timsollar	Shaxslararo munosabatlar	Davr va asar qahramonlari	Asarning badiiy vositalari
«Xamsa»ning 4-dostoni, «hikoya ichida hikoya» usulida, 1484-yida yaratilgan. «Mehr va Suhayl» baleti bor.	Mehr, Suhayl, Jobir, Navdar, Nu'mon, Bahrom, Dilorom va h.k.	Suhayl va Jobir, Navdarshoh bilan shoh Nu'mon munosabatlarida xalqimiz ma'naviyatiga xos qadriyatlar aks etgan.	Bu davrda qaroqchilar karvonlarga hujum qilib ularni talar edi. Dostonda savdo-sotiq yo'llarining tinchligi uchun kurash masalasi ham ilgari surilgan.	Asarda tashbeh, tanosub, irsoli masal va boshqa badiiy-tasviriy vositalarni kuzatish mumkin.

O'quvchilar ushbu jadvalni egallagan bilimlari darajasida to'ldiradilar. Bu o'rinda 7-sinfda «Sab'ai sayyor» dostonidan «Mehr va Suhayl» hikoyasi o'rganilgani ularga qo'l keladi.

5-bosqich. Guruhlarda ish davom etadi. O'qituvchi doston bo'yicha quyidagi sarlavhalar aks etgan matnni tarqatadi:

1-guruhga: «Sab'ai sayyor» – ishqiy-sarguzasht doston;

2-guruhga: Bahrom — qoliplovchi hikoyaning bosh qahramoni;

3-guruhga: «Sab'ai sayyor»dagi yetti hikoyaning badiiy vazifasi;

4-guruhga: Dostonda inson ma'naviyati tasviri;

5-guruhga: Dilorom fojiasi.

3-guruh tarqatmasidan namuna:

«Sab'ai sayyor»ning g'oyaviy-badiiy to'qimasida yetti hikoya alohida o'rin tutadi. Shunga ko'ra ham Navoiy:

Lutf bu nazm aro bag'oyatdur,

G'araz ammo yetti hikoyatdur,

degan edi.

Navoiy qasrlar tusi va sirasini aynan Nizomiy va Xusrav Dehlaviy dostonlaridagidek saqlab qoldi:

Birinchi hikoya — shanba – qora qasr;

Ikkinchi hikoya — yakshanba – sariq qasr;

Uchinchi hikoya — dushanba – yashil qasr;

To'rtinchi hikoya — seshanba – gulgun qasr;

Beshinchi hikoya — chorshanba – nilufar qasr;

Oltinchi hikoya — payshanba – sandal tusli qasr;

Yettinchi hikoya — juma – oq qasr;

Yetti sayyor tilidan aytilgan Navoiy hikoyalari xalq og'zaki ijodi materiallari asosida yaratilgan bo'lib, ular sevgi va vafo, do'stlik va sadoqat, himmat va saxovat, mardlik va qahramonlik, donishmandlik va ijodkorlik kabi masalalarga bag'ishlangan. Hikoyalarda real hayot lavhalaridan tortib fantastik manzaralarga qadar, oddiy turmush voqealaridan tortib kishini hayratlantiruvchi hayoliy sarguzashtlarga qadar ko'rish mumkin. Barcha hikoyalar keskin konflikt asosiga quriladi, konfliktlarning mohiyati turlicha, biroq ularning markazida hammasiga xos bo'lgan yetakchi konflikt — yaxshilik bilan yomonlik o'rtasidagi kurash turadi. Xalq og'zaki ijodi asarlarida bo'lganidek, hikoyalardagi konflikt yaxshilikning yomonlik ustidan g'alaba qozonishi bilan hal bo'ladi. Shoir har bir hikoyaning mazmuni bilan shartli tashqi belgilarni (qasrlarning tusi, hikoyachi va tinglovchilar-

ning libosi va boshqalar) bir-biriga uyg'unlashtiradi, ularni uzviy bog'laydi. Rassom mo'yqalami bilan ishlaganidek, turli-tuman peyzaj, original badiiy usullar va xilma-xil til vositalari hikoyalarning husniga husn qo'shadi.

Shanba. Qora qasr. Hijron dardi bilan qalbi zim-ziyo bo'lgan Bahrom qora libosda. U qora libos kiygan hind go'zali bilan may ichadi. Butun kuni qora tunde o'tib, kech kiradi, shom qorong'isi cho'kadi. Bahrom — uyqusiz. Ehtimol, afsona kor qilar, deb bir musofirni chorlab keladilar. Qora libos kiygan hindistonlik musofir shahzoda Farrux va Axiyning kechmish qora kunlari haqida hikoya aytadi.

Yakshanba. Sariq qasr. Zarbof kiyimlar kiygan rumlik go'zal bilan oltin qadahda may ichib bazo'r kunni kech qiladi. Rumlik musofirni olib keladilar. Zayd Zahhob (Zayd zargar) degan kishining sarguzashtini hikoya qiladi.

Dushanba. Yashil qasr. Yashil libos kiygan Bahrom yashil libos kiygan shahrisabzlik go'zal bilan yashil qadahda may ichib, kunni kech qiladi. Shahrisabzlik musofirni olib keladilar. U Sa'd haqida hikoya aytadi.

Seshanba. Gulgun qasr. Gulgun libos kiygan Bahrom shafaqrang kiyim kiygan go'zal bilan yoqutfom sog'arda la'lrang may ichib, kunni kech qiladi. Qasrga hindistonlik bir musofirni chorlab keladilar. U shoh Juna va saxiy Mas'udlar haqida hikoya so'zlaydi.

Chorshanba. Moviy qasr. Bahrom moviy kiyimda. U nilufar libos kiygan go'zal bilan birga firuzagun jomda may ichib, kunni kech qiladi. Qasrga beshinchi iqlim yo'lidan kelgan musofirni olib keladilar. U Mehr va Suhayl haqida hikoya so'zlaydi.

Payshanba. Sandal tusli qasr. Sandal tusli libos kiygan Bahrom sandal libos kiygan va sandalning xush hidi anqib turgan go'zal bilan birga sandalrang may ichib kunni tabdil etadi. Oltinchi iqlim yo'lidan kelgan musofirni chorlaydilar. U Muqbil va Mudbir haqida hikoya aytadi.

Juma. Oq qasr. Oq libos kiygan Bahrom oq libosli go'zal bilan billur jomda may ichib kunni o'tkazadi. Kech kiradi. Xorazmlik musofirni chorlab keladilar.

Bu hikoya bir tomondan Xorazm mashshog'ining, ikkinchi tomondan, Diloromning sarguzashtlarini o'z ichiga oladi.

Birinchi hikoyani Bahrom qora qasrda, qora libosda tinglagan edi. Chunki u Diloromdan ajral-

gan, qora kunlarga giriftor bo'lgan edi. Yettinchi hikoyani esa u oq qasrda oq libosda tinglaydi. Bu hikoya visol umididan darak berib, Bahromning qalbini ravshan, dilini munavvar qiladi. Biroq Bahrom o'zining achchiq tajribasidan xulosa chiqara olmaganidek, yetti sayyorning ajib hikoyalardan ham pand va ibrat olmaydi.

5-guruh tarqatmasidan namuna:

«Sab'ai sayyor»ning muhim obrazlaridan biri Diloromdir. Dilorom husn-latofatda tengi yo'q ayol. Shu bilan birga u ajoyib iste'dodga ega bo'lgan san'atkor. Diloromning olijanob qalbi, musaffo xulq-atvori uning husniga husn qo'shadi. Dilorom – sadoqatli yor. U Bahromni sidqidildan sevadi, sevgisiga bir umr sodiq bo'lib qoladi.

Biroq Dilorom erksiz, tutqun ayol. U go'dak ekan, Xitoydagi ikki xonning urushi tufayli asira bo'ladi. Bu asirani Xojaga – savdogarga sotadilar. Diloromning bulbuldek ovozi, musiqaga mayli va iste'dodi hammani maftun qila boshlaydi. Dilorom ustoz san'atkorlardan ta'lim oladi. Befarزند Xoja avval uni farzand qilib, nuridiyasidek asrasa, Diloromga yetishgandan so'ng bozori tezlashib, uni katta pulga sotmoqchi bo'ladi. Nihoyat, Xitoy xoqonining Bahromga to'laydigan bir yillik xiroji badaliga uni Bahromga sotadi. Binobarin Dilorom:

Men kanizi siyohbaxti laim,

Ham siyohbaxt-u ham siyohgilim,

deyishga to'la haqli edi. To'g'ri, Bahrom Diloromni samimiyat bilan sevadi, uni ardoqlaydi. Biroq Diloromning boshiga mash'um kunlar solgan ham mana shu Bahrom edi. Shohlik xudbinligi va qahr-g'azabi oshiqlikning lutf-u tavoze'sini, shafqat-u marhamatini yengib Bahrom Diloromning «ov mahoratini mashqning samarasi» degani uchun, uni sochi bilan qo'l-oyog'ini bog'lab, kimsasiz cho'l-biyobonga – o'lim qa'riga tashlab ketadi. Diloromni goh farzand, goh kanizak o'rnida bilgan Xoja uni sog'inib, Eronga yo'l olganda itifoqo cho'lda bir qorani ko'radi, bu qora o'ligitirigi noma'lum Dilorom bo'lib chiqadi. Diloromni shohi kafanga o'rab Xorazmga yo'l oladi. Dilorom hushiga keladi. U o'zini gunohkor sanab, Bahrom dargohiga qaytmoqchi, undan uzr so'ramoqchi bo'ladi. Katta hayot tajribasiga ega bo'lgan Xoja bunga e'tiroz bildiradi.

Kim: «Xatodur bu ra'ykim qilding,

Xiradingdin magarki ayrilding?

Yova dersen! O'zingdamu yo'qsen?

Yoki xoni hayotdin to'qsen?

Shahki, bir so'z uchun to'kar qoning,

Yana qilmoq nedur, fido joning?

Shoh bir shu'lai furuzondur,

Har kishiga yetishsa so'zondur.

O't aro ixtiyor ila surmak,

Bahra bermas bag'ayri kuydurmak.

Shohkim bo'yla tangdil bo'lmish,

G'azabi o'ti mushtail bo'lmish.

Qochmoq andin savob erur bu dam,

Necha andin yiroq – ofat kam...

Xojaning bu so'zlari ayni haqiqat edi. Dilorom Xorazmda qoladi. Uning ovozi va sozi butun Xorazmda shuhrat topadi. Xorazmshoh unga uylanmoqchi bo'ladi. Dilorom va Xojaning e'tiroziga qaramay, Xorazmshoh zo'rlik bilan uni saroyga olib boradi. Biroq Bahromga sodiq bo'lgan Dilorom sozi va ovozi bilan shohni ham, saroydagilarni ham uxlatib, saroydan qochadi. Bu hol bir necha bor takrorlangach, shoh Xojani ota va Diloromni singil, deb hisoblashga majbur bo'ladi. Juma kuni yettinchi qasrda Xorazmdan kelgan musofirdan Diloromning taqdirini eshitgan Bahrom uni o'z dargohiga qaytaradi. Diloromning visol va shodlik kunlari tiklanadi. Lekin bu uzoqqa bormaydi. Ovg'a o'ch Bahrom katta ovga Diloromni ham olib chiqqan edi. Boshqalar qatori Diloromni ham yer yutadi. Diloromning taqdiri mana shunday dahshat bilan tugaydi.

6-bosqich. Kichik guruhlarda o'quvchilar o'zlariga berilgan matn bilan tanishib chiqadilar va yuqoridagi jadvalni to'ldiradilar. Bunda topshiriqlar har xil rangli markerlarda yozilsa, o'quvchilar oldingi va keyingi (o'qituvchi tarqatgan matn bilan tanishgandan keyingi) bilimlarini solishtirish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

7-bosqich. Har bir guruh o'z flipchart qog'ozlarini taqdim qiladi. Ish qog'oziga yozilgan to'ldirishlar yuzasidan qisqacha sharhlar keltirish asosida taqdimot o'tkaziladi.

8-bosqich. O'quvchilar o'zi uchun muhim yoki murakkab hisoblangan ma'lumotlarni daftarlariga yozib olishadi.

9-bosqich. O'quvchilar guruhdagi va to'ldirishlardagi ishtirokiga, yakuniy savol-javobdagi faolligiga qarab baholanadi.

10-bosqich. Uyga vazifa: darslikdan shu mavzuni o'qib, darsda olgan ma'lumotlarga taqqoslash. «Sab'ai sayyor» dostoni yuzasidan savollar tuzish. O'quvchilarga uyga vazifani to'liq tushuntirish maqsadida testdan bir namuna doskada ko'rsatiladi. O'qituvchi ushbu namunani plakatda yoki slaydda oldindan tayyorlagan bo'ladi. Masalan, quyidagi tartibda:

1. «Xamsa»dagi qaysi qahramonni to'rt yuz tabib ikki yil turli usul bilan ham davolab, sog'aytirib yuborisholmaydi?

- A) Farhod V) Majnun
S) Bahrom D) Layli

2. Uzoq ayriliq va hijrondan so'ng Diloromning xushxabarini Bahrom qaysi musofir hikoyasidan eshitadi? («Sab'ai sayyor»)

- A) Birinchi iqlimdan kelgan musofirdan
V) Rumlik musofirdan
S) Xorazmlik musofirdan
D) Beshinchi iqlimdan kelgan musofirdan

3. Shoh Bahromga Diloromning suratini ko'rsatib, uni ishq dardiga yo'liqtirgan kim edi? («Bahrom va Dilorom»)

- A) Buzzurg Ummid
V) Zayd
S) Moniy
D) Suhaylo

4. «Hikoya ichida hikoya» usulida yozilgan asar qaysi javobda ko'rsatilgan?

- A) «Gul va Navro'z»
V) «Saddi Iskandariy»
S) «Shum bola»
D) «Sab'ai sayyor»

5. Ishq ila shohlig' muofiq emas, Ishq lofida shoh sodiq emas. («Xamsa») Ushbu bayt «Xamsa» qahramonlaridan qaysi biriga aytilgan?

- A) Bahrom
V) Majnun
S) Farhod
D) Iskandar

6. «Xamsa» dostonlaridagi qaysi qahramon ovga, maishatga o'ch, urushlarda hamisha g'olib keladigan shoh sifatida talqin qilinadi?

- A) Xusrav

- V) Iskandar
S) Bahrom
D) Xoqon

7. «Chin mulkidanman. Ikki xon qirg'inida asir tushdim. Xoja meni kanizak qilib sotib oldi. U farzandsiz edi. Meni farzanddek tarbiya qildi. Shuhratim yoyildi. Bir naqqosh suratimni pinhona chizib, bir shahanshohga ko'rsatibdi...»

Ushbu hikoyani «Sab'ai sayyor» dostonida nechanchi musofir aytib bergan?

- A) Birinchi
V) Uchinchi
S) Beshinchi
D) Yettinchi

8. «Sab'ai sayyor» dostonidagi ikkinchi iqlim yo'lidan keltirilgan musofir kim haqida hikoyat bayon qiladi?

- A) Mehr va Suhayl
V) Sa'd
S) Farruh va Axiy
D) Usta Zargar Zayd Zahhob

9. «Sab'ai sayyor» dostonidagi qaysi hikoyada saxovat va baxillik, insof bilan insofsizlik, to'g'rilik bilan munofiqlik o'rtasida qattiq kurash boradi?

- A) «Farruh va Axiy»
V) «Muqbil va Mudbir»
S) «Juna va Mas'ud»
D) «Mehr va Suhayl»

10. «Sab'ai sayyor»da shanba, qora qasrda hindistonlik musofir qaysi hikoya haqida so'zlaydi?

- A) «Farruh va Axiy»
V) «Muqbil va Mudbir»
S) «Juna va Mas'ud»
D) «Mehr va Suhayl»

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Alisher Navoiy asarlarini o'quvchilarning o'zlari yakka va birgalikda ishlash orqali o'rganib, o'qituvchi ko'magida mustahkamlab borishsa, uning natijasi samarali bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy. Sab'ai sayyor. T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2006.
2. Q.Yo'ldoshev. Adabiyot o'qitishning ilmiy-nazariy asoslari. T.: O'qituvchi, 1996.
3. N.Mallayev. So'z san'atining gulhoji. T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1991.
4. N.Sayidahmedov, A.Ochilov. Yangi pedagogik texnologiya mohiyati va zamonaviy loyihasi. T., 1999.

Guljamila A'ZAMXO'JAYEVA,
Toshkent shahridagi 105-maktabning
oliy toifali ona tili va adabiyot
fani o'qituvchisi

G'AZAL MULKINING SULTONI

Alisher Navoiy tavalludining 573 yilligiga bag'ishlab
o'tkaziladigan tadbir ssenariysi



Tadbir o'tkaziladigan zal va sahna bayramona bezatilgan.

Zal bo'ylab mumtoz kuy pastroq ovozda taraladi. Sahnaga milliy libosda tadbir tashkilotchisi va boshlovchilar – o'g'il va qiz bola chiqishadi.

Ustoz:

– Jahonki muqaddas neni ko'ribdi
Bariga onasan, ey qodir hayot.
Besh yuz yil naridan boqib turibdi,
Nurli bu yuzlarga nuroniy bir zot.

(Abdulla Oripov)

1-boshlovchi:

– Shu buyuk o'g'lingni ardoqlab dildan,
Xalqim, ta'zim etsang arzigay tamom.
Uning nomi bilan birga bitilgan
Dunyo daftariga o'zbek degan nom.

(Abdulla Oripov)

2-boshlovchi:

– Baytingga bir bora qovushgan har lab
Takrorlab ketgusi Mahshargacha to.
Yaratib turibsan bu yon, ne ajab,
Milliard martabali jahonni hatto.

(Abdulla Oripov)

Ustoz: – Assalomu alaykum, qadrli mehmonlar!

1-boshlovchi: – Assalomu alaykum, hurmatli ustozlar!

2-boshlovchi: – Assalomu alaykum, aziz maktabdoshlar!

Ustoz: – Shu kunlarda o'zbek mumtoz adabiyotining yirik vakili, o'zbek adabiy tilining asoschisi, buyuk qomusiy olim va mutafakkir, ulug' donishmand, davlat arbobi, o'z davrining madaniy hayotiga rahbar, ilm-fan, san'at va adabiyot ahliga homiy, murabbiy va ustoz, buyuk alloma, nafis musiqashunos, yetuk tarixchi, mohir xattot va dunyoga tanilgan komil inson – Hazrat Nizomiddin Mir Alisher Navoiy tavalludining 573 yilligi jahon bo'ylab keng nishonlanmoqda.

Har yili 9-fevralni, ayniqsa, xalqimiz zo'r iftixor bilan kutib oladi. An'anaga aylangan ushbu kunda mamlakatimizning barcha ilm dargohlarida Navoiy hayoti va ijodiga bag'ishlangan ilmiy anjumanlar, uchrashuvlar, ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar, navoiyxonlik va she'riyat kechalari bo'lib o'tadi. Shu munosabat bilan maktabimizda o'tkazilayotgan tadbirimizga xush kelibsiz!

O'quvchilar Zohidjon Obidov she'ri, Orifxon Hotamov musiqasi asosida yaratilgan «Assalom, Hazrat Navoiy» qo'shig'ini musiqa jo'rligida ijro etishadi.

1-boshlovchi: – Nizomiddin Mir Alisher Navoiy 1441-yil 9-fevralda Hirot shahrida tug'ilgan. Alisherning buvilari temuriy shahzodalarni tarbiyalagan, onasi ham saroyda ko'zga ko'ringan enagalaridan bo'lgan. Otasi G'iyosiddin Bahodir Abulqosim Bobur saroyida xizmat qilgan va Sabzavor shahrida hokim lavozimida ishlagan. Shu bois Alisher temuriyzodalar, xususan, Husayn Boyqaro bilan birga tarbiyalangan. Alisher 4 yoshida savod chiqarib, turkiy (o'zbek) til bilan bir qatorda fors va arab tillarini ham chuqur o'rgangan. Mashhur musiqashunos Xo'ja Yusuf Burhondan musiqa sirlarini o'rgangan, adabiyot, tarix, husnixat bilan jiddiy shug'ullangan. U, ayniqsa, adabiyotga, she'riyatga qiziqdi. Sharq adabiyotini qunt bilan o'rgandi va o'zi ham she'rlar yoza boshladi. Hattoki, Fariddin Atorning «Mantiq ut-tayr» («Qushlar tili») asarini o'qib, uni yod olgan, bu bilan atrofidagilarni hayratga solgan edi.

2-boshlovchi: – Alisher 10-12 yoshlaridayoq ilk she'rlari bilan shoir-olimlarning diqqatini o'ziga jalb qilgandi. Tarixchi Xondamirning yozishicha, shoir mavlono Lutfiy yosh Navoiydan yangi yozgan

she'rlaridan o'qib berishini so'raganida u «Orazin yopqoch...» so'zlari bilan boshlanadigan g'azalini o'qigan. Bu ajoyib g'azaldan nihoyatda ta'sirlangan ustoz: «Agar muyassar bo'lsa edi, o'zimning forsiy va turkiy tillarda aytgan o'n-o'n ikki ming baytimni shu g'azalga almashtirardim...» degan ekan.

1-boshlovchi: – Navoiy 1456-yilda Mashhadda o'qib yurgan paytida Sayid Hasan Ardasher va Kamol Turbatiy kabi o'z davrining mashhur shoirlari bilan tanishadi.

Navoiy 1465-yilda Samarqandga kelib, 1469-yilgacha shu yerda yashaydi. Ikki yil davomida Samarqand madrasasida o'qiydi. Madrasada Navoiyga mashhur olim Fazlulloh Abu Lays mudarrislik qiladi va uni o'ziga farzand deb biladi. Navoiy Firdavsiy, Nizomiy, Xisrav Dehlaviy, Sakkokiy, Sa'diy, Atoiy, Lutfiy va boshqa shoirlarning asarlarini qunt bilan o'rgandi. Shuningdek, o'sha davrning barcha fanlari bilan shug'ullanib, ularni to'la bilib olgan edi.

Samarqand shahri hokimi, ma'rifatparvar Ahmad Hojibek Alisher Navoiyga alohida e'tibor beradi. Uning yordamida shoir davlat ishlari bilan ham shug'ullanadi. Navoiyning Samarqanddagi faoliyati yuqori baholanib, unga «Chig'atoy amiri» unvoni beriladi.

Navoiy she'ri, Abdulhoshim Ismoilov musiqasi asosida yaratilgan «Sarvi ravonim» qo'shig'ini musiqa jo'rligida bir o'quvchi qiz ijro etadi. Raqqosa qiz o'yinga tushadi.

2-boshlovchi: – Alisher Navoiy yirik davlat va jamoat arbobidir. Xuroson taxtiga Husayn Boyqaro chiqqandan so'ng uning taklifiga binoan 1469-yilda Navoiy Hirotda qaytadi va Sulton Husayn Boyqaroga bag'ishlangan o'zbek tilidagi dastlabki yirik asari – «Hiloliya»(1469) qasidasini unga taqdim etadi. Sulton Husayn Boyqaro Navoiyni dastlab muhrdor, 1472-yilda esa bosh vazir (amir) lavozimlariga tayinlaydi va unga «Amiri kabir» unvonini beradi.

1-boshlovchi: – Navoiy obodonchilik va madaniy hayot sohasida ko'p xizmatlar qildi. U o'z atrofiga olimlar, yozuvchilar va san'atkorlarni jalb qildi, ularga har tomonlama yordam berdi. Jumladan, mashhur tarixchi Xondamir, xattot Sultonali, musavvir Behzod va boshqalar bevosita Navoiy homiyligida kamolga yetgan edilar. Shuning uchun ham Zahiriddin Bobur «Boburnoma»da: «Ahli fazl va ahli hunarg'a Alisherbekcha murabbiy va muqavviy ma'lum emaskim, hargiz poydo bo'lmish bo'lg'ay», degan edi.

Navoiy o'z mablag'larini ham ilm-ma'rifat va obodonchilik ishlariga sarf etdi. Xondamirning «Makorim ul-axloq» kitobida qayd qilinishicha, Alisher Navoiy o'z hisobidan Hirotda va mamlakatning boshqa shaharlarida bir necha madrasa, 40 ta rabot, 17 masjid, 10 xonaqoh, 9 hammom, 9 ko'prik, 20 ga yaqin hovuz qurdirgan yoki ta'mirlatgan. Ular orasida Hirotdagi «Ixlisiya», «Nizomiya» madrasalari, «Xalosiya» xonaqohi, «Shifoia» tibgohi, Marvdagi «Xusraviya» madrasasi, Mashhaddagi

«Dorul-huffoz» xayriya binosi va boshqa noyob me'moriy yodgorliklar bor.

«Navoiy» romanidan sahna ko'rinishi.

Parda ochiladi.

Navoiy: – Inim, dunyoda kitob o'qimoqdan, tafakkurdan, she'r aytmoqdan o'zga zavqbxash mashg'ulot yo'qdir. Tabiatim ko'proq bu tomonga moyil edi. Sokin bir maskanda yashab, bu zavq daryosida suzmoqchi edim. Lekin menga, ma'lumingiz, davlatda vazifa berdilar... Yolg'iz el va ulus manfaatini nazarga olib, mansabni qabul etdim. Bu muborak yurtida qilinadigan ishlar benihoyat ko'pdir. Bu ishlarning har biriga elimiz asrlardan beri tashnadir. Masalan, bir kutubxonani yaratmoq xayolim bor... Siz endi dorug'ayi kutubxonani humoyundirsiz, sizga taalluqli bo'lganidan, aytib o'tmoq istaymen.

Darveshali (qo'lini ko'ksiga qo'yib): – Har bir niyatingiz uchun qul kabi xizmat qilurmen.

Navoiy (shavq bilan): – Biz shunday kutubxonani bino qilaylikki, butun el qoshida manzur va mo'tabar bo'lsin. Jamiki ulum va funudaki, azminai qadimdan to shu damgacha odamzodning fikr gavhari ijod etmishdir va kitob suratiga chekilmishdir – barchasi bizning kutubxonani xazinasini ziynatlasin... Bu yerda falsafaning Suqrot, Aflotun va Arastulari, hikmat va riyoziyotning Fisog'urslari, ilmi tibning Abu Ali ibn Sinolari, ilmi hay'atning Ulug'beklari, she'rning Firdavsiy va Nizomiy Ganjaviylari – har qaysilari o'z sohalarida osoyishta mashg'ulotda bo'lg'aylar. Ilmning ravnaqiga harakat qilg'aylar, fikrning yangi-yangi xazinalarini ixtiro etgaylar. Alar kashf etgan haqiqat quyoshlari yurtimiz samosini nurga to'ldirsa, maqsadimizga yetgan bo'lurmez.

Darveshali: – Albatta, shunday bo'lmoq kerak, elga xizmat qilgan kishining e'tibori, qadri-qiymati oshar...

Parda yopiladi.

Navoiy she'ri, Doni Zokirov musiqasi asosida yaratilgan «Ey sabo» qo'shig'ini musiqa jo'rligida bir o'quvchi bola ijro etadi.

2-boshlovchi: – Alisher Navoiy ustozlarining badiiy an'anasini davom ettirib, shuningdek, xalq og'zaki ijodiyotidan o'rinni va unumli foydalanib, turkiy va forsiy tillarda ajoyib asarlar yaratgan yuksak badiiy mahoratga ega zakovatli shoirdir. U o'zbek tilidagi she'rlariga «Navoiy» («navo» – kuy), fors tilidagi she'rlariga «Foniy» («fano» – vaqtincha, o'tkinchi) taxallusini qo'llaydi. U ikki tilda ham go'zal she'rlar yozgani uchun «Zullisonayn» («Ikki til egasi») nomi bilan shuhrat qozondi. Navoiyning she'rlari birinchi marta muxlislar tomonidan (1465) devon qilib tuzilgan. Bu kitob «Ilk devon» deb ataladi. 1470-yilda esa Navoiy o'zining o'zbek tilida yozgan she'rlaridan iborat birinchi devoni «Badoye ul-bidoya» (Badiilik ibtidosi)ni, 1480-yillarning oxirida o'zbek tilida yozilgan ikkinchi devoni «Navodir un-nihoya» («Nihoyasiz nodirliklar»)ni tuzdi.

1-boshlovchi: – Navoiy ijodida Sharq she'riyatining 16 turi mujassam. Ya'ni, u ajoyib g'azallar,

qit'alar, ruboiylar, fardlar, muammolar, tuyuqlar, muxammaslar, chistonlar, musaddaslar, tarje'bandlar, mustazodlar, musammanlar, tarkibbandlar, qasidalar, masnaviylar, soqiyonomalar yozgan.

Navoiy she'riyati mavzularining boyligi va kengligi; xalqchilligi, hayotiyli, g'oyaviy-badiiy qimmatini yuksakligi, mazmundorligi, nihoyatda go'zal va nafisligi; badiiy tilining boy, sodda va ravonligi bilan barchamizni o'ziga maftun etadi va sizni bizni she'riyat olamiga oshno etadi.

Sahnaga bir necha o'quvchilar chiqishib, mumtoz musiqa jo'rligida Navoiy she'riyatidan namunalarini ifodali yod o'qishadi.

1-o'quvchi: – Alisher Navoiy mashhur ruboiynavis shoirdir. Navoiy xalqini, yurtini samimiy sevadi. Quyidagi ruboiysida o'z Vatanga bo'lgan cheksiz muhabbatini shunday ifodalaydi:

G'urabatda g'arib shodmon bo'lmas emish,
El anga shafiq-u mehribon bo'lmas emish.
Oltun qafas ichra gar qizil gul butsa,
Bulbulg'a tikandek oshyon bo'lmas emish.

2-o'quvchi: – Uning quyidagi ruboiysida hayotga va insonga bo'lgan muhabbati mohirona tasvirlangan:

Jondin seni ko'p sevarken, ey umri aziz,
Sondin seni ko'p sevarken, ey umri aziz.
Har neniki sevmak ondin ortuq bo'lmas,
Ondin seni ko'p sevarken, ey umri aziz.

3-o'quvchi: – Navoiy tuyuq yozishda ham yuksak badiiy mahoratga ega bo'lgan. U chiroyli so'z o'yinlari va omonimlardan ustalik bilan foydalanib, mazmundor tuyuqlar bitgan:

Tig'i ishqing yorasidur butmagan,
Dardini har kimga aytib butmagan.
Hajr sahrosidur ohim o'tidin,
Anda gul yoxud g'iyoh butmagan.

4-o'quvchi: – Navoiy ko'plab bir-biridan ma'nodor qit'alar ham yozgan. Navoiy quyidagi qit'asida olamdan g'amsiz o'tay desang ilm-u hunar o'rgan. Dunyodan kamolotga yetishmay o'tish hammomdan toza bo'lmay chiqishning xuddi o'zi, deydi:

Kamol et kasbkim, olam uyidin
Senga farz o'lmag'ay g'amnok chiqmoq.
Jahondin notamom o'tmak biaynih
Erur hammomdin nopok chiqmoq.

5-o'quvchi: – Shuningdek, Alisher Navoiy ajoyib fardlar ham yaratgan:

Muruvvat barcha bermakdur, yemak yo'q,
Futuvvat barcha qilmoqdur, demak yo'q.

Ushbu fardda juda yuksak insonparvar g'oyalar ilgari surilgan.

6-o'quvchi: – Navoiy maftunkor g'azallar yozib, xalqimiz qalbidan chuqur joy olgan dahlo, g'azalnavis shoirdir. U hayotni sevadi, insonni sharaflyadi. Navoiy sevgi va sadoqat, Vatanga va xalqqa muhabbat, insonparvarlik, odob va axloq, kamtarlik, halollik, to'g'rilik, rostgo'ylik, muruvvat, vafo va do'stlik kabi insoniy fazilatlarini ulug'laydi. Shoir o'z asar-

larida istiora, tashbeh, mubolag'a, tajnis, tashxis va boshqa ko'plab she'riy san'atlardan mahorat bilan foydalangan.

O'n sakiz ming olam oshubi agar boshindadur,
Ne ajab, chun sarvinozim o'n sakiz yoshindadur.
Desa bo'lg'aykim, yana ham o'n sakiz yil husni bor
O'n sakiz yoshinda muncha fitnakim boshindadur.
O'n sakiz yil dema, yuz sakson yil o'lsa, uldurur
Husn shohi, ul balolarkim, ko'zu qoshindadur.
Hayrat etmon husni naqshidaki, har hayratki, bor
Barchasi ezid taolo sun'i naqqoshindadur.
Tan anga siymu ichinda tosh muzmar ko'nglidin,
Aqlg'a yuz hayrat, ul oying ichu toshindadur.
May ketur, ey mug'ki, yuz hayrat aro qolmish Masih,
Bul ajablarkim, bu eski dayr xuffoshindadur.
To Navoiy to'kti ul oy furqatidin bahri ashk,
Har qachon boqsang, quyosh aksi aning
yoshindadur.

Navoiy she'ri, Saidjon Kalonov musiqasi asosida yaratilgan «Topmadim» qo'shig'ini musiqa jo'rligida bir o'quvchi bola ijro etadi. Raqqosa qizlar o'yinga tushadilar.

Ustoz: – Navoiy ijodi bitmas-tuganmas bebaho hikmatlar xazinasidir. Uning purma'no hikmatlari xalqimiz qalbidan chuqur joy olgan.

Shu o'rinda Navoiy hikmatlari asosida guruhlariga bo'linib musobaqa o'tkazish, unda shoirning quyidagi hikmatlaridan foydalanish mumkin:

1. Agar yaxshilik kimga af'oldur,
Jazosi aning ganji iqboldur.
2. Yolg'onchi kishi ermas,
Yolg'on aytmoq mardlar ishi ermas.
3. Inson ani bilki, kom erur onga saloh,
Til hizfida bil zumrai insonga saloh.
4. Ilm ichra menga to bo'ldi madxal,
Topilmas mushkule men qilmagan hal.
5. Yigitlikda yig' ilmning maxzani,
Qariliq chog'i xarj qilg'il ani.
6. Ko'ngul maxzanining qulfi til va ul maxzanning
kalidin so'z bil.
7. Odamiy ersang, demagil odami
Onikim, yo'q xalq g'amidin g'ami.
8. Emgak tortib ilm o'rgangan xiradmand.
9. Har kimgaki, ilm qil-u qoli bo'lmas,
Ilm ahliga so'z derga majoli bo'lmas.
10. Hunarni asrabon netkumdur oxir,
Olib tufroqqamu ketkumdur oxir?!

(Shuningdek, Navoiy she'riyati va hikmatlari asosida «bahru bayt» she'r aytishish musobaqasini ham o'tkazish mumkin).

2-boshlovchi: – Navoiy Abdurahmon Jomiyning ustoz sifatida juda hurmat qiladi. Unga bag'ishlab fors tilidagi birinchi yirik asari «Tuhfat ul-afkor» qasidasini (1476) yozadi.

1-boshlovchi: – Navoiy buyuk xamsanavisdir. Navoiyning shoh asari «Xamsa» – besh dostonni o'z ichiga olgan bo'lib, u 52 ming misradan iborat. Shoir ushbu asarni 1483–1485-yillarda o'zbek tilida

yo'zdi. Mazkur asar o'zbek adabiyoti shuhratini olamga yoyib, jahon adabiyotining durdonalaridan biriga aylandi.

2-boshlovchi: – Abdurahmon Jomiy «Haft avrang» xotimasida Alisher Navoiyning iste'dodi va mahoratiga yuksak baho berib, u Nizomiy Ganjaviy va Amir Xusrav Dehlaviy panjasiga munosib panja ura oldi, hatto ulardan ham o'zib ketdi, deb yozgan edi. Husayn Boyqaro esa o'zining «Risola» asarida Alisher Navoiyni so'z mulkining sohibqironi deb ta'riflagan. Shuningdek, Sulton Husayn Boyqaro Navoiyning qarshiligiga qaramay, o'zining oq otiga mindirib, unga jilovdorlik qilgandi.

1-boshlovchi: – Navoiy buyuk tilshunos olimdir. U «Muhokamat ul-lug'atayn» («Ikki til muhokamasi») nomli asarini 1499-yilda yaratdi. Unda turkiy tillarning ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayotdagi o'rni, uning grammatik mukammalligi, so'zlarga boyligi fors tili qoidalari va hodisalariga qiyoslangan holda chuqur va aniq misollar orqali tahlil etilgan. Turkiy tilning boshqa tillardan kam joyi yo'qligini, aksincha, ularga nisbatan afzallik tomonlarini ko'rsatib bergan. Unda muqoyasa uchun keltirilgan 100 ta turkiy fe'lning aksari o'zbek tilida hozirgacha iste'molda.

2-boshlovchi: – Alisher Navoiy atoqli adabiyotshunos olim hamdir. U 1492-yilda o'zbek tilida she'riyat nazariyasi, aruz vazni qoidalari haqida «Mezon ul-avzon» («Vaznlar o'lchovi») ilmiy qo'llanmasini, 1485-yilda muammo yozish qoidalari haqida «Mufradot» («Risolai muammo») maxsus asarini yaratdi. 1490–1492-yillarda «Majolis un-nafois» («Nafislar majmuasi») tazkirasini tuzib, 1498-yilda uni to'ldirib, 459 nafar shoir haqida ma'lumot qoldirdi. Ushbu asarlar juda bebaho bo'lib, o'z davridayoq yuqori baholangan. Hanuzgacha ham o'z qimmatini saqlab kelmoqda.

1-boshlovchi: – Shuningdek, Alisher Navoiy «Tarixi anbiyo va hukamo» («Anbiyolar va hakamlar tarixi»), «Vaqqiya», «Nazm ul-javohir» («Nazmlar gavhari»), «Arba'iy» – «Qirq hadis» asarini bitdi. 1488-yilda «Siroj ul-muslimin» («Musulmonlik nuri»), «Risolai tir andoxtan» («O'q otish risolasi») va arab tili lug'ati «Sab'at ul-abhur» («Yettinchi dengiz») kabi asarlarini yaratdi. Shu bilan birga, musiqa o'z maxsus «Risolai musiqa» tadqiqotini yozdi.

2-boshlovchi: – Navoiy o'zbek tilida yaratgan she'rlarini yig'ib, 1491–1499-yillarda «Xazoyin ul-maoniy» («Ma'nolar xazinasi») deb nomlangan devoniga jamlagan. To'rt devondan iborat bo'lganligi uchun «Chor devon» deb ham atalgan bu asar 45 ming misraga yaqin.

Alisher Navoiy fors tilida ham ajoyib asarlar yaratgan zabardast zullisonayn shoirdir. Jumladan, 1490-yillarning o'rtalarida u 12 ming misradan ziyod forsiy she'rlarini o'z ichiga olgan «Devoni Foni» («Foni devoni»)ni tuzib, forsiy she'riyat taraqqiyotiga ham katta hissa qo'shdi. 1498–1499-yillarda «Lison ut-tayr» («Qushlar tili») deb nomlangan so'nggi dos-

tonini yozgan. Bu asar Farididdin Attorning «Mantiq ut-tayr» dostoniga javob tariqasida vujudga kelgan.

1-boshlovchi: – Alisher Navoiy umrining oxirida bitgan asarlaridan biri – «Munojot». Ulug' shoir mazkur asarida o'zining butun ijodiy va hayotiy yo'lga yakun yasaydi, Yaratguvchiga dil izhori bilan murojaat qiladi.

2-boshlovchi: – «Munojot» – Navoiy ezgu niyatlarining, samimiy intilishlarining samarasi o'laroq, mohiyatan kelajak avlodlarga qarata bitilgan asardir. Unda mutafakkir shoir insonni o'zligini anglashga da'vat etadi.

Zal bo'ylab «Munojot» kuyi taraladi. Sahnaga bir o'quvchi qiz chiqib «Munojot»ni tinglab» she'rini ifodalay yod o'qiydi:

Qani, ayt, maqsading nimadir sening,
Nega tilkalaysan bag'rimni, ohang.
Nechun kerak bo'ldi senga ko'z yoshim,
Nechun kerak, rubob, senga shuncha g'am!
Eshilib, to'lg'onib ingranadi kuy,
Qaylardan kelmoqda bu oh-u faryod.
Kim u yig'layotgan, Navoiymikin
Va yo may kuychisi Hayyommikin, dod!
Bas, yetar, cholg'uchi, bas qil sozingni,
Bas, yetar, ko'ksimga urmagil xanjar.
Nahotki dunyoda shuncha g'am bordir...
Agar shu «Munojot» rost bo'lsa agar.
Agar aldama shu sovuq simlar,
Gar shul eshitganim bo'lmasa ro'yo.
Sen beshik emassan, dorsan, tabiat,
Sen ona emassan, jallodsan dunyo!
Eshilib, to'lg'onib ingranadi kuy,
Asrlar g'amini so'ylar «Munojot».
Kuyi shunday bo'lsa, g'amning o'ziga,
Qanday chiday olgan ekan odamzod!

(Abdulla Oripov)

Navoiy she'ri, Imomjon Ikromov musiqasi asosida yaratilgan «Ul sarvi gulro' kelmadi» qo'shig'ini musiqa jo'rligida bir o'quvchi qiz ijro etadi.

1-boshlovchi: – Navoiy 30 ga yaqin devon, yirik doston, nasriy asar va ilmiy risolalardan iborat ulkan meros qoldirgan. Uning she'riy merosining hajmi, «Lison ut-tayr» dostonida shoirming o'zi ta'kidlashicha, 100 ming baytdan iboratdir. Navoiy haqida Bobur «Boburnoma» asarida: «Alisherbek naziri yo'q kishi edi. Turkiy til bila to she'r aytibturlar, hech kim oncha ko'p va xo'b aytqon emas», deb yozadi.

2-boshlovchi: – Navoiy mamlakat va davlat ishlari, mehnatkash xalq tashvishlari bilan nihoyatda band bo'lganligidan faqat kechalarigina ijodga vaqt ajrata olgan. Bu haqda u «Lison ut-tayr» dostonida shunday yozadi:

Qirq-ellik bayt har yarim kecha –
Safhaga yozmay qarorim yo'q edi...

Demak, Navoiy «Xazoyin ul-maoniy» tugagandan keyingi ikki yil vaqt ichida ham barakali ijod qilgan.

Professor Hamid Sulaymon «Xazoyin ul-maoniy» devonlariga kirmay qolgan 24 g'azal, 8 qit'a,

TA'LIMI

2 ruboiy va fardlarni topib, «Favoyid ul-kibar» devonining 1960-yil nashriga ilova tarzida e'lon qilgan. Professor Fozila Sulaymonova «Ayyomi visol o'ldi yana» (1995) nomi ostida Navoiyning «Xazoyin ul-maoniy» majmuasi devonlari tarkibiga kirmay qolgan o'nlab g'azallarini alohida kitobcha shaklida e'lon qildi.

Xullas, Navoiy she'riy merosining hajmi 100 ming baytdan ham ko'pdir.

1-boshlovchi: – «Alisher Navoiy dunyo adabiyotida eng ko'p g'azal yaratgan liriklardan biri hisoblanadi. Shoirning shu nodir qudratni e'tiborga olib, men uni «G'azal mulkingning sultoni» deb ta'rifladim», degan edi zakiy shoir Maqsud Shayxzoda.

Ma'lumotlarga ko'ra jahonning ko'zga ko'ringan shoir va yozuvchilari tomonidan ishlatilgan so'zlar miqdori jihatidan ham Hazrat Alisher Navoiy dunyo adabiyotida eng yuqori pog'onada turadi:

1. Alisher Navoiy – 26035 ta,
2. Aleksandr Pushkin – 21193 ta,
3. Uilyam Shekspir – 20000 dan ortiq,
4. Migel de Servantes – 18000 dan ortiq,
5. Abdurahmon Jomiy – 17600 ta,
6. Abdulla To'qay – 14000 dan ortiq.

2-boshlovchi: – Navoiyning shuhrati ham, asarlari ham hayotlik paytidayoq hamma yoqqa tarqalgan. Nafaqat Sharq, balki G'arb mamlakatlarida ham olimlarning e'tiborini tortgan.

Uning asarlarini yaqindan o'rganish uchun ko'pgina mamlakatlarda «Navoiy asarlari lug'ati» kitoblari tuzilgan.

Navoiy she'ri, Jo'raxon Sultonov musiqasi asosida yaratilgan «O'lmasun» qo'shig'ini musiqalar j'rligida bir o'quvchi bola ijro etadi. Raqqosa qizlar o'yinga tushadilar.

1-boshlovchi: – Jahon tinchlik kengashi Navoiy tavalludining 525 yilligi munosabati bilan yo'llagan tabriknomasida: «Jahon madaniyatining eng yaxshi durdonalariga mansub bo'lgan Alisher Navoiyning qudratli hayotbaxsh she'riyati butun taraqqiyparvar insoniyatning boyligi bo'lib qoldi», deya e'tirof etgan edi.

Xalq buyuk shoir va donishmand Navoiyni qalb qo'ri bilan sevib, uning badiiy obrazini yaratdi. Xalq ijodiyotidagi Navoiy siymosi va badiiy obrazi tarixiy haqiqat bilan xalq to'qima va afsonalarining omuxta bo'lishi negizida vujudga keldi. Atoqli adib Oybek «Navoiy» romanini (1944) yozishda, Navoiy haqida Mirxond, Xondamir, Davlatshoh Samarqandiy, Zayniddin Vosifiy, Bobur Mirzo, Haydar Mirzo, Faxriddin Ali Safiy kabilar o'z asarlarida yozib qoldirgan tarixiy manbalardan, ushbu manbalardagi xalq yaratgan hikoya va latifalardan ijodiy foydalanib, Maqsud Shayxzoda ta'biri bilan aytganda «Tirik Alisher» obrazini yaratishga muvaffaq bo'ldi. Shuningdek, xalq afsonalari asosida Oybek «Guli va Navoiy» (1968) dostonini yozdi.

Taniqli rejissyor Maqsud Yunusov Oybekning «Navoiy» romani asosida 9 qismdan iborat «Navoiy»

telefilmini (1982) yaratib, tomoshabinlar olqishiga sazovor bo'ldi.

2-boshlovchi: – Mazkur tarixiy manbalar va xalq afsonalari asosida Izzat Sulton «Navoiyning qalb daftari» asarini; L.Bat «Hayot bo'stoni» qissasini; Mirkarim Osim hikoyalar turkumini; Izzat Sulton va Uyg'un «Alisher Navoiy» dramasi (1945)ni yozdi. Shu drama asosida atoqli rejissyor Komil Yormatov «Alisher Navoiy» kinofilmini (1948) yaratdi. I.Mahsumov bastakorlar Yu.Pajabiy va S.Jalil bilan hamkorlikda «Navoiy Astrobodda» musiqali dramasi (1967) yozdi. Alisher Navoiy dostonlari asosida yaratilgan «Farhod va Shirin» musiqali dramasi (1937), «Layli va Majnun» operasi (1942), «Suhayl va Mehr» baleti (1967), «Dilorom» operasi (1958), «Iskandar» dramasi (1991) teatr san'atining eng yaxshi asarlaridan bo'lib qoldi.

Navoiy haqida olingan hujjatli filmlardan kino lavhalar proyektor orqali ekranda ko'rsatib turiladi.

1-boshlovchi: – Mustaqillik bizga barcha qadriyatlarimiz qatori Alisher Navoiy merosini o'rganishning keng ufqlarini ochdi. Endilikda uning ijodini aslicha, to'raligicha, mohiyatini tushunib o'rganish imkoniyati yuzaga keldi. Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Respublikasi Davlat mukofoti ta'sis etildi. Alisher Navoiy nomidagi adabiyot muzeyi binosi oldidagi xiyobonda shoirning yangi tagsupaga o'rnatilgan haykali ochildi (1991). Prezidentimiz tashabbusi va rahbarligida Toshkentda Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy bog'i barpo etildi va bu bog' o'rtasida shoirning salobatli haykali qad ko'tardi (1991).

2-boshlovchi: – Alisher Navoiy tavalludining 550 yilligi tantanali nishonlanib, katta anjuman o'tkazildi (1991), Samarqanddagi shoir yashagan Abu Laysiy guzari obodonlashtirilib, u yerda uy-muzey tashkil qilindi. Alisher Navoiyning 20 jildli mukammal asarlar to'plami nashr etildi. Uning nomi mamlakatimizning ko'p joylarida abadiylashtirildi. Bir viloyat, shahar, oliy o'quv yurti (Samarqand davlat universiteti), Toshkentdagi Davlat kutubxonasi, O'zbekiston FA Til va adabiyot instituti, Adabiyot muzeyi, Toshkentdagi Katta akademik opera va balet teatri, San'at saroyi, Toshkentdagi metro bekati, xiyobon, respublikamizdagi ko'chalar, mahallalar va jamoa xo'jaliklari shoir nomi bilan ataldi.

O'zbekiston FA Til va adabiyot instituti 1957-yildan buyon har yili Alisher Navoiy tug'ilgan kun – 9-fevralda ilmiy-an'anaviy anjuman o'tkazadi. Bunda Alisher Navoiy merosini o'rganish sohasida qilingan yillik ishlarga yakun yasaladi va yana yangi-yangi bajariladigan ishlarga reja tuziladi.

1-boshlovchi: – Navoiy bobomiz cho'llarni gulliston qilish istagi bilan yashadi va ko'pgina suvsiz joylarga kanallar qazitib suv chiqardi. Mana, bobomizning orzulari amalga oshdi. Cho'lda barpo bo'lgan, endilikda ko'rkam bog'-u rog'larga aylangan Navoiy shahrida «Alisher Navoiy yodgorlik majmui» bunyod etildi (2001). Xalqimiz uning asarlari-

dagi o'lmas qahramonlaridan ilhomlanib, Bekobod yaqinidagi toqqa Farhod tog'i, soyga esa Shirinsoy deb nom berdi. Alisher Navoiy o'z asarlarida ham, hayotda ham yoshlarni ilmli, hunarli bo'lishga undadi. Ayniqsa, xotin-qizlarga juda hurmat bilan qaradi, ularni har tomonlama go'zal va baxtli bo'lishini istadi.

2-boshlovchi: – Navoiy dunyoviy ilmni qamrab olgan katta kutubxonalarni orzu qilgan edi. Poytaxtimiz markazida, Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasining yangi binosi qad ko'tardi. Bu ma'rifat markazi har kuni minglab o'quvchilarni o'z ma'naviy xazinasidan bahramand qilmoqda.

Yurtboshimiz Alisher Navoiy bobomiz haqida: «Agar bu zotni avliyo desak, u avliyolarning avliyosi, mutafakkir desak – mutafakkirlarning mutafakkiri, shoir desak – shoirlarning sultonidir», – deya faxrlanib, unga yuksak ehtirom ko'rsatgan edi.

Darhaqiqat, Alisher Navoiy merosi nafaqat xalqimiz, balki butun bashariyatning bebaho ma'naviy mulkiga aylandi.



1-boshlovchi: – Alisher Navoiyning o'n jildli to'la asarlar to'plami aslicha nashr qilindi. Navoiy ijodining cho'qqisi hisoblangan «Xamsa» asari – besh dostonni o'z ichiga olgan nasriy bayoni bilan birgalikda chop etildi. Moskva shahrida 2006-yil 10–11-avgust kunlari bo'lib o'tgan «Kitob san'ati» uchinchi xalqaro tanlovida G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi tomonidan «Boqiy satrlar» turkumida chop etilgan besh kitobdan iborat Hazrat Navoiyning «Xamsa»si nashri birinchi o'rinni egallab, oltin medalga sazovor bo'ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 1-jild. Alisher Navoiy. Abduqodir Hayitmetov. T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2000.
2. Alisher Navoiy. Bir paripaykar g'ami. So'z boshi va izohlar muallifi Ergash Ochilov. T.: Sharq, 2006.
3. Alisher Navoiy. Hikmatlar. T.: Sharq, 2006.
4. Alisher Navoiy. Munojot. T.: Sharq, 1991.
5. N. Mallayev. Alisher Navoiy va xalq ijodiyoti. T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1974.
6. Oybek. Navoiy. T.: Sharq, 1995.
7. Navoiyning ijod olami. T.: Fan, 2001.
8. Jumaniyoz Jabborov. Navoiy dunyosi // O'zbekiston adabiyoti va san'ati, 2008-yil 3-oktabr.
9. Abdulla Oripov. Saylanma. Alisher, «Munojot»ni tinglab. T.: Sharq, 1996.
10. Sirojiddin Sayyid. Qaldirg'ochlarga ber ayvonlaringni. To Navoiy bor... T.: Sharq, 2005.

Butun insoniyat hozirda Alisher Navoiyning insonparvar va do'stlik ziyosi porlab turgan asarlari uchun unga ehtirom bildirmoqda.

Navoiy haykallari Yaponiyaning Soka universiteti hovlisida, Rossiya poytaxti Moskvada, Ozarbayjon poytaxti Boku shaharlarida qad ko'targanligi Navoiy bobomizga hurmat ramzi bo'lsa, har bir yurtdoshlarimizga esa cheksiz g'urur va faxr bag'ishlaydi.

O'zbekiston Milliy bog'i va u yerda o'rnatilgan Navoiy haykalini aks ettiruvchi kinolavha ekranda ko'rsatilib turiladi.

2-boshlovchi: – Milliy bog'dagi Navoiy yodgorlik gumbaziga shunday so'zlar bitilgan:

Olam ahli, bilingizkim, ish emas dushmanlig',
Yor o'lung bir-biringizgakim, erur yorlig' ish.

Bobomizning ushbu hikmati barcha xalqlar, millat-elatlarni hamjihatlikka, do'stlikka da'vat etdi.

1-boshlovchi: – Alisher Navoiy ijodi bebaho xazinadir. Uning adabiy merosi ham, o'zi ham biz – yoshlarga hamisha ibrat va hayot maktabidir.

Biz Navoiy bog'ining bog'bonimiz,
Bog'bondirmiz, vale mehmonimiz.
Bul – «Nasoyim ul-muhabbat» bog'idir,
Besh askim biz uning hayronimiz.
Mir Nizomiddin Alisher, ya'nikim
So'z aro osmonimiz, ummonimiz.

(Sirojiddin Sayyid)

2-boshlovchi:

– Til – «Xazoyin ul-maoniy»dan kelur,
Boshlanur shundan adab karvonimiz.
To Navoiy bor – muhabbat dildadir,
So'lmagay hargiz ko'ngil bo'stonimiz.
Shul ismdan yurt aro yuz ming umid,
Shul ismdan nurlanur davronimiz.

(Sirojiddin Sayyid)

Ustoz: – Darhaqiqat, Navoiy ijodiyot bo'stonida shunchalar xilma-xil, rang-barang gullar ko'pki, uning adog'i yo'q. Undan qaysi gulni istasangiz, albatta, o'sha gulni topasiz. Navoiy bobomiz she'riyat bo'stoni hech qachon so'lmas gulshandir. Uni ehtiyot qilib asrash har birimizning sharaflig' burchimizdir.

Abdulla Oripov she'ri, Mutal Burhonov musiqasi asosida yaratilgan «Alisher Navoiyga qasida» qo'shig'ini musiqa jo'rligida maktab o'quvchilar xori va barcha tadbir ishtirokchilari sahnada ijro etishadi.

KELING, INGLIZ TILINI O'RGANAMIZ!

LESSON 18 REVIEWING LESSONS 1-17

(1-17-дарсларни такрорлаш)

Хурматли журналхонлар! Журналнинг ўтган йилги, яъни 2-12-сонларида инглиз тилини ўрганиш юзасидан эътиборингизга ҳавола этилган 1-17-дарслар давомида Сиз инглиз тилининг қисқача фонетик курси, ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг ўқилиш қоидалари, транскрипция, инглиз тили алифбоси, дарак, сўроқ, инкор ва буйруқ гапларда сўз тартиби, гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари, кишилиқ, эгалиқ ва объект келишигидаги олмошлар, сўроқ ва кўрсатиш олмошлари, «from», «at», «in» ва «on» ўрин предлоглари, атоқли ва турдош отлар, отларнинг кўплиги, отларнинг қаратқич келишиги, аниқ ва ноаниқ артиклар, сифат, феъл, 1 дан 100 гача бўлган санок сонлар, оддий ҳозирги замон бўлишли, бўлишсиз, инкор гаплари ва қисқа жавоблари, «to be» ва «have got» феълларининг ҳозирги замон бирлик ва кўplik шахслардаги шакллари, «and» боғловчиси ҳамда имло қоидалари ҳақидаги муҳим грамматик маълумотларни эгаллаш билан бирга, давлатлар ва шаҳарлар, миллатлар, танишув, электрон почта, оила, касблар, уй, унинг қисмлари ва жиҳозлари, ранглар, мактаб, унинг қисмлари, жиҳозлари, ўқув қуроллари, ўқув фанлари ва дарслар каби мавзуларда шеригингиз билан суҳбатлашган ва бу мавзуларга оид турли масалаларни биргалишиб муҳокама қилган эдингиз.

Инглиз тилида Сиз томондан ўрганилиши керак бўлган бошқа грамматик материаллар ва мавзулар кўп бўлганлиги боис журналнинг бу йилги сонларида ҳам ушбу тилни ўрганиш бўйича дарсларни давом эттириш ва бу билан Сизнинг инглиз тилидан билимларингизни мунтазам бойитиб боришда ўз ҳиссамизни қўшишга қарор қилдик.

Шундай экан, аввало ўтган йилда инглиз тилидан олган билимларингизни яна бир бор такрорлаб олишингизни ва улар юзасидан журналнинг мазкур сонидан келтирилаётган такрорлаш машқларини бажаришингизни, кейинги сонлардан бошлаб эса янги грамматик материаллар ҳамда янада қизиқроқ мавзуларни эътиборингизга ҳавола этиб боришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

1 Write down the names of the countries.

Example

1 Australia



2 Match the stars and their nationalities.

Example

1 Pavarotti – Italian

American, Australian, Italian, French, British, Russian, Spanish, Brazilian



3 Read the puzzle. Complete the family tree.

Puzzle

1 My name is Susan. My father is Tom.

2 My name is Judy. My daughters are Lucy and Susan.


3 My name is Sam. My mother is Judy.

4 My name is Lucy. My brothers are Sam and Nick.

5 My name is Tom. My parents are John and Mary.

6 My name is Mary. My children are Sally and Tom.


7 My name is John. My grandsons are Sam and Nick.




4 Look at the pictures and find seven jobs.

Example





1 a scientist



5 Use the pictures to write a description of a bedroom.

My room has got  walls.

I've got posters of .

This room has got a big  for my  and my .
My new  is great.

I've got a  on my .

6a Find things in the classroom.

Example

I desk

- | | |
|---------|--------------|
| 1 keds | 5 estasect |
| 2 dobar | 6 eshfl |
| 3 voide | 7 crityondia |
| 4 kobo | 8 podcubar |

6b Find the lessons. Start with the underlined letter.

- 1 tueoprcm sdesuit
- 2 cusumi
- 3 thuysior
- 4 ruotp
- 5 slneuihg
- 6 reairlutetu

7 Write sentences with *have got* or *has got*: affirmative (+), negative (-) or questions (?)

- 1 he/a computer (-)
- 2 Rashid/a cat (+)
- 3 she/a nice bedroom (?)
- 4 we/a small kitchen (+)
- 5 you/a ruler (?)
- 6 they/a car (-)

8 Complete the sentences with the correct form: *have/has got, haven't/hasn't got*.

- 1 I two penfriends. They're British.
- 2 She a TV. It's in her bedroom.
- 3 you a pet? No, I
- 4 We've got a dog, but we a cat.
- 5 he a big house?
- 6 Yes, he
- 7 They a new computer game.
- 8 He's got a brother, but he a sister.
- 9 My room is great! It blue walls and a red carpet.

9 Complete the sentences with *a, an* or *the*.

- 1 I've got garden. My pets are in garden now.
- 2 They've got new house, but they aren't in house now.
- 3 We've got English teacher and art teacher. English teacher is new.
- 4 She's got letter and e-mail. e-mail is from her penfriend.
- 5 We've got old house with garden. garden is big.

6 I've got cat and dog. cat is called Suzy and dog is called Chico.

7 She's got interesting book for our project. book has got old photos of Cambridge.

10 Write the words in the correct list.

good, green, white, bad, black, boring, nice, grey, interesting, pink, small, yellow

Adjectives

Colours

_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

11 Match the objects (1-8) with the rooms (a-d).

- | | | |
|----------|--------------------------|-----------------|
| 1 toilet | <input type="checkbox"/> | a) bedroom |
| 2 fridge | <input type="checkbox"/> | b) kitchen |
| 3 cooker | <input type="checkbox"/> | c) sitting room |
| 4 video | <input type="checkbox"/> | d) bathroom |
| 5 bath | <input type="checkbox"/> | |
| 6 bed | <input type="checkbox"/> | |
| 7 shower | <input type="checkbox"/> | |
| 8 sofa | <input type="checkbox"/> | |

12 Circle the correct word.

Fotima: Hello. What's your name?

Gulsara: Gulsara. I'm *at/from* Samarkand.

Fotima: *My/I* name's Fotima. Welcome to Tashkent. *Are/Am* your parents in Tashkent?

Gulsara: No, they *isn't/aren't*. They're *at/from* home in Samarkand. We 've *got/s got* a house there.

Fotima: *Has/Have* you *got* a garden?

Gulsara: Yes, we have. And I've got a/an big bedroom. *He's/It's got* white walls, big windows and a nice, red carpet.

Fotima: I've got a new CD player *at/in* my bedroom. And my brother *have/has got* a new TV!

Gulsara: *What/How* old is your brother?

Fotima: He *has/is* 21. Her/His name's Davron and *he's a/the* student.

Gulsara: Come here, Fotima. Look at *this/these* photos of my new school!

Fotima: OK. *Who's/What's* that in the classroom?

Gulsara: That's my teacher, Mrs Sanobar. *He's/She's* great!

Fotima: And where *is/are* you in this photo?

Gulsara: I'm *at/in* the art room. My picture is *on/in* the wall.

Fotima: *It's/Its* great. The colours *is/are* really nice.

Gulsara: Thank you. *These/That* photos are of the computer room.

Fotima: Look at the computers! *They're/Their* great!

Gulsara: Yes. *Have/Has* your school got *the/a* computer room?

Fotima: No, but I've got *a/an* new computer *in/at* home. Computer studies is my favourite lesson. What's *your/you're* favourite lesson?

Gulsara: I've got two. Art and literature.

13a Read Kamol's ideal school timetable. Correct the spelling mistakes. What are Kamol's favourite lessons?

My ideal school, by Kamol Tursunov

Day	9 ⁰⁰ -10 ³⁰	11 ⁰⁰ -12 ³⁰	13 ³⁰ -14 ³⁰	14 ³⁰ -16 ⁰⁰
Monday	Matematics	English	History	Sport
Tuesday	Computer studies	Literature	Musik	Art
Wednesday	English	History	Geography	Sport
Thursday	Maternatics	Literature	Cience	Cience
Friday	Musik	Musik	Sport	Sport

13b Write a timetable for your ideal school. Check your work for spelling and capital letters.

14 Give your partner a vocabulary quiz. Follow the stages.

Stage 1

Think of ten words and write quiz questions like these:

The first letter is ...

How do you spell ...?

It is on the ...

What is ... in English?

Stage 2

Work in pairs. Test your partner's vocabulary.

Example

A: The first letter is 'c'.

B: Cupboard?

A: No.

B: Chair?

A: Yes.

15 Circle the correct word.

- Look at this/these magazine. It's great!
- Come to the window! What's that/this in the street?
- What are that/those? They're English cassettes.
- These/This videos are boring!
- Pass me these/those pens, please. They're on the desk.
- The children are in the house. Who's that/this in the garden?

16 Complete the sentences with this, that, these or those.

- Who are _____ people in the street?
- What are _____ on my desk?
- Come here. Look at _____ exercise.
- Pass me _____ dictionary, please.

17 Write the plural.

- | | | |
|--------------|--------------|------------|
| 1 dictionary | 6 watch | 11 ruler |
| 2 pen | 7 family | 12 ball |
| 3 box | 8 paintbrush | 13 actress |
| 4 shelf | 9 secretary | 14 city |
| 5 cassette | 10 desk | 15 wife |

18 Find eight colours in the word square. Then write the colours in alphabetical order.

W	O	L	L	E	Y	R
O	R	E	D	B	E	B
E	A	L	E	R	B	L
T	N	B	U	P	G	A
I	G	R	E	E	N	C
H	E	U	P	I	N	K
W	R	P	E	U	L	B

19 Put these words in the correct group.

fridge, green, teacher, this, these, bin, pink, read, kitchen

Group 1 [i:] eat

Group 2 [ɪ] it

20a Correct the spelling mistakes.

- therty *thirty* 4 sirname
- repeet _____ 5 lern
- grean _____ 6 people

20b Write the words in Exercise 20a in the correct group.

Group 1 [ɜ:] thirty

Group 2 [i:]

21 Read the following words to your partner. She/He listens and repeats after you.

brother, father, mother, the, this, that, these, those, they, their

22a Read the text.

My name is sobirjon aliyev. this is my school Its called zulfiya school. weve got six classrooms a computer room and a gym The classrooms are big, but the gym is small. we havent got an art room or a music room

My classroom is number 6 Its got a board two cupboards shelves and posters on the wall Today is friday he got five lessons - maths science history art and computer studies. Maths science and history are boring, but art and computer studies are great! my favourite teachers name is mr normatov. hes our art teacher. hes really interesting

22b Read the text again. Are these sentences true (T) or false (F)?

- Sobirjon's school has got nine rooms.
- Sobirjon's classroom is number six.
- Sobirjon's classroom hasn't got a clock.
- The art teacher is boring.

22c Correct the text. Write capital letters and full stops (.), commas (,) apostrophes (') and possessives ('s) where necessary.

Example

My name is Sobirjon Aliyev. This is my school. It's called Zulfiya School.

Љуџфулло Жўраев

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi hamda yurtimizdagi Britaniya Kengashi vakolatxonasi hamkorligida o'qituvchi-pedagoglarga ingliz tilini o'qitish samardorligini oshirish maqsadida jurnalimizda «Teaching English» rukni ostida Britaniya Kengashi tomonidan taqdim etilayotgan ilg'or tajribalarga doir ingliz tilidagi materiallar seriyasini berib borishni rejalashtirdik.

Bu maqolalar yangi fikr va zamonaviy o'qitish metodlari asosida Sizning darsingizga o'qitishning noan'anaviy texnologiyalarini olib kirishda amaliy yordam beradi, degan umiddamiz.

Dastlabki maqolalar "O'qituvchi sifatida rivojlanish" va "O'qituvchining ingliz tilidan bilimini oshirish" mavzusiga bag'ishlanadi.

Developing as a teacher

This series of articles from the British Council aims to help you think about *your* teaching and bring new ideas and activities into your classroom. The series covers topics including homework, working with large classes and finding resources. Today we look at **developing as a teacher**.

Read these comments from teachers. Do you agree?

I want to learn more about teaching and language learning but I'm not sure where to start.

Yolanda, Mexico

Developing as a teacher is important but I don't have the time or money to do a course.

Rashid, Pakistan

What can we do to develop professionally? Here are some ideas.

- Talk to other teachers. The staff room is a great resource – it's full of teachers with ideas that you can borrow to try with your classes.
- Keep a **teaching diary**. After each lesson make notes on what you learned about your students, yourself, teaching, and the English language. List simple personal goals such as trying group or pair work.
- Read about your profession in teaching journals, books, online articles, blogs.
- Try a **blind observation**. This is good if you don't want someone to watch your class at first or if it's difficult to find a time when someone can watch you teach. The teacher tells the 'observer' (a colleague) about the lesson she is going to teach and describe one or two areas that she wants to improve, for example instructions. Then teacher teaches the lesson (without observer). After the lesson, the two colleagues have feedback, paying particular attention to those one or two areas.
- Try **team teaching**. Plan and teach a lesson with another teacher. Decide who is going to teach which part of the class. This is a great way to learn about different ways of teaching from each other.
- Give a session/workshop at your school. Choose a topic that interests you such as creating resources. Do some research and plan what you want to say to your colleagues. Give teachers ideas for activities to use in class.
- Start a **professional community** with colleagues. You can meet (in person or online) to exchange teaching tips, share resources, compare experiences, work on projects together, for example, improving English. The community can be just two people or as big as you like.
- Think about professional training. You could learn to be a teacher, trainer or an online tutor. Perhaps your school can help you pay for training courses. Some online courses are free!

Be open to trying new ideas and look for ways to learn more about your profession. Developing professionally can make your job more interesting and improve your teaching.

What do you think?

Osman from Turkey writes:

Do you know what a PLN is? it means Personal Learning Network. A PLN is a group of people, any people, that can help you to develop and learn.

Many people nowadays associate PLN with the connections made online with other teachers for example, through blogging, Twitter and Facebook.

However, sometimes we forget the most important people in our PLN – the people with whom we work every day! They know the context we work in and they can be the most useful source of advice and support.

A classroom activity – learner diaries

Help students to think about their learning and provide information on their progress. They can also help the teacher to see what activities work well and not so well in class.

- Students can use the back of their notebooks as a diary. Or fold a sheet of paper into a z-shape to make a six-page diary.
- At the end of each class give the students 5 minutes to complete sentences in their diaries, for example:

Today I learnt...

One thing I said very well in class today...

One mistake I made today...

One activity I liked in class today was...

In the class today I didn't like...

- Check the diaries as students are writing or collect them to read from time to time. Write comments if you like.
- With a large class, correction may be impractical but give students help with writing if needed.

Glossary

A **teaching diary** is a record a teacher keeps of his/her classes - what worked well and what didn't and notes about classes.

A lesson **observation** is where one teacher watches another's lesson to give feedback and advice to help the teacher develop. A **blind observation** is one type of observation.

Team teaching is when there are two teachers in the classroom teaching a lesson together.

A **professional community** is an organization of teachers that lets them exchange information and ideas.

Think about

■ Write a list of three ways that you want to develop as a teacher:

1.....

2.....

3.....

■ Tick the boxes as you do them!

Developing teachers' English

This series of articles from the British Council aims to help you think about *your* teaching and bring new ideas and activities into your classroom. The series covers topics including homework, working with large classes and finding resources. Today we look at **developing teachers' English**.

Many teachers would like to improve their English and be able to speak it more confidently in class.

I can read and write English but teaching the class in English is difficult for me. I worry about making mistakes in front of my students.

Kuheli, India

Does this problem sound familiar? Do you worry sometimes about your spoken English? It's a worry that lots of teachers have, even if they don't always want to talk about it. There are several things teachers can do to improve their English – here are some suggestions:

Reading books, magazines and newspapers increases your vocabulary.

- Try to read a variety of texts – news and current affairs, novels and non-fiction.
- You could exchange reading material with other teachers or find it in local libraries or bookshops.
- Build a bank of vocabulary. Use a dictionary and write down new words or expressions in your notebook.

Listening to television, radio, or songs in English can give you lots of language practice.

- Try to listen to English from various parts of the world to hear different accents and vocabularies.
- You could invite an English speaker to talk with a group of teachers. If possible, record them for listening practice later.

Speaking English with friends and colleagues can really help to build your confidence.

- Try to organize regular meetings and aim to include some listening, reading and writing as well as speaking.
- You can talk about your classes and other common interests. One idea is to read an article in advance, make some notes and prepare to talk about it with the group.

■ Concentrate on **fluency** rather than **accuracy** when you are speaking.

■ Speaking to yourself in English is also great practice!

Writing a personal journal helps you to write better in English and practice using new vocabulary and grammatical structures.

- You can write about things that happened during the day, or about an article or a radio programme in English, for example.

Find and make opportunities to use your English and don't always worry about making mistakes! As Daya, a teacher in Nepal, says, 'English is not your first language. You can be a confident speaker without being perfect.'

What do you think?

Geoffrey from Malawi writes:

I did not have a good formal background in English and lacked confidence so I decided to teach myself. Here is my advice on how you can become a confident speaker of English:

Firstly, you have to expose yourself to English from whatever source you can find. It can be radio or a tourist information leaflets.

Read a lot! Read magazines, comics, international newspapers, even local newspapers.

Don't feel embarrassed about yourself when you speak English. You will get only better at speaking if you continue speaking!

A classroom activity - the word bag

Use this activity to help your students learn and **revise** vocabulary. Try the same activity if you meet with other teachers to practise English.

- You need two large envelopes and some pieces of card or paper.
- Write on one envelope "Blank word cards" and "Class word bag" on the other.
- Cut up lots of small pieces of card and put them in the "Blank word cards" envelope.
- Every class, a different student is in charge of the "word bag". He or she takes the envelopes at the beginning of the class and writes all the new vocabulary on separate "blank word cards" and puts them into the "class word bag" envelope. If this isn't practical for your group, you (teacher) can do this.
- Use the word bag to revise the words. For example, give each student a card. They find a partner and give a definition of the word. Their partner has to try to guess what the word is.
- Partners swap cards and find a new partner to give a definition to him or her.
- Keep swapping partners until everyone has had a chance to speak with several other students.



Glossary

Accuracy is how correctly a learner uses the language.

Fluency is how well a learner communicates, meaning – mistakes aren't important.

Revising is practising language that learners have seen previously.

Think about

- What books and magazines can you find to read?
- What opportunities do you have for regular listening?
- Can you follow events in the English-speaking world using newspapers, radio or television?
- Can you find good speakers of English to record or to practise with?
- Could you keep a notebook, and have a dictionary ready, to record and learn new words and expressions?

Valijon QODIROV,
Andijon viloyat Pedagog kadrlarni
qayta tayyorlash va malakasini oshirish
instituti dotsenti, filologiya fanlari nomzodi,
Munira SHODMONOVA,
A.Avloniy nomidagi XTXQTMOMI o'qituvchisi,
«Monitoring va marketing» bo'limi boshlig'i

MUMTOZ ADABIYOT SABOG'I uni o'qitishning yangi parametrlariga solish mumkin(mi?)

Adabiy ta'lim jarayoniga qo'yiladigan muhim talablardan biri – o'quvchilarda badiiy matn jozibasini idrok qilish, tahlil malakalarini rivojlantirishdan iborat. Bunda o'qituvchidan ta'lim jarayonining o'zgaruvchan sharoitlarida o'zini yo'qotmaslik, muammoni aniq ko'ra olish, uni idrok etish, yangiliklardan cho'chimaslik, erkin fikr yuritish olish, ixtirochilik kabi sifatlarga ega bo'lish talab etiladi. Shu maqsadda zamonaviy o'quv jarayonida reproduktiv usul bilan bir qatorda mahsuldor, ijodiy qidiruv usullarini ham qo'llash joiz. Ular o'quvchilarni «...mantiqiy fikr yuritish va muammolarni ilmiy asosda ijodiy yechishga o'rgatadi; zarur bilimlarni mustaqil ijodiy qidirishga odatlantiradi; qiyinchiliklarni yengish ko'nikmasini hosil qiladi; o'quv materialini tushunarli darajada bayon qilish va chuqur o'zlashtirish imkonini beradi; o'zlashtirilgan bilimlarning aniqligi va ishonchligini ta'minlaydi; bilim olishga qiziqish uyg'otadi, xullas, ijodkor shaxsni shakllantirishga yordam beradi».¹

Hozir ta'limda interfaol usullardan foydalanish keng ommalashib bormoqda. U ta'lim subyektlari – o'qituvchi, o'quvchi va o'quvchilar guruhining hamkorligi, qizg'in bahs-munozaralari, o'zaro fikr almashishi asosida tashkil etiladi. O'quvchilarda erkin fikrlash, shaxsiy qarashlarini ikkilanmay bayon etish, muammoli vaziyatlarda yechimlarni birgalikda izlash, o'quv materiallarini o'zlashtirishda o'quvchilar yakdilligiga erishish, «o'qituvchi – o'quvchi – o'quvchilar guruhi»ning o'zaro hurmat, tushunish va qo'llab-quvvatlashlari, samimiy munosabatda bo'lishi bilan tavsiflanadi.² Mumtoz adabiyot namunalari o'qitishda interfaol ta'limning bahs-munozara, muammoli vaziyat, trening, rolli o'yin, debat, intervyu, video-tahlil, taqdimot (yoki himoya) kabi metodlaridan foydalanish ko'zlangan samara omili bo'lib xizmat qiladi. Quyida «SWOT», «T» chizmasi, «Tushunchalar tahlili», «Bumerang», «Blits so'rov», «FSMU» kabi interfaol usullarini qo'llash bilan bog'liq jihatlarga to'xtalib o'tamiz.



«SWOT» (**Strengths** – kuchli jihatlar, **Weaknesses** – zaif tomonlar yoki zaiflik, **Opportunities** – imkoniyatlar, **Threats** – tashqi muhitda mavjud xavf-xatarlar) metodida o'quv topshiriqlarini ishlab chiqish, ishtirokchilarda birlamchi va ikkilamchi ma'lumotlarni ajratish malakasini shakllantirish talab etiladi. Bu metodni amalga oshirish uchun kichik guruhlar faoliyati tashkil etiladi. Guruhlarga mavzular berilib, aynan mavzudagi muammoning kuchli va kuchsiz tomonlari hamda uni rivojlantiruvchi ichki imkoniyatlar bilan birga unga to'siq bo'luvchi tashqi xavf-xatarlar aks ettiriladi. Masalan, adabiyot darolarida mavzudagi asar qahramoni yoki voqelik tahlil qilinganda ushbu metoddan foydalanish maqsadga muvofiq. Bunda obrazning kuchli tomonlari, xarakteridagi zaiflik jihatlarini o'quvchilar tahlil qilar ekan, qahramonning imkoniyatlari hamda uning o'zligiga ta'sir qiluvchi xavf-xatar va oqibatlarini o'rganib chiqadilar. Asosan, bu metod quyidagi shaklda asar mohiyatini tahlil qilishda, uni strategik rejalashtirishda qo'l keladi:

Bu metodni qo'llashda bir dars oldin mazkur abbreviaturani tashkil etuvchi so'zlarning inglizcha shakli yozib ko'rsatiladi va yozdirib qo'yiladi. Ularning o'zbek tiliga tarjimasini so'raladi. Agar tarjima qilishni umuman yoki qisman bilishmasa, shu metod qo'llanadigan keyingi darsga bu inglizcha to'rt so'zning ma'nosini bilib kelish topshirig'ini berish mumkin. Bu fanlararo aloqa – integratsiyaning kichik bir ko'rinishi bo'ladi. Shu metod qo'llanishi ko'zlangan mashg'ulot avvalida inglizcha qisqartma so'zni (ya'ni metodning nomini) o'zbek tilida qanday ifodalash mumkinligi haqidagi murakkab bo'lmagan, ayni paytda o'quvchilarni ijodiy fikrlashga yo'llovchi muammoli savol qo'yish o'rinni bo'ladi. Biz tajriba o'tkazgan sinflarning barchasida o'quvchilar qiyinchiliksiz, eng muhimi, ko'tarinki kayfiyat bilan inglizcha «SWOT»ni o'zbekcha «KZIX» (kuchli jihatlar, zaif tomonlar, imkoniyatlar, xavf-xatarlar) tarzida ifodalash mumkinligini topa bildilar va shakliy ko'rinishini quyidagicha taklif qildilar:



Bu narsa barcha tajriba sinflarida mashg'ulot avvalidanoq o'quvchilarda ijodiy fikrlashga, izlanuvchanlikka moyillik uyg'otdi.

Ushbu metod asosida guruhlarga «Farhod va Shirin» dostonidagi Xusrav va Farhod obrazlariga tavsif berish, ularga xos jihatlarni tahlil qilish topshirig'i beriladi.

Birinchi guruh berilgan tahlil qolipiga ko'ra Xusravni shunday tavsiflashi mumkin:

Kuchli tomoni: hukmdor sifatida katta qudratga egaligi.

Zaif tomoni: hamma narsani zo'rlik, boylik hal etadi deb o'ylashi.

Imkoniyati: kuch bilan Shiringa egalik qilishi mumkinligi.

Xavf-xatar: o'g'li Sheruyaning axloqsizligi, otasini yuz-xotir qilmasligi, qo'l ostidagilarining noroziligi va b.

Ikkinchi guruhning Farhod haqidagi fikrlari:

Kuchli tomoni: jismoniy imkoniyatlari, ko'p hunar egasi ekanligi, ma'naviy barkamolligi.

Zaif tomoni: ishonuvchanligi, soddaligi, aldovni rostdan ajrata olmasligi.

Imkoniyati: jismoniy imkoniyatlari, egallagan hunarlari va muhoraba qilish salohiyati tufayli dushman qo'shinini butunlay yo'q qilishi mumkinligi.

Xavf-xatar: ishonuvchanligi va soddaligidan yovuz kuchlarning foydalanishi.

Har bir fikr mantiqiy dalillar bilan isbotlanishi, bunda, albatta, matnga tayanilishi shart qilib qo'yiladi. Bu orqali bugungi ta'limga qo'yilayotgan o'quvchilarda ijodiy, mustaqil va tanqidiy tafakkurni shakllantirish vazifasi amalga oshadi.³ Bu metodni o'qituvchi ijodiy yondashib davom ettirgan holda yakunlashi kerak. Ya'ni aytilgan tavsiflardan hayotiy, badiiy umumlashma chiqarib, xulosaga kelish topshirig'ini berishi mumkin. Masalan, Xusrav haqidagi fikrlardan insonga tegishli hokimiyat, kuch-qudrat, cheksiz boylik kishining o'ziga ortiqcha baho berishiga sabab bo'lib, uni ma'naviy tubanlikka yetaklashi va bu zaiflikni keltirib chiqarishi mumkin ekan. Aynan Xusravning hukmdorligi, katta xazinaga egaligi uning o'zligi bo'lmish hamma narsani zo'rlik, boylik hal etadi, deb o'ylashiga olib kelgan.

Farhod uchun xos bo'lgan ishonuvchanlik, soddalik, beg'uborlik bir qarashda doimo simpatiya uyg'otuvchi xarakter xususiyat bo'lib ko'rinadi. Lekin ular qahramon tushib qolgan muhitga ko'ra zaifligining atributlari tarzida namoyon bo'ldi. O'quvchilarga shuni singdirish kerakki, ijobiy yoki salbiy, go'zal yoki xunuk ko'ringan narsalarning haqiqiy bahosi ba'zan inson tushib qolgan muhit, bu muhitda kishi o'zini qanday tutishi yoki unga yuzma-yuz kelgan insonlarning munosabatidan kelib chiqib, boshqacha qiymat, baho olishi mumkin. Bunday ijodiy yechim, xulosa orqali o'qituvchi shogirdlarini chigal, g'oyat murakkab, hamisha jumboq kishilik turmushiga tayyorlaydi, ularga turli hayotiy vaziyatlar, turfa sajiyali insonlar bilan yuzlashganda eng to'g'ri yo'l yoki qarorni tanlay bilish muhimligini singdiradi.

«T» chizmasi metodi muammoni qo'yish va hal qilishning bir qator jihatlarini ta'riflash va yechishga imkon beradi. Ishtirokchilar kichik guruhlarga bo'linishadi hamda quyida tavsiya etilgan «T» chizmasi asosida asar qahramonlar (obrazlar)ining tasviri yoki tavsifini ochib berish barobarida ulargagina xos bo'lgan u yoki bu xususiyatlarini ajratadilar.

Mumtoz she'riyatdagi ma'shuqa va oshiq obrazlarini bu metod bo'yicha quyidagicha o'rganish mumkin.

Ma'shuqa

Tashqi ko'rinishi ifodalari	Xarakter xususiyatlari
Go'zal Labi g'uncha Sochi sunbul Beli xipcha Nigohi o't Sarvqomat v.b.	Sho'x Iltifotsiz Zulmkor Sitamgar Qahrli Mag'rur v.b.

Oshiq

Tashqi ko'rinishi ifodalari	Xarakter xususiyatlari
Holi zabun Zorlanuvchi Qaddi dol Ko'z yoshi qon Rangi sariq Jismi zaif v.b.	Sabri Yozg'irmaydi Xokisor Vafodor Ishqda barqaror Vaslga umidvor v.b.

Har bir ta'rif yoki tavsifga g'azallardagi baytlardan misol keltirilishi hamda fikrni mantiqli dalillar bilan isbotlash yuqori baho (ball) uchun asos bo'lishi kerak. Metod ta'riflangan adabiyotlarga ko'ra jarayon shu o'rinda yakunlanadi. Lekin har qanday metod qaysi fanda, qanday dars materialiga tatbiq qilinayotganiga ko'ra o'zgacha qo'llanishi tabiiy. O'qituvchi metodni ijodiy davom ettirgan holda ikki chizmadagi o'zaro bog'lanishi mumkin bo'lgan jihatlarni aniqlash topshirig'ini berishi mumkin. O'quvchilar bu ikki obraz chizmasini sinchiklab o'rganib, ular o'zaro tazodiy munosabatlarda bog'lanishini aniqlashlari lozim. Dastlab bir guruh tomonidan ikki obrazning birinchi jihati bo'lgan tashqi ko'rinishlaridagi o'zaro bog'lanish aniqlanadi.

Oshiq va ma'shuqaning tashqi ko'rinishlariga ko'ra o'zaro tazodiy bog'lanishi

Ma'shuqaning tashqi ko'rinishi ifodalari	Oshiqning tashqi ko'rinishi ifodalari
Go'zal Nigohi o't Sarvqomat Qizil yuzli Jismoniy barkamol v.b.	Holi zabun Ko'z yoshi qon Qaddi dol Rangi sariq Jismi zaif v.b.

Bu tazodiy (o'zaro zidlangan) munosabatlarga g'azallarda avvalo alohida-alohida kelgan, so'ng bir bayt doirasida parallel tasvirlangan misollar keltirilishi so'raladi. Bunda o'quvchilarga darslikdan, qo'shimcha material – devon, bayozlar, to'plamlardan foydalanishga ruxsat beriladi.

Boshqa guruh ma'shuqa va oshiq o'rtasidagi tazodiy munosabatni ularning xarakter xususiyatiga ko'ra ushbu «T» chizmasi metodi bo'yicha qi-yoslashga kirishadi.

Oshiq va ma'shuqaning xarakter xususiyatlariga ko'ra o'zaro tazodiy bog'lanishi

Ma'shuqaning xarakter xususiyatlari	Oshiqning xarakter xususiyatlari
Sho'x Beparvo Shodon Bevafo Sitamgar v.b.	Xokisor Tinimsiz yorga intiluvchi Qayg'uga botgan Vafodor Ishqda barqaror v.b.

Yo'naltiruvchi savollar vositasida tazodiy vo-qelik aslida ikki subyekt (yoki obyekt)ni bir-biridan itaruvchi, bog'lanish, aloqadorlikni bartaraf etuvchi munosabat sanalishi, lekin bu badiiy voqelikda esa ularni o'zaro bog'lovchi, poetik voqelikni yuzaga keltiruvchi vosita ekanligi haqidagi xulosaga o'quvchilarning o'zlari kelishi adabiyot muallimi-ning mahoratini ko'rsatadi.

(Davomi bor)

¹H.N. Azizxodjaeva. Pedagogicheskie tekhnologii i pedagogicheskoe masterstvo. T.: Izdatel'sko-poligrafi-cheskii tvorcheskii dom imeni Chulpana. S. 56.

²Q. Yo'ldoshev. Yangilangan pedagogik tafakkur va umumta'lim maktablarida adabiyot o'qitishning ilmiy-metodik asoslari. Pedagogika fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yoz.diss. T., 1996. 123-bet.

³O'zbekiston Respublikasi «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni. //Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. T., 1997. 13-bet.

Аждодлар маънавий меросини ўрганиш авлодлар бурчи. Зеро, бобомоларимиз панд-насихат, ўғит ва ҳикматлари – келажак йўлимизни ёритувчи маёқ кабидир.

Шу нуқтан назарда, журналимизда «Mumtoz asar» рукни орқали қадим аждодларимизнинг бизга ёзиб қолдирган дурдона асарларини нашр этиб боришни режалаштирдик. Токи, фақатгина кўлэзма ҳолатида сақланиб келаётган ва тилимиздаги ўзгаришлар сабаб кенг оммага етиб бормаган, қолаверса, аслиятида бугунги авлодга тушуниш мураккаблик қилаётган ноёб умрбоқий асарларни мутахассис олимлар таъдилли (таржимаси) орқали ўқиб, зарур ҳулоса чиқариш ўзлигимизни англашда ўқ илдиз бўлиши шубҳасиз.

Мазкур рукнимизни филология фанлари номзоди Ваҳоб РАҲМОН томонидан таъдил қилинган Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» (Икки тил сўзлари муҳокамаси) асари билан бошлашни лозим топдик.

АЛИШЕР НАВОИЙ:

«МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН»

Икки тил сўзлари муҳокамаси

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, у инсонни бошқа махлуқотлардан нутқ ва тил шарафи билан афзал қилди. Унга тил бериб нутқининг ёқимли бўлишини зоҳир қилди. Унгагина шукроналик ва шукроналик айтмоқни вожиб қилиб уни ширали қилди.

Рубоий:

*Эй сўз била қилган борлиқ ибтидосин соз,
Инсонни орада айлаб Ўзига ҳамроз.
“Бўл! деса бўлур” саҳифаси ёзилганда,
Қилган уни нутқ била боридин мумтоз.*

Бу мислсиз Эгамнинг қандайин комил қудратидирки, инсонга “Одамнинг вужуди лойини қирқ сахар пиштиб кўйдим” деган қадимий ҳадиси мазмуни билан (Аллоҳ) одамга барча (яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли) номларни ўргатди ва уни Мутакаллим (сўзловчи) исмининг тимсоли қилди.

Инсоният ушбу мазҳарият– тимсоллик шарафи туфайли барча яратилганлардан юксакроқ бўлди ва бу шараф билан ҳаммасидан имтиёз топди.

Рубоий:

*Яъни, ушбу оламни яратди Маъбуд
Олам элига қудрати-ла берди вужуд.
Инсон эди мақсадди, бўлди мавжуд,
Инсондан ҳам Ҳабиби эди мақсуд.*

Муҳаммад алайҳиссалом шундай нотикдирки, араб суҳандонлари нутқ фасоҳатини осмон гулшанидан юксалтирганда, унинг нутқи булбули “мен энг фасиҳ сўзлайман” тараннуми билан улар оғзини боғлаб кўйди ва даъволари овозасини ерга паст қилди.

Рубоий:

*Ул вақтларки, йўқ эди оламу одам,
Олий қудрат уларни ҳали яратмаган дам.
У ўзининг хилқатидан сўз очганда
Нутқида эди: “Билиб қўй, пайғамбарсан!”*

Пайғамбаримизга, оиласининг хуш хислатли

аҳлларига, покиза саҳобаларига Аллоҳнинг ризолиги ва кўпдан-кўп саломлари бўлсин.

Сўз санъати аҳлнинг бошоқчиси ва сўз қийматбаҳо гавҳари хазинасининг ғазнабони ва назм гулистонининг сайроқ булбули, яъни гуноҳлари мағфират қилиниши ва айблари ёпилишини истайдиган Алишер, тахаллуси Навоий бундай арз қиладики: сўз шундай гавҳарки, унинг дарёси кўнгилдир ва кўнгил шундайки, у идрокнинг барча маъноларини ўзида жамловчидир. Худди дарёдан гавҳар ғаввос воситасида чиқарилиб жилва намойиш қилиб, унинг қиймати жавҳарига яраша бўлганидек, кўнгилдан ҳам сўз гавҳари нутқ шарафи соҳиби маҳорати туфайли талқин ва зийнат кўрсатади. Унинг қиймати ҳам мартабаси нисбатига кўра ёйилади ва шуҳрат қозонади. Гавҳар қиймати даражаларини бир тангадан минг тумангача деса бўлади.

Қитъа: *Инжун олсалар севинмоқ учун*

Гоҳо бир тангага келар юз ё минг.

*Биттасин хуш кўриб қўлга олар шох,
Қиймати бир юртнинг хирожига тенг.*


Сўз гавҳарларининг тафовути эса бундан ҳам чексиз ва даражалари бундан ҳам бениҳоятроқдир. Шунчаликки, сўз яхшисидан ўлик танга пок рух инди ва тубанидан тирик вужудга ҳалокат зухур этади.

Қитъа:

*Сўз бир гавҳардирки даражаларин
Шарҳида нотиклар нутқлари ожиз.*

*Ёмон сўз ҳалокат етказганидек
Эзгу сўз Масиҳдай кўргузур мўъжиз.*

Сўзнинг навлари – хиллари ақл-идрок эта оладиган даражадан юқори ва тасаввурдан ташқаридир. Агар муболағасиз ихчамлик юзасидан қалам сурилса ва қисқалик томонидан сўз юритилса етмиш икки навъ билан таркиб топишида шубҳа йўқдирки, етмиш икки фирқа сўзларига ишорат қилади. Агар бунинг тафсилотига киришадиган бўлсак, ер юзининг аҳоли яшайдиган тўртдан бир қисмидаги етти иқлим (минтақа)нинг ҳар бирида бир қанча ўлка бор



ва ҳар ўлкада неча шаҳар, туман ва қишлоқлар; ҳар даштда бир неча гуруҳ-гуруҳ, қавм-қавм саҳрода яшовчи элатлар; ҳар тоғнинг этаклари ва чўққиларида; ҳар бир денгиздаги оролларда ва соҳилларида қанчалар тоифа бор. Ҳар бир жамоанинг лафзи – сўзлари бошқаларидан ва ҳар гуруҳ ифода-иборалари янагиларидан ўзгача ва бир неча хусусият билан имтиёзли – юқорироқдирки, бу ўзгаларда йўқ.

Қушлар ва ҳайвонлар ва йиртқишларнинг тилларига келсак, худди ҳар бирининг ўзгача товушу овоз ифодалари ва ўзгаларида тақорланмайдиган навою тараннумлари бўлганидек...

Сўз ва иборадан мақсад маънодир ва мазкур махлуқот – яратилган мавжудотлардан мақсад инсондир. Маъно изҳори тимсоли инсонда мужассам экан, бизнинг ҳам баён ва сўзимиз унинг сўзи ва нутқи устида боради.

Мана энди сўз баёни ва нутқ достони аслига етиб келдик: шунча хилма-хил шаҳру қишлоқлар, тоғу саҳролар, ўрмону денгиз ороллари халқимиз қайд этилди, навъларининг кўплиги ва фарқлари шарҳ этилди – ҳаммасида маъно ифодаси учун тилга сўз келади ва сўзлардан маъно фаҳм этилади.

Тилларнинг барчасидан араб тили фасоҳат йўсини билан мумтоз ва бадиият зийнати билан мўъжиза жилвалантирувчидирким, ҳеч бир суҳандон аҳлининг бу масалада даъвоси йўқдир ва сўзи ушбу ҳақиқатни тасдиқлаш ва иши маъқуллашгинадир. Чунки қудратли ва улўғ бутун борлиқ соҳиби – Аллоҳнинг мўъжизалар таратувчи каломи – Қуръон шу тил билан кўқдан инди ва Расули (унга салавоту саломлар бўлсин)нинг бахт ёғдирувчи ҳадислари ушбу тилда ифода этилгандир.

Улуғ авлиёлар ва сирларини Аллоҳ муқаддас қилгур олий даражали машойхлар кўпроқ кашф этган ҳақиқатлар ва Аллоҳ таоло хусусидаги билимларини ва маъно гўзалларини талқин либосига киритгандирларки, улар ўша – араб тилидаги қўтлуғ иборалар, саодатли сўзлар ва ишоратлар билан ифода этилгандир.

Аллоҳ-Аллоҳ, у руҳни яйратувчи боғ (араб тили) да шунчалар тароват ва у дилкаш гулшанда бунчалар покизалик борки, унинг боғбони “Яна Биз сиқиб чиқарувчи (булут)лардан дув-дув сув (ёмғир) ёғдирдик. Токи, у сабабли дон ва наботот (ундириб) чиқарурмиз”² ояти каримаси билан сўзлайди ва сайроқи булбули набийлик баёни ва пайғамбарлик нағмаю сози билан кўшиқ айтади. Мазкур бўлган қушларидан баъзиси “Пардани кўтармаганда ҳақиқий илм ошмаган бўларди” мазмуни билан тараннум ниҳоятига етар ва бошқа қушлари валийлик изҳори ва тўғри йўл кўрсатиш нишонасидан иршод навоси ва ҳидоят талқинини изҳор етар.

Байт:

*Ки то бўлгай жаҳон боғи бу гулшан
мевазор бўлсин,
Ҳузурда бу булбулларга гуллар
мадҳи бор бўлсин.*

Бундан сўнгра уч навъ тил – асл ва мўътабардир. У тиллар иборалари гавҳари сўзловчисининг нутқида

зийнат ва ҳар қайсининг тармоқлари ғоят кўпдир. Туркий, форсий ва ҳиндий – асл тилларнинг манбаидирки, уларнинг келиб чиқиши Нуҳ пайғамбар (унга Аллоҳнинг салавоти бўлсин)нинг уч ўғли – Ёфас, Сом ва Ҳомга бориб тақалади.

Ушбу қисқа маълумотнинг тафсилоти шуки, Нуҳ алайҳиссалом тўфон фалокатидан нажот ва унинг таҳликасидан ҳаёт топгандан сўнг оламнинг одам яшайдиган обод жойларида башар зотидан нишона ва инсон навларидан намуна ҳам қолмаган эди.

Нуҳ алайҳиссалом тарихчилар Абут-турк деб ёзадиган ўғли – Ёфасни Хито (Уйғуристон) мамлакатига юборди; исми Абул-фурс деб битиладиган Сомни Эрон ва Турон мамлакатларининг марказига волий қилди ва Абдул-ҳинд номида таниғлик Ҳомни Ҳиндистон ўлкасига узатди. Ушбу уч пайғамбарзода авлоду тобеълари билан мазкур мамлакатларга ёйилдилар ва кўпайдилар.

Тарихчилар бир овоздан маъқуллаб қайд этишларича, Абут-турк деган Ёфас ўғлон набийлик тожи билан сарафроз ва пайғамбарлик мансаби билан ўз иниларидан мумтоз бўлди.

Уч тил – туркий, форсий ва ҳиндий бу уч ўғилнинг авлоди ва тарафдорлари ўрталарида кенг ёйилди.

Ҳом Нуҳ алайҳиссаломга нисбатан одобсизлик қилгани боис отанинг муборак тилидан унга нисбатан қарғиш содир бўлиб эди. Шу сабабли ҳам унинг оқ юзи қорайиб, тилида синиқлик юз бериб, фасоҳат ва бадиият ҳарир кийимидан маҳрум қолди. Авлоду тобеълариким, Ҳиндистон ўлкаси аҳолиси бўлғайлар, ранглари мактаб ўқувчилари машқ дафтаридек қопқора, балки тунранг ва тиллари болаларнинг учи синиқ қаламларидек ўзгача ифода ва талқин зеб-зийнатларидан ожизу забун қолдилар.

Зотан усиз ҳам бўлмаским, бирор варақ юзини мураккаб қора сиёҳ билан ўз юзлари саҳифаларидек қора қиладилар ва ўз тилларидек синиқ қалам тили билан сўз ифода этадилар.

Бироқ ўша саҳифадаги матн мазмунини ўзларидан ўзга киши билмас ва у ажи-бужи ҳарфларни ўша ўлка халқидан бошқа биров ўқимас ва фаҳм эта олмас.

Араб тили сўзлари билан адабий тил ва калом (“Қуръон”) бунёд топди ва ҳиндча сўз билан оқибати хайрли бўлмаган қалбаки нарсалар айтилди.

Бири бениҳоя шарафлилик ва олий қадрлилик билан, иккинчиси ўша бехосиятлик ва мартаба тубанлиги билан орадан чиқдилар. Энди туркий сўзлар билан мақсад ифодаси ва форсий иборалар билан калом (“Қуръон”) маъноси талқини қолди.

Шундай маълум бўладики, турк (ўзбек) форсдан тезфаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ яратилгандир. Форс турк (ўзбек)дан ақл юритишда ва илмда нозиктаброқ ва камолу фазл тафаккурида теранроқ зуҳур қилибдур. Бу ҳол турк (ўзбек)ларнинг сидқу сафо ва тўғри ниятидан ва форсларнинг илму фан ва ҳикматида намоёндр.

Бироқ ушбу икки тилдаги камол ва нуқсон хусусиятига кўра йирик тафовутлар бор: сўз ва иборалар ясашда турк (ўзбек) тили форс тилидан устун келгандир. Турк (ўзбек) ўз тилида ишора ва ибора-

лар яратишда зиёдалик-ортиқликлар кўргизадими, ўз вақтида, Худо хоҳласа, ёзилгусидир. Туркнинг мулойимлиги – таънининг форсдан ортиқлигига, далил бундан ёрқинроқ ва исбот бундан аниқроқ бўладими?

Бу икки тоифанинг йигити ва қариси, балки улугдан – кичик барчаси орасида ихтилол– муносабат баб-баравардир. Ҳар қалай, бу бирининг униси билан борди-келди ва ўзаро самимий гап-сўзи бор, иккинчисининг ҳам бу биринчиси билан ўшанча гурунгу гаплари бор.

Форслар орасида истеъдоду билим эгалари, илму зеҳн ва идроклилар тоифаси кўпроқдир. Турк (ўзбек) элида жайдари ва соддаси форсдан зиёдадир.

Турк (ўзбек)нинг каттасидан кичигигача ва навкаридан бегига қадар форс тилидан хабардордирлар ва ўз аҳволларига яраша гапира оладилар, балки баъзилари фасоҳат ва бадиият билан ҳам сўзлайдилар.

Ҳатто турк (ўзбек) шоирлари форс тилида ажойиб шеърлар ёзадилар ва ширин талқинлар зоҳир этадилар. Аммо форс элининг қуйи ва зодагон тоифасигача, саводсизидан донишмандигача ҳеч қайси турк (ўзбек) тилида сўзлай олмайдилар ва эшитган сўзларининг маъносини ҳам билмайдилар. Агар юздан ёки мингдан бири бу тилни ўрганиб гапирса ҳам, ҳар бир эшитган киши унинг форс эканини фаҳмлайди ва у сўзлаётган киши гўё ўз тили билан ўзини уятга қўяётгандек бўлади.

(Давоми келгуси сонларда.)

«МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН» ТАБДИЛИ ХУСУСИДА

«Муҳокаमत ул-луғатайн» тадқиқоти Алишер Навоийнинг ҳажман қисқа, моҳиятан энг муҳим асарлари сирасига мансубдир. Чунки, даҳо шоир ўзбек фарзанди сифатида она тили ҳақ-ҳуқуқлари ва имкониятлари чексизлигини намойишга қўйган, назарий ва амалий жиҳатдан бу асарда буни исботлаган миллат жонбозидир.

Шу маънода ёндашсақ, Алишер Навоий насрининг бакуватлилиги ҳамда илмий мушоҳадаларининг залворлилиги, бунинг устига фикр ифодасининг ўта лўндалиги ва сўзга ҳасилигига фикрга бойлиги «Муҳокаमत ул-луғатайн» табдилининг унинг бошқа асарларига нисбатан ўта масъулиятлиги ва мушкуллигини кўрсатиб туради.

Табдил атама-истилоҳини мумтоз матннинг жанрини сақлаган ёки ўзгарган ҳолда ҳозирги ўзбек тилида мазмунини ифодалаш, талқин этиш деб тушунамиз. Таассуфки, айрим адабиётшунос ва тарихшуносларимиз матнни араб ёзуvidан кирилл ёки логин ёзувигача кўчиришни табдил деб ёзмокдалар. Табдил истилоҳининг луғавий маъноси: ўзгартириш, бир шаклдан бошқа шаклга айлантириш демакдир. Бизнингча, араб ёзуviдаги матн қайси ёзуviда ифодаланишидан қатъи назар нашрга тайёрланар экан, аслиятдаги мазмун ҳолати айнан сақлангани учун табдил сўзи бунда жоиз эмасдир. Чунки истилоҳдаги ҳар хиллик зиёли китобхонни ҳам чалғитади.

Бизда табдил узок тарихга эга. Бир тилдаги матннинг тарихан эскирганлиги ёки китобхонга идрок мушкуллиги туфайли ўша замондаги халқ тилига – ҳозир эса ҳозирги замон ўзбек тилига табдил этилади. Табдил шарҳ эмасдир. Шарҳ – кенгайтирилган, чуқурлаштирилган матний талқиндир. Чунончи, «Хамса» дostonлари ва «Лисон ут-тайр»нинг 1939–2006 йиллардаги табдиллари китобхонлар ва илм аҳлига маълум. Зотан, табдиллар турли савиядаги кенг китобхонлар оммасига, ихчам баёнлар эса мактаб ўқувчилари ва академик лицей, коллеж ўқувчиларигагина мўлжаллангандир.

Шу ўринда табдил хусусида икки оғиз гап. Камина филология факультетларидаги ўз машғулотларим ва тил тарихидан сабоқ берувчи ҳамкасбларнинг «Муҳокаमत ул-луғатайн» асари таълими юзасидан чекаётган қийинчиликларини кўзатар, билар ва уни табдил қилиш тақозосини узок йиллар ўйлар эдим. Табдил қилишга аввалроқ богинмаганимнинг боиси шундаки, бу йўлда табдилчига икки хавф таҳдид солиб туради:

биринчиси – сўзма-сўз талқин орқали табдил матни аслига кўра фикран ва мазмунан йўқсиллаштириш – қашшоқлаштириб асар савиясини пасайтириш;

иккинчиси – фикрни тўла тунштириш йўлидан борилса, тафси-

лот ва кўпсўзлик туфайли навоиёна ихчам услубни бузиб қўйиш...

Ушбу тайёр ҳолга келган табдилни ўша икки хавфдан омон-эсон ўта олган яхши нусха, дея олмайман. Эҳтиёжни кондиришга бел боғлаган одам ўз максадига эришар экан, азоб-машаққатлар чекани каби айрим йўқотишларга ҳам йўл қўйганликларимни зимдан пайқайман. Чунки маълум бир сўз (тушунча)нинг маъно қамрови ва ҳатто луғати асрма-аср ё кенгайиб, ё торайиб борганидек, баъзи бир сўзлар бошқа ёки тесқари маъно касб этиши ҳам мумкин. Чунончи, XV-XVI асрларда «яқин» сўзи масофа қисқалиги, қариндошлилик маъноларидан ташқари кўпроқ «аниқ, муқаррар» маъносида қўлланганидек, ҳозир «муҳтарам, ўта азиз» маъноларида ишлатиладиган «таксир» сўзи X-XVI асрларда «гуноҳкор» маъносидагина қўлланганлиги сир эмас.

Хуллас, Навоийдай сўз кашшофи ва сўзшуносга таржимонлик қилиш бугун ҳам осон иш эмасдир.

Ҳарқалай, Алишер Навоий асарини бугунги ўзбек китобхонига — олимидан бошлаб мактаб ўқувчисига қадар етказишни ўйлаганим учун ҳатто мисоллардаги, байтлардаги сўзларни ҳам имкон даражасида бугунги ўзбек тилидаги сўзлар билан ифодалашга уриндим.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди

Хуршид ДЎСМАТОВ,
Фаргона давлат университети
тилшунослик кафедраси ўқитувчиси

АСКИЯ МАТНИДА СЎЗ ЎЙИНИНИНГ ФОНОСТИЛИСТИК АЛОҚА УСУЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада аскиянинг ўрганилишига доир фикрлар билдирилган. Унда аския матнининг лингвостилистик хусусиятлари, кўчма маъно ва хусусий муносабат ифодаловчи интонацион-фонетик воситаларни аския матни доирасида тадқиқ этишининг долзарблиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: аския, фоностилистика, оҳангдорлик, урғу, товуш ўзгариши.

Annotation. This article contains some materials for the study of the genre «askia». It also analyzes the linguistic and stylistic features of the text «askia», the actuality of research of intonational-phonetic means on the example of «askia» texts, which express figurative meaning and personal attitude.

Key words: askia (acuteness), phonostylistics, harmony, accent, sound change.

Ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб тилнинг ҳиссий таъсирчанлик қиррасини лексик¹, қисман грамматик² жиҳатдан ўрганишга эътибор қаратилди. Кейинчалик фонетик воситаларнинг услубий хусусиятларини ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.³ Шунга қарамай, ҳозирги кунда фоностилистиканинг тадқиқот доираси ниҳоятда кенгайгани боис, бу соҳада жиддий ва чуқур кузатишлар олиб борилиши лозим. Бу фикрни бир қатор олимлар ҳам қайд этиб ўтишади.⁴ Айниқса, алоҳида нутқ кўриниши ҳисобланган аския матнларида товушлар талаффузининг коннотатив маънолари, шунингдек, интонация, пауза (тўхтама) ва урғу каби суперсегмент (устама) элементларнинг сўз усталари нутқида услубий маънода қўлланилиши билан боғлиқ фоностилистик имкониятларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш ўзбек тили фоностилистикасининг муҳим вази-фаларидан бири ҳисобланади.

Аския матнини таҳлил қилиш жараёнида фонетик бирликларнинг эстетик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш нутқ товушларининг эстетик имкониятларини тез ва қулай идрок этишга ёрдам беради. Чунки аския матнида ўзига хос **фоностилистик ўйин** кузатилиб, у аскиячилар нутқида «прагматик таъсир» ёки «прагматик ҳужум» воситасига айланади. Шу тариқа аскияда фоностилистик воситаларнинг ранг-баранг кўринишлари кучли экспрессив таъсир воситаси сифатида намоён бўлади.

Кўп ҳолларда субъектив баҳо ифодаловчи лисоний бирликлар аскияда бир қанча лингвистик ҳодисаларни қамраб олади. Бундай лингвистик ҳодисалар қаторига суперсегмент элементлар: оҳанг, пауза, урғу, шунингдек, омоним, омофон, омограф, кўчим, кўп маъноли сўзларни киритиш мумкин. Мазкур ҳодисаларнинг бир нечтаси аскиячи нутқида бир пайтнинг ўзида ифодаланиши мумкинки, бу ҳолат лингвистик ҳодисаларнинг изоҳи масаласида бир мунча қийинчиликлар туғдиради.

Биз лисоний таҳлилларга асосланиб, аскияда услубий-прагматик мақсаднинг фоностилистик во-

ситалар доирасида хилма-хил усулларда намоён бўлишни шартли равишда қуйидагиларга бўлиб ўрганишни лозим топдик:

1. Фоностилистик алоқа усули. 2. Товуш ўзгаришлари. 3. Фоностилистик алоқа усули + товуш ўзгариши. 4. Оҳангдорлик, қофия. 5. Урғу.

Мазкур мақолада бундай шартли бўлинишнинг биринчи тури мисолида аския матнининг лисоний таҳлили берилди.

Маълумки, тилшуносликда эвфонияга (юн. euphonia < eu – яхши + phone – овоз) оҳангдорлик; нутқда кучли оҳангдорлик туғдирувчи турли фонетик усуллар, ҳолатлар (Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ), 2008, 5-жилд 17-бет) сифатида қаралади.

Фоностилистик алоқа усули эса фоностилистик восита орқали синтактик алоқани таъминлашдир. Бунда бирикмалар билан сўз ўйини аниқ мақсад асосида юзага чиқарилади. Натижада матнда сўз ўйини шаклий ва мазмуний ранг-баранглик касб этади. Алоқанинг шартли равишда олинган бу тури икки хил усулда: бир бутунликни бўлиш ёки бунинг акси сифатида икки бутунликни қўшиш орқали намоён бўлади ва бир бутун ҳисобланган сўзни пауза билан талаффуз қилиш, аниқ бир мақсад асосида қисмларга ажратиб, иккига бўлиш ёки қўшиш орқали синтактик алоқани таъминлашдан иборатдир. Баъзи ҳолларда аскиячилар бир мавзунини атрофлича ёритиш мақсадида ҳар иккала усулдан бир матн доирасида бир вақтда фойдаланишлари ҳам мумкин. Бу усул нутқ бирлиги элементларидаги синтактик функциянинг ўзгаришига сабаб бўлади. Контекстда эса баъзида омофон, омоним ёки эмфатик урғу олганга ҳам ўхшаб кетади. Шу маънода субъектив муносабатнинг бу турини сўз ўйинининг фоностилистик воситаси ёки фоностилистик алоқа усули деб аташ мақсадга мувофиқдир. Масалан:

Расул қори: Ҳо ўртоқ бригадирлар, гаплашавериб сувсаб қолмадинларми?! **Чанг қоқ** дейми Турсунбувага!

«**Чорвачилик**» аскияси. Аския. 27-бет.

Аскиячилар нутқида **чанг қоқ** бирлиги **чанқоқ** – *сувга ташна, сувталаб, сувсаган; сувсираган* (ЎТИЛ, 2008, 4-том, 457-бет) киши ҳамда **чанг қоқ** сўзининг асл маъноси *майда зарра, кукун ҳолидаги тупроқ ёки бошқа моддалар; гард, тўзон* (ЎТИЛ, 2008, 4-том, 453-бет)ни қоқмоқ (йўқотмоқ – таъкид бизники) бўлса, унинг контекстуал маъноси **адабину бермоқ** – *қилмишига яраша жазоламоқ* (Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати (ЎТИФЛ), 1978, 24-бет), **боллаб танқид қилмоқ, астар-пахтасини ағдармоқ** мазмунидаги **пўстагини қоқмоқ** (ЎТИЛ, 1981, I том, 609-бет, (ЎТИФЛ), 1978, 209-бет) иборасининг аския нутқидаги варианты сифатида ишлатилган. Шу билан бирга, контекстда **чанқоқ** ва **чанг қоқ** ўзаро омофон (талаффуздаги тенглик) ҳисобланади.

Бундан кўринадики, аскияда тил бирликлари ифода планининг икки томони, яъни талаффуз ва ёзувда акс этиши оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида омонимия, омофон, омографларни ҳам шакллантириши мумкин. Шу боис, бошқа лингвистик ҳодисаларда бўлганидек, омонимияни ҳам тил босқичида ва нутқ босқичида алоҳида-алоҳида баҳолаш керак. Тил босқичида омонимия тил бирликлари орасида (лексемалар, морфемалар, фразеологик бирликлар доирасида) мавжуд бўлади, нутқ босқичида эса нутқ бирликлари орасида (сўзформалар ва бирикмалар орасида) юз беради⁵.

Ёки қуйидаги мисолда омонимиянинг нутқ босқичидаги кўринишига гувоҳ бўлишимиз мумкин:

Махсум ака: Ҳамма кучимизни далага сафарбар қилганмиз. Кўпчиликнинг этаги бор, фақат табелчининг дафтаридан **баъзилар этаксиз** чиқиб қоляпти, холос.

Ғанижон: Махсум ака, бунинг сабаби бўлса керак, баъзилар ишониб юргандир-да, **этак сизда** деб.

«Пахтачилик» аскияси. Аския. 18-бет.

Ушбу нутқ парчасида **этаксиз** – тўғри маънода матодан пахта териш учун махсус тикилган, бир томони бўйинга осиб, бир томони белга боғлаб олинган буюм (ЎТИЛ, 2008, 5-том, 59-бет)сиз киши, кўчма маънода: тайини йўқ, бетайин; уятсиз, шарманда (ЎТИЛ, 2008, 5-том, 59-бет) ҳамда **этак сизда** бирлиги – юқоридаги маънолар билан бирга **-да** ўрин-пайт келишигининг шакли ва **-да** таъкид юктамаси тўсиқсизлик маъносини билдирувчи шаклнинг ишлатилиши билан кўшимчалар доирасида ҳам омонимликни ҳосил қилган.

Лекин бу каби мисолларнинг фоностилистик воситалар доирасида таҳлил қилинишининг боиси шуки, бундай бирликлар сўзловчи талаби билан аниқ мақсад асосида ишлатилиб, фонетик-услубий воситалар (оҳанг, пауза, урғу) билан бевосита алоқадорликда юзага чиқади. Шу боис мазкур мисолларни турли нуқтаи назардан ўрганиш ва таҳлил қилиш лингвистик ҳодисанинг семантик табиатини тўлиқ очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Қуйидаги мисолнинг таҳлили ҳам фикримизга янада аниқлик киритишга хизмат қилади:

Ғойибжон: Пахтада чарм чопон кийиб, у ёқдан-бу ёққа чопиб юрибсиз **тери – шимни** кўр деб.

«Теримчилар» аскияси. Аския. 20-бет.

Ўзбекча *тер* омоними остига иккита маъно бирлашади: **тер I** – «тери ости безлари ишлаб чиқарадиган рангсиз суюқлик» от лексемасининг бирлик, бош келишидаги шакли; **тер II** – «битталаб йиғиб ол» феъл лексемасининг аниқ даража, бўлишли, буйруқ майлининг II шахс бирлигидаги шакли⁶. Бунга **-и** фонемасининг кўшилиши билан **тери** – «матонинг тури», *шим* лексемаси билан бирикканида **тери шим** – «теридан тикилган шим» ва **-им** эгалик кўшимчаси *термоқ* феъли билан бирга теримчиларнинг асосий машғулоти бўлган пахта териш ифодасини ҳам юзага чиқаради. Бу эса суперсегмент элементларнинг вазифаси билан бевосита боғлиқ ҳолда аниқланадиган семемик ифода ҳисобланади.

Фоностилистик алоқада тил бирликларини бирлаштириш орқали бир бутунликка айлантиришдан кўра бутунликни бўлиш кўп учрайди. Шунинг билан бирга товуш ўзгариши асосида уларга кўшимча лисоний вазифа (ўйин) юклаш ўткир лисоний мушоҳададан далолат беради. Қуйидаги аския матни бунга мисол бўла олади:

Расулжон: Ҳали қўлингиз улоққа теккани йўғу, бизни қантариб ҳам қўясиз. Бу гапингизни бирорта қирқинчи қолхоз раисига айтинг, **у – лаққа, тушади.**

«Улоқчилар» аскияси. Аския. 21-бет.

Ушбу мисолда фоностилистик алоқа усулининг бўлиниш тури орқали сўз ўйини + прагматик маъно + пресуппозиция + субъектив муносабат эвфоник усулда ифодаланмоқда. Яъни **улоқ** – ҳар бир отлик ўртага сўйиб ташланган улоқни (одатда эчки ёки кичикроқ бузоқни) бир-биридан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун курашишдан иборат миллий спорт ўйини; кўпқари (ЎТИЛ, 2008, 4-том, 279-бет) – сўзидаги у товушининг пауза билан ажратилиши, иккинчи бўғиндаги **о** товушининг **а** товуши билан алмашиши, **-қа** жўналиш келишиги кўшимчасининг кўшилиши натижасида **лаққа** сўзига айланиб, сўнг шу жойда паузанинг ишлатилиши билан **суриштирмасдан, ўйлаб кўрмасдан, осонгина алданадиган одам** маъносининг ифодаланиши кабиларни аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, бундай лисоний тежамкорлик асосидаги сўз ўйинида нутқ бирлиги элементларининг синтактик вазифаси ҳам ўзгаради. Мазкур мисолда аскиячи нутқидаги **улоқ** сўзининг синтактик вазифаси ҳам ўзгарган: яъни **у** – кишилик олмошига айланиб, эга вазифасида, **лаққа** – отлашган равишга айланиб, тарз ҳоли бўлиб эмас, балки сифатловчи аниқловчи вазифасида келмоқда.

Қуйидаги аскияда эса, фоностилистик алоқа усулининг бўлиниш ва бирлашиш ҳамда ҳар иккала ҳолатнинг юзага чиқишини кўриш мумкин:

Мамарозиқ ака: Энди мева-чевалар мўл-кўл бўлиб қолди, еяверинг, илгари **анор хонга** бериларди.

Ғойиб ака: Бизга анорни кўрсатиб, **ол мурид** деманг.

Мамарозиқ ака: Боққа зап келиб қолибсиз, нима хоҳласангиз ўшандан олаверинг, бағи деҳқончилик – **ол, Ҳиротдан** келгани йўқ.

Ғойиб ака: Меҳмон Ҳиротдан келган деб, жонига қўймай қистайверсангиз-а: **ол ич-а, ол ич-а**, деб.

Гойиб ака: Боғбон ака, гапингиз **жйда чўпга** ўхшайди, қани ишқом жойга ўтайлик.

Мамарозиқ ака: **Иш кам** деб юмалоқ бўлиб ётиб олсангиз-а?!

«**Мева**» аскияси. Аския. 38-бет.

Анор хонга бирикмаси билан **ол мурид** бирлигида улар гарчи ажратиб ёзилган бўлса ҳам, нутқда фоностилистик алоқа усулининг бўлиниш ва бирлашиш ҳолати ўз ифодасини топаётганлиги прагматик контекстда ойдинлашади. Яъни прагматик контекстда шакл ва мазмун жиҳатдан мевачевалар **Анорхонга** ҳам берилиши, анор эса хонга берилиши ҳам бирдек назарда тутилганлигининг ифодаси аён бўлмоқда. Демак, бу усулларни аниқлашда гапингиз мазмуний ва шаклий ифодасини эътиборга олиш лозим.

Ол ича-а, ол ич-а сўзларида эса бирлаштириш биринчи планга чиққан. Буни аниқлаш (**олича**→**ол ича**→**от**→**феълми** ёки **ол ича**→**олича**→**феъл**→**отми**) бир оз мушкул бўлса-да, прагматик контекстнинг шаклий мазмуни ҳаракатни ифодалаётганлиги, **ҳаракат** семемаси биринчи планга чиқаётганлигини эътиборга олиб, бирлаштириш усулига алоқадор деб ҳисоблаш мумкин. Бирликларни семик таҳлилга тортсак, улар қуйидаги маъноларда ишлатилганлиги маълум бўлади:

Анорхон – аёл кишининг исми, унга қўшилган **хон** ҳурмат маъносида.

Анор хон – анордошларга мансуб, кичикроқ дарахт ёки бута шаклидаги субтропик ўсимликнинг ичи қизил доналар билан лиқ тўла юмалоқ меваси (ЎТИЛ, 1981, I-том, 87-бет) ҳамда **хон** туркий ва мўғул халқлари хукмдорлари унвони (ЎТИЛ, 1981, 4-том, 410-бет).

Ол мурид – нарсани ушлаб ёки бирор нарса билан қўлга киритмоқ маъносидаги **олмоқ** феъли (ЎТИЛ, 1981, I том, 533-бет) билан **мурид** – арабча диний атама, «руҳоний, устоз, эшон, пирнинг шогирди, мухлиси» маъносида (ЎТИЛ, 1981, I том, 481-бет).

Олмурут – шевага хос – нок (ЎТИЛ, 1981, I том, 534-бет).

Ол ича-а – нарсани ушлаб ёки бирор нарса билан қўлга киритмоқ маъносидаги **олмоқ** феъли (ЎТИЛ,

1981, I том, 533-бет) билан суюқликни хўплаб ёки ширириб ичга ютмоқ, тановул қилмоқ (ЎТИЛ, 1981, I том, 343-бет).

Олча – атиргуллилар оиласига мансуб мевали дарахтнинг данакли, юмалоқ нордон мевасини ифодаловчи форс-тожикча сўз (ЎТИЛ, 1981, I том, 535-бет).

Бундан ташқари, **ол мурид** – **олмурут** сўзида товуш алмашиши, **ол ича**–**олча** сўзида эса товуш ортиши ҳодисасини учратиш мумкин.

Гойиб ака нутқда **жйда чўп** – барги узун, гули хушбўй мевали дарахт (ЎТИЛ, 1981, I том, 278-бет) шохининг бўлагини ифодалаш билан бирга, нутқда аслида **жуда** – равиш туркумига мансуб **ортиқ, ниҳоят даражада, ҳаддан ташқари, ғоят; ниҳоятда, бениҳоя** (ЎТИЛ, 1981, I том, 290-бет) сўзларига синоним сифатида ишлатилиб, **чўп** сўзи билан бирга сўзлашув нутқда **жуда ёлғон, чўпчак** (тўқима афсона) пресуппозиция тагига маъно ишора этилаётганлиги ойдинлашмоқда. **Ишқом** сўзи эса тоқларни кўтариб қўйиш учун поя ва бағазлардан қурилган арксимон сўри (ЎТИЛ, 1981, I том, 344-бет) ҳамда товуш ўзгаришига учраган **иш кам** (ишнинг оз миқдори) маъносида ишлатилган. Сўзнинг бу маъноси эса Мамарозиқ ака нутқда айнан **иш кам** тарзида янада очиб берилади, шу билан бирга, унинг контекстдаги семантик вазифаси ҳам анча ортади. Шуниндек, ушбу сўз индивидуал-стилистик неологизм сифатида форс-тожик тилидаги **ишқам** – **қорин** (зиёфат) маъносида ҳам қўлланилган.

Кўринадики, аскияда сўзловчилар сўз ўйинини юзага чиқаришда турли усул ва воситалардан кенг фойдаланиб, ўз нутқини ранг-баранг тарзда, қизиқарли, мушоҳадали ва таъсирчан беришга алоҳида эътибор қаратадилар.

Хуллас, аския сўз – ўйини бўлиш билан бирга, у тил ҳодисалари ўйини ҳамдир. Бошқача айтсак, аския тил бойлиги ва ўзига хослигини намоён қилувчи, тил бирликлари ва тил ҳодисаларининг турли хил ифода имкониятларини ранг-баранг тарзда матнда мужассамлаштира оладиган бадий сўз ўйини ҳисобланади.

¹Л. Абдуллаева. Стилистическая дифференциация лексики узбекской художественной литературы: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Т., 1980; Б. Бафоев. Лексика произведения Алишера Навои: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Т., 1989; А. Дониёров. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Т., 1967.

²Р. Кунгуров. Семантико-стилистические особенности формаобразующих морфем имени существительного в узбекском языке. Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Баку, 1982; М. Садыкова. Стилистика глагола в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. Т., 1977.

³Г. Яхшиева. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. Т., 1997; А. Ҳайдаров. Бадий тасвирнинг фоностилистик воситалари: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. Т., 2008.

⁴Б. Йўлдошев. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар // Туркий тилларнинг фонологияси ва морфонологиясининг долзарб масалалари. Нукус, 2005.; А. Ҳайдаров. Бадий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол. фанлари номзоди дисс. автореферати. Т., 2008.

⁵Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1984. 6-бет.

⁶Ўша асар, ўша бет.

Дилором ЗОКИРОВА,
Тошкент Молия институти тадқиқотчиси

ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲОЛАТ СЕМАНТИК КАТЕГОРИЯСИ

Аннотация. Мақола матннинг психолингвистик таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда оғзаки нутқ ёки ёзма матнда киши руҳий ҳолатининг акс этиш жиҳатлари ҳақида сўз боради. Муаллиф киши руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қиладиган лисоний воситаларни тадқиққа тортади.

Калит сўзлар: тилшунослик, психолингвистика, матн, ҳолат семантикали матн, сўзловчи нутқи, руҳий ҳолат.

Маълумки, турли фанларда руҳий ҳолат инсон психологияси механизмини ўрганиш асносида тадқиқ этилса, лингвистикада руҳиятнинг тилдаги ифодасига асосий эътибор қаратилади. Чунки инсон руҳий ҳолатини ифодалашда тил энг кучли восита ҳисобланади. Албатта, матн ҳамма вақт ҳам руҳий ҳолатни тўлалигича ифодалаб бера олмайди. Чунки руҳий ҳолат ифодасида сўзлашув нутқидаги барча фонетик ҳодисалар (оҳанг, урғу кабилар) матнда тўла акс этмаслиги мумкин. Шунга қарамай, руҳий ҳолатнинг нутқий ифодасида ранг-баранг лисоний воситалардан фойдаланиш кузатилади. Инсон руҳий ҳолатининг бадий матндаги ифодаси масаласи, дарҳақиқат, мураккаб жараён. Чунки ҳар бир шахс ўз руҳий ҳолатини нутқи орқали бирдай ва тўлақонли ифодалай олмайди. Кимдир ўз руҳий ҳолатини теран, кимдир жуда ғариб тарзда ифодалаш мумкин. Нутқидаги ифодадан ҳам мураккаброқ жараён – руҳий ҳолатни матнда бера олиш маҳоратидир.

Бадий матнда инсон руҳий ҳолатини образли ифода этиш ижодкорнинг тил воситаларидан фойдалана олиш маҳоратига боғлиқ. Инсон руҳий ҳолатини образли тасвирлаш рационал тафаккур ва рационаллик асосига қурилган тил бирликларидан ўз ўрнида мақсадли фойдаланишни тақозо этади.

Руҳий ҳолат ифодасини тил орқали ўрганишда тилнинг семантик категориялари ажратилади ва уларни ифодаловчи бирликлар таҳлилга тортилади. Мана шундай семантик категориялардан бири ҳолат категориясидир. Айтиш жоизки, ҳолат семантик категорияси кўп қиррали ҳодиса ҳисобланади. Бу майдонни ташкил этувчи микромайдон кўринишлари жуда ранг-баранг ва улар ичида руҳий ҳолат семантик категорияси лисоний моҳияти, ўзига хос ифода воситаларига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Муайян бадий матнда ҳаётий воқелик хаёлий олам орқали кўрсатилади. Бадий матн руҳий ҳолат ифодаси учун мантиқий фикрга эга матнга нисбатан кўпроқ қўл келади. Бадий адабиётда образли тафаккурнинг ўзи

Annotation. The article is devoted to the psycholinguistic analysis. It reveals the features of reflection of the person's psychological state in oral or written speech. The author explores the language means serving to convey the psychological state of man.

Key words: linguistics, psycholinguistics, text, text with semantic states, the reader's speech, psychological state.

уни сўзловчи шахс ёки тасвирланаётган объект руҳий ҳолатини ифода этишга ёрдам беради. Масалан: *Кўчадан келгандан кейин кийимларингни йиғиштириб қўйгин, – деди она боласига. Ёки: Бугун Темурнинг одатдагидек ўтказган кунларидан бири эди. Темур ташқарига чиқиб сигарет чекди.*

Мазкур икки матн бир қарашда киши руҳий ҳолатини ифодаламагандек кўринади. Аслида эса она нутқида боладан норозилик ёки уни тартибга чақириш билан боғлиқ буйруқ оҳанги яширинган. Кейинги парчада ҳам руҳий ҳолат ифодаси бирдан кўзга ташланмайди. Аслида матнда Темур руҳий ҳолатидаги бепарволик акс этган.

Бадий матндан бошқа турдаги матнларда руҳий ҳолат ифодаси унчалик кўзга ташланмаслиги мумкин. Масалан, газетада чоп этилган «*Мурод Салимов Марғилондан Тошкентга қараб йўлга чиқди*» хабарида руҳий ҳолат ифодаси кузатилмайди. Лекин бадий матнда бу каби содда гап шаклида ифода этилган хабар ҳам инсон руҳий ҳолати ҳақида маълумот таший олади. Масалан, «*Ўтган кунлар*» романида шундай жумла ишлатилган: «*Отабек Марғилондан Тошкентга қараб йўлга чиқди*». Бу жумла орқали китобхон Отабек ва Кумуш билан боғлиқ воқеаларни ёдга олади ҳамда Отабекнинг Тошкентга кетиши ортидаги руҳий ҳолатини тасаввур қила олади.

Шуниси характерлики, бадий матн бевосита уни яратган муаллиф руҳий ҳолати ҳақида ҳам ахборот беради. Ижод намунаси ижодкорнинг бадий матнни яратиш вақтидаги кайфиятидан дарак беради. Айниқса, шеърини матнда руҳий ҳолат ёрқин ифодаланади. Лекин шеърятда акс этган муаллиф руҳий ҳолати унинг исталган вақтдаги руҳий ҳолатининг айнан нусхаси бўла олмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак. Қуйида биз руҳий ҳолатнинг айрим шеърини асарларда ифодаланишини таҳлилга тортамыз.

Масалан, Шавкат Раҳмоннинг «*Тунги манзара*» ва «*Тонг очар кўзларин...*» шеърлари табиат тасвирига бағишланган. Бироқ шоир табиат тасвирига

қахрамоннинг рухий ҳолатини моҳирлик билан сингдириб юборади. Қиёсланг:

Ўрмонлар жим, йиғламас шамол,

Сой сайрамас, бақалар жимдир.

Инғроқларга тўлиб кетган тун,

Ғамгин қўшиқ айтади кимдир. («Тунги манзара»)

Ушбу матн аслида тун тасвирига қаратилган бўлса-да, унда қахрамоннинг маҳзун кайфияти уфуриб туради.

«Тонг очар кузларин...» шеърида эса қахрамоннинг кўтаринки рухий кайфияти яққол намоён бўлади. У ҳатто табиатнинг айрим ноҳуш ҳодисаларини ҳам (масалан, хонқизининг ўргимчак тўрига илиниши) завқланиб кузатади ва ана шу кайфиятда баҳолайди: *Ўргимчак тўқийди толалар, хонқизи боради меҳмонга.*

Кўринадик, инсон рухий ҳолатини нафақат унинг кўз ёшидан, юзидаги сўлғин ифодадан, кулгусидан, шунингдек, унинг муносабатидан ҳам англаб олиш мумкин. Бироқ айрим рухий кечинмалар мавжудки (масалан, соғиниш), уни четдан кузатиб англаш жуда мураккаб. Бу рухий ҳолатни матнда ифодалаш сўзловчидан алоҳида ёндашувни талаб этади. Масалан, Ғафур Ғулумнинг «Соғиниш» шеърини олиб кўрайлик:

Зўр карвон йўлида етим бўтадек,

Интизор кўзларда халқа-халқа ёш.

Энг кичик заррадан Юпитергача

Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш!

Мазкур матнда соғинч ҳиссини бошидан кечираётган шахс «етим бўта»га ўхшатишмоқда.

Маълумки, *етимлик*, яъни ота-онадек буюк суянчдан айрилиш ғоят катта ғам. Бу айрилиқ азобини бошидан кечирган киши ёш боладек ночор, ўзгалар ғамхўрлигига муҳтож, тушкун рухий кайфиятга мойил бўлади. Шунинг учун шоир ўз ўрнида *бўта* (*бўталоқ*), яъни туянинг бир ёшга тўлмаган боласи номини келтиради. Айни ўхшатиш рухий ҳолат тасвирини янада аниқ намоён бўлишига олиб келган. Шоир бу ўхшатиш орқали нафақат қахрамон руҳиятини, балки тингловчи руҳиятини ҳам инобатга олади. Чунки ҳар қандай кишида ёши кичик мавжудотга нисбатан меҳр бўлади. Унга хос ночорлик тингловчида ҳамдардлик ҳисларини уйғотади.

Кейинги мисрада шоир «етим бўтадек» ўхшатишининг халқ тилида қўлланувчи «етим бўтадек бўзламоқ» иборасидаги *бўзламоқ*, яъни *йиғламоқ* сўзини ўзига хос «интизор кўзларда халқа-халқа ёш» тарзида қўллади. Бунга сабаб кўзёшининг киши ички оламида кечаётган турли хил ҳолатнинг ифодаси эканлигидир. *Интизор кўзларда халқа-халқа ёш* бирикмаси эса соғинч ҳиссининг нечоғлик кучлилигини акс эттиради. Сўзловчининг рухий ҳолати кейинги мисраларда янада кучли ифодаланади:

Кутаман, узоқдан кўринса бир от,

Келаяпти, дейман кўринса ғубор.

Демак, интиқиб кутаётган одам учун заррача ғубор ҳам умид бахш этади. Қахрамоннинг бу рухий ҳолати

ҳеч қандай ташқи белгига эга эмас, яъни у на кўзёш тўқади, на хўрсинади. У қалбида бир илинж билан йўл қарайди, холос.

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,

Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.

Қора хаёлотлар чашмадай тинди,

Пок-покиза юрак бир қатра симоб...

Ушбу шеърий мисрада қахрамон руҳиятидаги тушкун ҳолат офтоб чиқиши билан тарқаб кетади. Савол туғилади: *Нега? Офтоб ҳар тонг отмайдами?..*

Шоир бу ўринда беҳудага «Бедил ўқир эдим» мисрасини киритмайди.

Инсонда вафот этган авлиё-ю анбиёлар, ота-боболар, умуман, чуқур эҳтиром ва эътиқод билан ёдга олинадиган кишилардан рухий мадад олиш кўникмаси мавжуд. Шеър қахрамони ҳам ўзи эътиқод қилган улуғ Бедил китобидан рухий мадад олади. Айни дамда офтобнинг оламга чиқиши Бедил мисраларидан таскин топаётган қалбни ёритиб юборади. Унинг руҳиятидаги безовталиқ, ғашлик зилол чашма каби тиниқлашади.

Кейинги мисрада шоир қахрамон руҳиятини янада ёрқин очиб беради: *Пок-покиза юрак бир қатра симоб...*

Маълумки, кўнгил нимадандир ғаш тортса, ўзини кўнглида нимадир қотиб қолгандек, аллақандай оғир бир юк пайдо бўлгандек ҳис қилади. Ана шу қахрамон «*қўксидеги нимадир, аллақандай оғир бир юк*» шоир томонидан *симобга*, бу рухий ҳолатнинг йўқолиши эса *эриб кетган бир томчи симобга* ўхшатишмоқда.

Инсон ички руҳиятини акс эттиришда алоҳида рухий ҳолатни ифодаловчи сўзлар ўзига хос ўрин туттади.¹ Г.Кушқарова рухий ҳолатни акс эттирувчи немис тилидаги товушга тақлид асосида юзага келган феълларнинг қуйидаги турларини фарқлайди: 1) нутқий мулоқот жараёнида сўзловчи рухий ҳолатини ифодаловчи феъллар; 2) эмоцияларнинг товушда ифодаланиши асосидаги феъллар.² Бу каби феълларни ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин. Масалан, *У ижирғаниб гапирди* мисолида қўлланган *ижирғаниб* феъли сўзловчининг нутқий мулоқот вақтидаги рухий ҳолати ҳақида маълумот беради. Қуйидаги мисолларда эса феълларда акс этган ҳаракатнинг товушлар билан боғлиқ ҳолда юз бериши маълум рухий ҳолатнинг намоён бўлишига ёрдам берган: *Она бу сўзларни оғир хўрсиниб билан айтди. Боланинг чийиллаб гапириши асабга теғарди. Ўқитувчи тишларини ғижирлатиб сўзлади.*

Нутқда рухий ҳолат ифодаси учун ҳам фразеологизмлардан унумли фойдаланилади. Масалан, ўзбек тилида кенг қўлланувчи *боши осмонга етди*, *бу ерни елкаминг чуқури кўрсин*, *ер ёрилмади-ю*, *ерга кириб кетмади* иборалари инсон рухий ҳолатини акс эттирувчи луғавий бирликлар саналади. Фразеологик бирликлар инсон рухий ҳолатини образли ифодаловчиларидир. Масалан, *ғазабланди* феъли ўрнида *тепа сочи тикка бўлди* ёки *қўрқди* феъли ўрнига *юрагим нақ ёрилди* фразеологизмларининг

ишлатилиши нутқда коннотатив маънони ҳосил қилиш билан бирга инсон руҳий ҳолати ҳақида ҳам хабар беради. Фразеологизмлар руҳий ҳолатни ифодалашда муболағавий ҳолатни ҳосил қилади. Шу сабабли нутқ эгаси фразеологик бирликлардан унумли фойдаланишга интилади. Бу ҳолат ўзбек тилида экспрессив бўёқ орқали фикрни узатишга мойилликнинг мавжудлигидан далолат беради. Ўзбек тилида руҳий ҳолат ифодаси учун қўлланувчи фразеологик бирликлар фикрнинг эмоционаллик даражасини оширишга хизмат қилади. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кузатиш мумкин:

– Йўқ! – деди у, **миясига қон тепиб**.

Орадан зил-замбилдек беш дақиқа ўтди.

– Билмадим, нима бўлди. **Юрагим қинидан чиққудек** гурсиллаб ура бошлади.

– Ўғлини эслаши билан султоннинг кўкрагида алам аралаш исёнкор бир туйғу «лов» этиб ёнди-ю, қоқсуяк қўлларини гиламга тираб, аста ўрнидан турди.

– Астағфирулло, астағфирулло!... – Султон, қорнидаги «типратикон»ни уйғотиб юборишдан

қўрқиб, қўзларини юмганча бир нафас қимир этмай ётди... (О.Ёқубов. «Кўҳна дунё»).

– Кекса сайёҳ эгарда қимиз солинган мешдайд чайқалиб бораркан, ич-ичидан куюниб: «Бу кунингдан беш баттар бўл, миясиз тентак! – деди ўзига-ўзи. – Ким сенга ҳазрат Ибн Сино деб, доврўқ сол, деди, нодон? **Ажалингдан беш кун бурун ўлишни тилаган бўлсанг тилагинга етдинг, мана!**» (О.Ёқубов. «Кўҳна дунё»). Мазкур матндаги фразеологик бирликлар таҳлили асосида шуни айтиш мумкинки, ўзбек тилида руҳий ҳолат ифодаси учун қўлланувчи фразеологик бирликлар айна руҳий ҳолатни ифодаловчи сўзларга нисбатан таъсир кучи ортиқ.

Хулоса қилиб айтганда, киши руҳий ҳолатининг матнда акс этиши аниқ лисоний воситалар билан амалга ошади. Бунда ҳар бир воситанинг иштироки ва ўрнига маълум бир нутқий вазиятдан келиб чиқиб баҳо берилади. Мазкур хусусиятга эга бўлган матнларнинг мавзусини ҳам олдиндан белгилаш мушкул. Бироқ шеърий асарларда киши руҳий манзараси тасвири яққол сезилиб туради.

¹Слово и текст в психолингвистическом аспекте // Сборник научных трудов. Тверь: ТГУ, 1992.

²Г.К. Кушкарлова. Коммуникативно-прагматические функции глаголов прямой речи в художественном тексте (на материале немецкой прозы XX в.). ҚД. Алматы. 1999. С.59.

Дилрабо РУСТАМОВА,

Анджон давлат университети

инглиз тили кафедраси катта илмий ходими

ТИЛ – МЕНТАЛ КЎЗГУ

Аннотация. Мазкур мақола тилни ментал ҳодиса сифатида ўрганишга бағишланган. Унда тил бирликларининг миллий-маданий хусусиятларни акс эттирувчи жиҳатлари, шунга хосланган ҳодисалар тадқиқот объекти сифатида белгиланган.

Калим сўзлар: тил, менталитет, менталлик, концепт, образ, миллийлик.

XX аср охири – XXI аср бошларида лингвистикада тил ҳодисасига янгича ёндашувлар юзага келди. Яъни тилга «ўзида ва ўзи учун» тамойили асосида ёндашувдан маълум даражада тийилиб, уни фаннинг ибтидосида бўлганидек, **тил** ва **инсон** муштараклиги асосида ўрганишга киришилди.

Қадриятларга муносабат нуқтаи назаридан тил ўз аккумулятив вазифасида янада равшанроқ кўзга ташланади. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «...тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати

Annotation. The article is devoted to the study of language as a matter of mental phenomena. As objects of features, reflecting the national-cultural peculiarities of linguistic units and phenomenon associated with them are taken research.

Key words: language, mentality, the mentality, the concept, image, nationality.

тўюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо. Шуни айтиш лозимки, бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир».¹

Тил шунчаки алоқа-аралашув воситаси бўлмасдан, халқ ва миллат маънавий мулкининг хазинаси ҳамдир. Ундаги ҳар бир восита, ифода минг-минг йиллар давомида миллий онг ва дунёқараш, миллий руҳият призмасидан ўтиб сайқалланади, маъно ва шакл

жиҳатидан камол топиб, миллий ўтмиш ва қадриятлар тизими билан уйғунлашиб боради. Натижада, тил ва онг, тил ва маънавият, тил ва тарих бири иккинчисини тақозо этадиган, иккинчиси биринчисисиз англамайдиган ва тушунилмайдиган ҳолатга келади. Тил халқ руҳиятининг либоси, маънавият тилнинг маъзига айланиб қолади.

Тилларнинг фарқли хусусиятлари ҳам ана шу яхлитликдан изланиши бежиз эмас ва бундай ёндашув олдида бошқача талқинлар ожиз ва ночор кўриниши шубҳасиз. «Чиндан ҳам, ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўриш тарзи бор, ўзига хос идрок интизоми бор, умумлаштириб айтганда, ўзига хос тафаккур тамойили бор. Шунинг учун ҳам «миллий онг», «миллий тафаккур», «миллий туйғу» деган оддий тушунчалар, минг йиллардир, одам боласининг қалбидаги нурга қудрат ва қамров бахш этиб келади. Тилнинг моҳияти, вазифаси кўпинча бениҳоя жўн талқин этилади. Гўёки тил – энг муҳим алоқа воситаси бўлган ижтимоий ҳодиса. Тилнинг алоқа воситаси эканлиги унинг жуда кўп вазифаларидан фақат биттагинасидир. Аслида, тил, энг аввало, дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситасидир. Айни пайтда тилнинг руҳий, эстетик ҳодиса ҳам эканлигини унутмаслик керак».²

Ҳар қандай борлиқ ва онг ҳодисаси серқирра эканлиги билан характерланади. Серқирралик ҳодисанинг полифункционаллик хусусиятини таъминлайди. Тил ҳам ўзида, юқорида айтилганидек, кўп қиррали ва кўп вазифали мавжудликдир. Муайян нарсанинг моҳияти унинг турлича вазифа бажариши ёки турли хусусиятларни намоён этишига боғлиқ равишда воқеланади. Бунда бутун-бўлак диалектикаси ҳам нарсанинг серқирраллиги ва полифункционаллиги талқини билан бевосита боғланиб кетади. Бўлаклар бутун таркибига кирса-да, улар нисбий мустақиллиги билан характерланади ва улардан бирида бутунлик моҳиятининг қайсидир бир қирраси кучсизроқ, бошқаси кучлироқ намоён бўлади. Масалан, одам ўзида жуда кўп қирраларни мужассамлаштирган биологик ва ижтимоий қатламлар яхлитлигидан иборат бўлиб, бу унинг тирик мавжудотлар сирасида ўта мураккаб функционал қийматга эгаллигини таъминлайди. Бу функционал тизимда лисоний имкониятнинг мавжудлиги ва унинг замиридаги шахсий нутқнинг воқеланиш хусусиятлари ўзига хос ўрин тутуди.

Тилда халқ тасаввурлари ва дунёқарашининг акс этиш масаласи ҳам доимо тилшунослик, фалсафа каби фанларни қизиқтириб келган. Шу боисдан фанимизнинг ҳар бир босқичида бу масалага доир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Бироқ баъзан миллий ҳодисалар хаспўшланган бир пайтда бу муаммо собиқ шўро тилшунослигида эътибордан четда қолган. Шу боис Президентимиз Ислоҳ Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида: «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир»³, – дея бунга алоҳида урғу берди. Бу эса тил ва маданият муаммосини илмий ўрганишнинг нечоғлик долзарб эканлигини кўрсатади.

Янги аср тилшунослиги бўлган антрополингвистикада тилнинг миллий маданият ва маънавиятни ўз бирликларида сақлаш ҳамда намоён қилиши муаммолари марказий ўринни эгалламоқда. Бунда тил, миллий маданият, миллат, менталитет, миллий дунёқараш ва маънавият яхлитликда талқин қилинади.

Тилнинг алоқа воситаси сифатидагина талқин этишда унинг моҳиятига дахлдор бошқа баъзи қирралар «сусайиб», фақат биологик томонига урғу берилади. Бунда нутқий воқеланаётган лисоний бирликларнинг ҳам моҳиятига тегишли бўлган хабар, ахборот, алоқага кўпроқ дахлдор жиҳатлари эътиборга олинади. Масалан, «кет» коммуникатив бирлигининг соф ахборот қиймати ҳайвон ёки паррандаларнинг кетишга ундовчи биологик ҳаракати ёки товушларидан фарқ қилмайди. У бу қирраси билан тегишли ишора тизими доирасидан ўрин олади.

Тилнинг серқирра вазифаларидан муайян бири воқеланишида уни ташкил этувчи бирликлар турли мақомга эга бўлади. Айрим бирликлар кўпроқ ахборот бериш вазифасига хосланган бўлса, айримлари муносабат билдириш, бошқалари кўпроқ эстетик вазифа бажаради. Умуман олганда, тил бирликлари ҳам тилнинг ўзи каби мураккаб табиатли бўлиб, улар сўзловчининг мақсад-муддаоларига мос равишда ҳар бир нутқий вазиятда турли хил вазифаларни, шунингдек, бир вақтнинг ўзида кўплаб вазифаларни бажаришга ҳам хизмат қилади. Шу билан биргаликда, ундаги мавжуд хусусиятларни кўриш ва баҳолаш ҳам субъектив омил сифатида тил бирлиги муайян бир вазифасининг намоён бўлишини белгилайди.

Тиллараро умумий ва хусусий жиҳатларнинг мавжудлиги уларнинг ахборот воситаси сифатидаги вазифаси ва бошқа функционал қийматлари билан боғлиқдир. Тиллараро умумийлик тил бирликларининг объектив борлиқ билан боғланиши асосида тавсифланади. Бу, масалан, турли тиллардаги муқобил сўзларнинг денотатив қийматларининг мувофиқлигида яққол кўзга ташланади. Масалан, байналмилал сўз бўлган ва терминологик моҳиятли «кабель» сўзи («ер остидан электр, телефон, радиотармоқларини ўтказиш учун ишлатиладиган, усти герметик ҳимояланган симлар ўрами»)да шу ҳолатни кўради. Умумистеъмол қийматли «китоб» лексемасининг барча тилларда умумийликка эга моҳияти мавжуд.

Лексеманинг «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилган «маълум матнли варақлардан иборат, жузлаб тикилган, муқоваланган, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма (қадим қўлёзма ҳам) асар» ва «умуман, маълум шахс, воқеа-ҳодисага оид тугал, одатда, нашр этишга (китоб бўлишга) мўлжалланган асар» лексикографик маънолари тиллараро фарқларни эмас, балки умумийликларни акс эттиради ва маънолар шу ҳолида фақат ахборот узатиш вазифасига хизмат қилади. Бу каби лексемалар баъзан ҳам ахборот узатиш, ҳам таъсир қилиш вазифасини бажариши мумкин. Масалан, *китоб* лексемаси «ҳаёт», «тажриба» маъноларида қўлланганда, ахборот етказиш билан бирга, прогматик вазифага ҳам эга бўлади ва бу халқ дунёқараши, миллий қадриятлар тизими билан уйғун юзага келади.

Тилдаги атов бирликларининг шу тилга хос хусусиятлари уларнинг ифода имкониятларининг ўзига хослигида ҳам кўринади. Масалан, экспрессив бўёқдор сўзларнинг кўчма маънолари, қанотли сўзлар, иборалар, парафразалар, эвфемистик ва какофемистик бирликлар тилнинг миллий ментал мағиз билан йўғрилган ифода воситаларидир.

Атоқли адиб Пиримқул Қодиров тиллараро умумийлик ва фарқлар ҳақида тўхталар экан, ўзбек тили ифода воситаларининг маъновий қиймати нечоғли салмоқдор эканлигини таъкидлайди. У рус таржимони И.В.Стеблева ўзбек тилини, ҳатто эски ўзбек лисонини қанчалик чуқур билмасин, барибир, таржималарида ўзбекона миллий менталитет билан боғлиқ бўлган, миллий руҳ билан англандиган ҳолатларни беришда қийналганлигини далиллар билан кўрсатади. Бу Бобурнинг «Яхшилик» радибли газалидаги «яхшилик» сўзини рус тилида «добро» сўзи билан берилиши сўзма-сўз таржима бўлиб қолганлиги туфайли аслиятдаги маъно жўнлашиб, саёзлашиб қолганлигини, ўзбекча «яхшилик» сўзининг семантик структураси «добро» сўзининг маъно камровига нисбатан хийла кенг эканлигини айтиб, ўзбек тилида ўнлаб маънодаги яхшиликлар борки, уларни биргина «добро» сўзи билан ифодалаб бўлмаслигини ёзади.⁴

Аммо бу рус тилининг қашшоқлиги ёки унга нисбатан ўзбек тилининг бойлиги ҳақида ҳукм чиқариш муддаосига айланмаслиги керак. Ўзбекча «яхшилик» сўзининг маъносини рус тилидаги биргина «добро» қамраб ололмаганидек, рус тилидаги «добро» сўзи ифодалайдиган барча маъноларни ҳам ўзбекча «яхшилик» сўзи билан бериб бўлмаслиги («Доброе утро» – «Хайрли тонг») мазкур сўзларнинг турли тарихий илдишлардан унганлиги ва турли ментал дунёқарашлардан озиқланганлиги билан изоҳланади.

Тилшуносларнинг фикрича, метафоризациянинг маҳсули лисонийлашган ва нутқий-оқказионал кўринишларга эга бўлади.⁵ Шахсий-ментал кайфиятнинг барқарорлашуви ва оммалашуви миллий-ментал руҳиятнинг шаклланишига олиб келади. Натижада, субъектив муносабат объективлашиб, ифодаловчи ва ифодаланмиш орасида диалектик яхлитлик вужудга келади. Кайфиятнинг барқарорлашуви одатий ҳол касб этиб, урф тусини олади. Буни масалан, эвфемизация жараёнининг илк палласидаги тўлақонли эвфема ҳолатидан унинг сўнишигача, эвфемик қийматнинг йўқолишигача, оқказионал эвфемик маънонинг лисонийлашувигача бўлган оралиқ билан бақамти қўйиш мумкин. Бу индивидуал кайфиятнинг одатга, ҳодисанинг қадриятга айланиши жараёнига уйғундир.

Қайта номлашда ёки номни қайта қўллаш замирида номловчининг, у якка шахс ёки лисоний жамият бўлишидан қатъи назар, узоқ муддатли лисоний тажриба ётади. Лисоний тажриба руҳият ва муддао билан уйғун ҳолда иш кўради. Аталмишга янгича нигоҳ ёки муносабат қиёслаш, таққослаш асосида кечади. Бу эса метафоризацияга олиб келади. Метафора эса ишлатилган, ушбу жараёнда сайқал топган, баҳолаш мезони сифатида тажрибада синалган кўзгу бўлиб, борлиқни қайта кузатиш, янги нуқтаи назар асосида қайтадан баҳолаш воситаси. Бу кўзгунинг акс эттириш имконияти ментал муносабатнинг хусусияти билан боғлиқ равишда воқеликка айланади.

Тилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг бирликларининг эвфемик қўлланишларидир. Эвфемик ҳодисалар ўзида тил ва маданият муштараклигини акс эттиради. Улар халқларнинг миллий-маданий хусусиятларининг пайдо бўлиши ва ўсиши билан узвий боғлиқдир. Эвфемизацияда кишиларнинг борлиқ ва воқеликка муносабати ҳамда улар ҳақидаги тасаввурлар уйғунлашади, турли кўринишларда акс этади. Айниқса, метафорик, метонимик, синекдохик, функционамик, киноявий асослардаги эвфемизация усуллари нутқда кўплаб учрайди.

Маълумки, метафора борлиқни миллий нигоҳ билан кўришда асосий роль ўйнайди.⁶ Уни борлиқни баҳолашнинг миллий «шаблон»и ҳам дейиш мумкин. Эвфемизмлар ҳам миллийликни намоён қилувчи ўзига хос миллий-лисоний (баъзан нолисоний) феноменлардир. Шу маънода эвфемизмларнинг ҳосил бўлиши маъно кўчиш усуллари билан ҳам боғлиқ. Айниқса, бунда метонимия, синекдоха, вазифадошлик усуллари сирасида ўзининг сермахсуллиги ва устуворлиги билан метафоралар ажралиб туради. Негаки метафора эвфемик маъно ҳосил бўлишининг асосий қисмини ўз ичига олади.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида ҳам лисоний имкониятларнинг нутқий хусусиятларини антропоцентрик планда тадқиқ қилишга жиддий эътибор қаратилаётган экан, миллий менталитет ва дунёқараш билан чамбарчас боғлиқ эвфемизацияни метафоризация билан узвий боғлиқликда тадқиқ қилиш долзарб масалалардан биридир.

Умуман олганда, тилни миллат менталитети (маданий, маънавий омиллар) билан биргаликда ўрганиш антропоцентрик тадқиқотларнинг марказини ташкил этади. Айни тадқиқ усули тил фанининг янги асрдаги асосий масалаларидан бири бўлиши мумкин. Шу боис ҳам тил – бу миллатлар ўртасидаги мулоқотгина эмас, менталитетни ҳам акс эттириш воситасидир.

¹И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 8-бет.

²Н.Маҳмудов. Тилимизнинг тилла сандиғи. Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. 10-бет.

³И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 83-бет.

⁴П.Қодиров. Тил ва эл. Т.: Маънавият, 2010. 234-бет.

⁵Ю.Д. Рождественский, А.В. Блинов. Введение в языкознание. Академия, 2005. (336 с.) С. 9.

⁶Метафора борасидаги янгича талқинлар профессор Н.Маҳмудовнинг бир қатор ишларида учрайди. Бу ҳақда қаранг: Н. Маҳмудов, М. Худойберганова. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. Т.: Маънавият, 2013; Н.Маҳмудов. Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. 1-сон. 3–8-бет.

Хусниддин ЭШОНҚУЛОВ,
Бухоро давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

БОБУР ИЖОДИДА КЎНГИЛ СОФЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ТАЛҚИНИ

Аннотация. Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат бетакрор шоир, балки бобокалонлари Амир Темур ва Улуғбек каби яратувчан инсон бўлган. Мақолада Бобур ҳаёти ва ижодининг айни шу жиҳатлари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: ғазал, рубоий, яратувчанлик, кўнгили.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бетакрор шеърияти ҳамда «Бобурнома» асари муаллифнинг бутун ҳаёти давомида кўнгили софлигига алоҳида аҳамият берганлиги ва доимо яратувчанлик иштиёқи билан яшаганидан далолат беради. Умрини асосан жангу жадалларда ўтказишга мажбур бўлган буюк шоҳ ва шоир учун бундай юксак инсоний фазилатларга эга бўлиш осон кечмаган, албатта.

Маълумки, Бобур Мирзонинг тақдирнинг қалтис «ҳазил»лари олдида метин иродаси букилмаган бўлсада, қалби «чархнинг жабру жафоси»дан кўп озор кўргани ҳақиқат. Назаримизда, шоҳ ва шоирнинг юрагидаги тафтли ишқу ошиқлик туйғуси унинг кўнглини баъзида қуюқ туман янглиғ қоплагувчи хиралиқдан доимо халос этиб турган. Бу ошиқлик – ҳаётга, севиқли ёрга, амалга оширилиши кўзда тутилган улғувор ишларга бўлган муҳаббатдир:

*Менинг кўнглимки, гулнинг ғунчасидек
таҳ-батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур.
Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,
Кўзумга ўқдурур сарву кўнгулга ғунча пайқондур.¹*

Буюк шоир қалбидаги қуёш мисол тафтли ишқу ошиқлик фақат кўнглини эмас, бутун вужудини ёрилади, томирида оқувчи қонларга илиқлик бахш этади. Бир сўз билан айтганда, у ўзининг борлигини, Яратганнинг лутфу марҳаматидан баҳраманд бўлиб нафас олаётганининг асосини дилидаги ишқдан излайди.

Шоир ғазалларида дийдоралаблик ҳисси билан битилган байтлар ҳам учрайди. Бу бетакрор назм намуналарида маҳбуби азалга бўлган ишқ ёрқин намоён бўлиб туради, унинг васлига ақл билан эмас, чинакам ошиқлик билан етишишга ишонч туйғуси ўз ифодасини топади:

*Бобури бедилни ишқ телбаратса не ажаб,
Чунки ҳаргиз рост келмас ишқ донолик била
(40-бет).*

Бобур Мирзонинг ота-боболари сингари нақшбандия тариқатига эътиқод қилганлиги, Хожа Мавлоно Қозини «Устоз ва пирим» дея эслаши, Хожа Аҳрори Валийдан руҳий мадад олиб турганлиги, бу улғу пир-

Annotation. Babur was not only an inimitable poet but also was a creative person like his ancestors as Amir Temur and Ulugbek. The article analyzes similiar aspects of Babur's life and work.

Kew words: ghazals (lyric poems), rubai (quatrain), creativity, the soul.

нинг «Волидия» номли асарини таржима қилганлиги, шунингдек, жавонмардлик тариқатининг инсонни маънавий камолотга башловчи шартларига ҳаёти давомида қатъий амал қилганлиги ўз эътиқодига ниҳоятда собитлигидан далолат беради.² Доимо қалбида шукроналик ҳисси жўш уриб турган бу улғу ҳукмдор фармонларидан бирида: «*Тангри неъматларининг кетма-кет келиб туриши унга шукр ва сано айтишининг кўпайишига боисдир. Тангрига шукр ва сано айтишининг кўпайиши тангри неъматларининг кетма-кет келиб туришининг сабабидир. Ҳар неъматга бирор шукр лозим ва ҳар шукрга унинг кетидан бирор неъмат... Айниқса, шукр шундай бир неъмат муқобилида бўлсаки, дунёда ҳеч бир бойлик ундан буюкроқ ва охирадда бирор яхшилик ундан гузалроқ бўлмаса...*»³, – дея тўлқинланиб ёзади. Бироқ Тангри синовлари олдида мардона туриш бобида унинг энг ишонган беклари, яқинлари ҳам ўзларида етарли куч топа олмайдилар. «Бобурнома»даги Ҳиндистон воқеалари тасвирига бағишланган лавҳалар бунга яққол далил.

Бобур Мирзо кўшинлари Аграда зафар байроғини тикканларида кунлар ниҳоятда иссиқ эди. «*Хейли эл боди самумнинг таъсиридин ҳар замонда йиқилиб-йиқилиб, ўла киришдилар. Бу жиҳатлардин аксар беклар ва ўбдон-ўбдон йигитлар кўнгул солиб эдилар. Ҳиндустонда турмоққа рози эмас эдилар, балки кетарга юз қўюб эдилар*» (270-бет), – деб ёзади муаллиф. Бобур Мирзо Кобул ва Ғазна билан боғлиқ сиёсий ишларни ҳал қилиш мақсадида Хожа Калонга ҳинд ерларини тарк этиш учун ижозат беради. Шоир: «*Хожа Калон чун ҳинддин мутанаффир эди, – дея яқин бегидан кўнгли ранжиши сабабини баён этади, – борурида уйининг иморатларининг томида бу байт-ни битибтурким:*

*Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,
Сиёҳ рўй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам.*

Биз Ҳиндистонда туруб, бундоқ зарофатомиз байт айтмоқ ва битмоқ бесураттур. Кетмакдин бир кудурат бўлса, бу навъ зарофаттин икки кудураттур. Мен дағи бадиҳа бир рубоий айтиб, битиб йибордим:

*Юз шукр де, Бобурки, кариму гаффор,
Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор»*
(271–272-бетлар).

Келтирилган ушбу лавҳадан маълум бўладики, Хожа Калон Ҳиндистондан кета туриб иморатларидан бирининг юқори қисмида «Агар соғ-саломат Синддан ўтиб кетсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам, юзим қора бўлсин», – мазмунидаги байтни ёзади. Табиийки, бу Бобур Мирзонинг кўнглига оғир ботади ва шу муносабат билан бадиҳа йўсинида юқоридаги рубойни битади. Рубойда Хожа Калоннинг «сиёҳ рўй шавам» («юзим қора бўлсин») иборасига сўз ўйини билан жавоб қайтарилади. Хожа Калон «сиёҳ рўй шавам» дейиш билан «ғуноҳкор бўлай» – деган мазмунни ифодалашдан ташқари тағмаёнода ҳиндларнинг юз тусига ҳам ишора қилади. Рубойдаги «совуқ юзини кўрай десанг» жумласида ҳам икки маъно ўз ифодасини топган, биринчидан, шоир Ғазнанинг нисбатан совуқлигини назарда тутса, иккинчидан, тағмаёнода Хожа Калоннинг юзи совуқлиги, яъни унинг юзида меҳру муҳаббатдан асар ҳам йўқлигига ишора қилади.

Ушбу рубойда шоҳ ва шоирнинг «тангри таоло инояти билан» ўз ҳукми остида бўйсундирилган мамлакат ва унинг халқига бўлган чексиз муҳаббати акс этиб турибди. У ўз юртига қанчалик меҳр қўйган бўлса, Ҳиндистонга ҳам шунчалик муҳаббат билан қаради. Тўғри, у она юрти ҳажрида ўртанади, Фарғона водийсининг сўлим боғларию кишига роҳат бағишловчи зилол сувларини соғинади. Ана шу соғинч ҳисси бу ерни ҳам Мовароуннаҳрдек жаннатмакон юртга айлантиришга чорлайди. Шу боис у ҳинд элида улкан боғлар барпо этиш истаги билан ёниб яшайди. «Доим хотирға етар эрдиким, – деб ёзади у – Ҳиндистоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқтур. Ҳар ерда ўлтурушлиқ бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлик ва сиёҳ ерлар ясаса бўлур» (275-бет). Аграда боғлар барпо этиш истаги билан яшаган ҳукмдор табиат инжиқликларига рўбарў келади. Жўн дарёси сувидан ўтиб, ерларни кўздан кечирса, ҳафсалани пир қилгудек ҳолатга дуч келади: «Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, – дея ёзади у, – юз кароҳат ва нохушлук била андин убур эттук. Бу ернинг мақруҳлиғи ва нохушлиғидин чорбоғ хаёли хотирдин чиқди» (275-бет). Бироқ Аграда Бобур Мирзо «ёқимсиз ва нохуш» деб баҳолаган шу ердан бошқа яқин ер йўқ эди. Бир неча кундан сўнг яна шу ерга келишади. Бир улуғ чоҳ – қудуқ барпо этилиб, ҳаммомнинг сув таъминоти йўлга қўйилади. Ҳовуз барпо этилади, турли-туман дарахтлар ва тоқлар ўстирилади. Сўнгра «Хилватхона» боғчаси, уйлар қурилади. Шундай қилиб, у «бесафо



ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР
(1483–1530)

XVII аср бошида ишланган миниатюра

ва тартибсиз» дея таърифлаган ҳинд ерида тартибли, муайян тарҳда барпо этилган иморатлар пайдо бўлади. Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда ёқимли гул ва настаринлар тартибли ва мукамал ҳолда бўй чўзади. Ана шундай хайрли ишлардан ерли халқ ҳам ниҳоятда мамнун бўлганлигини Бобур Мирзо ифтихор билан қуйидагича баён этади: «Ҳинд эли бу тарҳ ва бу андом ила ерлар кўрмаган жиҳатидан Жўннинг иморатлари қилгон тарафи ерларга Кобул от куюбтурлар» (275-бет). «Бобурнома»ни ўқир экансиз, бу улуғ ҳукмдор раҳнамолигида барпо этилган улкан иморатлару ободончилик йўлида қилинган хайрли ишларнинг саноғига етиш мушкул эканлигига ишонч ҳосил қилади киши.

Юқорида келтирилган шеърий парчалар ва лавҳалардан маълум бўладики, Бобур Мирзонинг эзгуликлар тўла соф кўнгли уни фақат яратувчанлик иштиёқи билан яшашга ундади. У таҳликали ҳаёт кечирган бўлса-да, қалбидаги она-Ватанга, бутун борлиқ ва инсонларга бўлган самимий муҳаббат Бобур Мирзони бобокалони бўлмиш Амир Темурга хос бунёдкорлик ҳисси билан яшашга даъват этди.

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Маҳрами асрор топмадим. Т.: Фан, 1994. 26-бет (Бундан кейин ушбу манбага мурожаат этганда қавс ичида саҳифани кўрсатиш билан кифояланамиз – Ҳ.Э.).

²Қаранг: Ё. Исҳоқов. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. 95–104-бетлар.

³Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1989. 361-бет (Бундан кейин ушбу манбага мурожаат этганда қавс ичида саҳифани кўрсатиш билан кифояланамиз – Ҳ.Э.).

ONA TILI VA ADABIYOT FANIDAN NAZORAT ISHLARI*

7-sinf (ijodiy bayon)

OTA-ONA – OLTIN QANOT

Jahonning hamma xalqlari kabi, o'zbek xalqi ham qadim-qadimdan ota-onani olamda eng ulug', eng mo'tabar, eng muqaddas zot deb biladi va o'z dunyoqarashida, yozma va og'zaki adabiyotida, san'atda, kundalik gap-so'zi-yu javob-muomalasida, jumladan, son-sanoqsiz maqollari va ibratli so'zlarida ota-onaning farzand uchun qanchalar qadr-qimmatli, mehribon, vafodor, sodiq, madadkor, murabbiy, moddiy va ma'naviy tayanch ekanligini qayd etadi.

Ularni umrbod e'zozlash, izzat-hurmat qilish, qadriga yetish, boshiga ko'tarib yurish, qo'ltig'iga kirib, suyanch, tayanch, madadkor, hamkor, hamdard, hamnafas bo'lish, ularning gapini yerda qoldirmaslik, aytganini qilish, pand-nasihatlariga quloq solish va amal qilish, zinhor va zinhor ularning chizgan chizig'idan chiqmaslik, yomonlikni ravo ko'rmaslik, qattiq-qurum gapirmaslik, dilini og'ritmaslik, la'nat-u qarg'ishiga qolmaslik, aksincha, yaxshilik va faqat yaxshilik qilib, bergan tuz nasibasini, oq sutini oqlab, har jihatdan rozi qilib, olqish-u duosiga sazovor bo'lish, ularning boshlagan ishlarini, an'analarini davom ettirish va hokazolar nihoyatda zarur, eng muqaddas burch ekanligi qayta-qayta uqtiriladi: «Davlating ota-onang, savlating o'g'il-qizing», «Oltin kumushning eskisi bo'lmas, ota-onaning bahosi bo'lmas». Buyuk shoirimiz Navoiy bu haqda shunday deganlar:

Boshni fido ayla ato qoshig'a,
Jismni qil sadqa ano boshig'a.
Tun-kuningg'a aylagali nur fosh,
Birisin oy angla, birisin quyosh.

«Hikmatnoma» kitobidan.

Ota-ona haqidagi xalq maqollaridan foydalanib bayon yozing.

TEST TOPSHIRIQLARI

1. Bir-biriga mazmunan yaqin bo'lgan olmosh-larning birikuvidan hosil bo'lgan olmoshlar berilgan qatorni toping.

- A. Juft olmoshlar
- B. Takroriy olmoshlar

C. Sodda olmoshlar

D. Qo'shma olmoshlar

2. Qaysi qatorda zidlov bog'lovchilari berilgan?

A. Va, hamda, bilan

B. Ammo, lekin, biroq

C. Yo ... yo, goh ... goh

D. Na ... na

3. Qaysi qatorda sof bog'lovchi berilgan?

A. Lekin, ammo

B. Bilan, ham

C. -u (yu)

D. -da, na ... na

4. Ko'ngil, sen munchalar nega

Kishanlar birla do'stlashding?

Na faryoding, na doding bor,

Nechun sen muncha sustlashding?

She'rdagi bog'lovchining turini aniqlang.

A. Biriktiruv bog'lovchi

B. Zidlov bog'lovchi

C. Ayiruv bog'lovchi

D. Inkor bog'lovchi

5. Holatga taqlid so'zlar qatorini toping.

A. Lik-lik, qult, pix-pix



*Davomi. Boshi jurnalning 2013-yil 11-, 12-sonlarida berilgan.

TEST TOPSHIRIQLARI

- B. Yilt-yilt, jiq, dik
C. Gurs-gurs, taq-tuq, lip
D. Chip, yalt, tap-tap
6. «O'h-ho', buncha katta ketdingiz!» gapidagi undov so'z qaysi ma'noni anglatyapti?

- A. Mag'rurlanish
B. Mensimaslik
C. E'tiroz
D. Qoyil qolish

7. Belgini aniqlash uchun ishlatiladigan olmoshlar qaysi qatorda berilgan?

- A. Hech qanday, hech qaysi
B. Har qaysi, har bir
C. Allanima, allanarsa
D. Qanday, qanaqa?

8. Rasul Hamzatov «Ona tilim» she'rida «Ko'k-simda qo'rg'oshin quyosh tig'ida, Tog'lar orasida yotibman bejon» misralaridagi «tog'lar» so'zi qaysi tushunchaga ishora qilmoqda?

- A. Mavhum bir makon
B. Shoirning vatani Dog'iston
C. Qabr
D. Yer sayyorasi

9. «Sharq yulduzi», «Guliston» jurnallarida bosh muharrir bo'lib ishlagan, «O'zbekiston adabiyoti va san'ati» gazetasiga asos solgan ijodkor kim?

- A. M.Osim
B. Shuhrat
C. A.Muxtor
D. A.Avloniy

10. «Yo'l» she'rida shoir (Asqad Muxtor) uchun yo'l qanday mazmun kashf etgan?

- A. Ayriliq
B. Ijod
C. Turmushdagi muammolar
D. Uzoq safarga sayohat

11. Qaysi kelishik shakllari doimo bir xil gap bo'lagi vazifasida keladi?

12. Ismlarning egalik va kelishik qo'shimchalari bilan o'zgarishi qanday nomlanadi?

O'ZBEK TILI FANIDAN NAZORAT ISHLARI

7- sinf

Matn yaratish

1. Ona shahrim Toshkentim.
2. Men yoqtirgan kasb.
3. Navoiy bobom.

1. Qaysi qatorda «Nezavisimiy Uzbekistan» so'z birikmasining tarjimasi berilgan?

- A. Hur, O'zbekiston
B. Mustaqil O'zbekiston
C. Gullagan O'zbekiston
D. Yashnagan O'zbekiston

2. Qaysi qatorda qaratqich kelishigi berilgan?

- A. Maktabga borgan o'quvchi
B. Bahor faslining yomg'irli kunlari
C. Kutubxonada kitoblar juda ko'p
D. Sasha badiiy asarlardan foydalanib turadi

3. Belgisiz tushum kelishigi berilgan qatorni to'ping?

- A. Biz o'z Vatanimizni sevamiz
B. O'qituvchimiz a'lochilarni taqdirladilar
C. Kutubxonadan kitob oldim
D. Bu yerda bolalar shod-u xurram

4. Qaysi qatorda ot ko'makchilar berilgan?

- A. Ko'ra, qarab, tortib
B. Tomon, qoshida, ustida
C. Albatta, shubhasiz, ammo
D. Kabi, singari, uchun

5. Qaysi qatorda ijobiy fazilatlar berilgan?

- A. Badjahl, ochko'z
B. Sabrsiz, itoatsiz
C. Andishali, zehnli
D. Uquvsiz, loqayd

6. Qaysi qatorda predmetning ish-harakatini bildiruvchi so'z turkumi berilgan?

- A. Sifat
B. Ot
C. Fe'l
D. Olmosh

7. Qaysi qatorda «mo'jiza» so'zining tarjimasi to'g'ri berilgan?

- A. Fakel
B. Sterkov
S. Resheniye
D. Chudo

8. Qaysi qatorda zidlov bog'lovchilari berilgan?

- A. Biroq, ammo, lekin
B. Yoki, chunki, shuning uchun
C. Ham, va, lekin
D. Yoki, yoxud, goh

9. «Ona tilim o'lmaydi» she'rining muallifi kim?

10. Shahidlar maydoni qaysi shaharda joylashgan?

Jurnalimizda yangi rukn – «Hoshiyadan tashqari». Darslikdagi asarlarning yozilish tarixi, ijodkor hayoti va ijodiga bog'liq qiziqarli ma'lumot, xotiralar berib boriladi. Materialni tayyorlashda asar muallifining esdaliklari, uning yaqinlari, shogirdlari va boshqa zamondoshlarining xotiralaridan foydalaniladi.



БАРДАВОМ ДАВРАЛАР НАФАСИ

«Адабиёт» (6-синф).

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Абдулла Қодирий номидаги
Давлат мукофоти соврндори Тоғай Мурод

«ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ»

Ҳар бир халқ ҳар қандай замон ва шароитда ўз қаҳрамон-ёзувчиларини тарбиялаб майдонга чиқаради. Тоғни яқиндан бор бўй-бас-ти билан кўриб бўлмайди. Шу каби миллатнинг буюк ижодкорлари меҳнатини ҳам пайтида эмас, кейинроқ тўла баҳолаш мумкин.

Тоғай Мурод – халқимиз мустабид тузум исканжасида эзилаётган, қадриятлари ва қадри оёқости бўлаётган бир пайтда миллатимизнинг қоронғуда қолган ўқтомирларига чироқ тута олди. Буни мустақилликдан ўн беш йил олдин ёзилган «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Асар ягона «қизил ип» – уч минг йиллик тарихга эга ўзбек кураши, унинг замиридаги ор-номус, ғурур, шаън тушунчалари асосига қурилган. Бу улғу ва муқаддас тушунчаларни халқимизнинг эсига солиш ёзувчининг асл мақсади эди. Чунки маънавиятимизнинг ноёб дурдонаси – инсон ва табиат уйғунлиги, умид ва ишонч, ор-номус, ғурур, ватанпарварлик, бағрикенглик, матонат ва садоқат фалсафаси бўлган ўзбек кураши собиқ тузум даврида битта баҳо олганди, холос: «эскилик сарқити».

Қисса анъанавий ўзбек адабиётига хос уч қутб кураши, аниқроғи, учинчи – аёл қутбнинг икки эр қутб ўртасида талаш бўлиш сюжети асосига қурилган. Аёл – Ватан тимсоли. Унинг исми айнан Момоқиз экани бу маънони янада ойдинлаштиради. Бўри – халқимизнинг қадимий мифологик тотеми, Космос ўғли. Насим эса қаёқдан бошлангани ва қаерда тугаши номаълум шамол руҳияти – Хаос маҳсули. Қиссада тасвирлангани каби Момоқиз (Ватан) Бўри (эгаллик қилишга муносиб ягона эран – Космос фарзанди) га эмас, Насим (ҳеч қандай қонидани тан олмайдиган беҳосил кучга – Хаос фарзанди)га тобе бўлиб қолади. Насим дўстликка хиёнат қилгани учун ҳам уни қасам уради: кўзларидан нур кетади. Бўри полвон ўз қалбидаги кек ва гинани енголмагани учун ҳам ўғли Тиловберди Насим-Момоқиз фарзанди Абрайга енгилади. Бошқача айтганда, Бўри полвон ўзидан енгилади.

Қиссада маънавиятимизнинг энг ҳаётбахш ирмоқларидан бўлган ўзбек кураши мисолида халқимиз ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам ҳам бўлмаслиги лозимлигига теран ишора бор. Масалан, Шукур исмли болақайнинг орига қатор қариндош-уруғи, ошна-таниши даврага чиқади, бироқ бақовул рақибликка унинг акасини танлайди: бир қориндан талашиб тушгани учун. Ака ор-номус, ғурурни сақлаш учун давралайди. Буни бирор ўйлаб топгани ҳам, жорий қилгани ҳам йўқ. Биз ана шундай илдишлари мустаҳкам томирларга эга халқимиз.

Тоғай Мурод ўзбек кураши, биринчи галда, инсон иродасини чиниқтиришини, инсон ўз «мен»ини тарбиялашини қайта-қайта таъкидлайди. Буни курашда рақибнинг оёғи беҳосдан тойғониб кетса, полвон белбоғни кўйиб юбориши лозимлиги (Бўри-Абил баҳси) лавҳасида ифодалайди.

Бир сўз билан айтганда, бу қисса ўзбек маънавиятининг энг чуқур ва ҳаётбахш илдишларидан сув ичгани учун ҳам барча замон ва маконда ўз қийматини йўқотмайди. Тоғай Мурод Бўри полвон тилидан айтган жумлалар унинг ўзи асарлари ҳақида айтилгандай, гўё: «Ҳали юлдузим мангу ёнади».

ЎЗ ЙЎЛИНИ ЎЗИ ТАНЛАГАН АДИБ

Ёзувчининг рафиқаси Маъсума Аҳмедова билан суҳбат.

– Суҳбатни «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасининг ёзилиш тарихи билан бошласак...

– Ёзувчи илк қиссасини ёзганларида йигирма икки-йигирма уч ёшда эдилар. Қора-қамишдаги ижара уйда йигирма кунда ёзилган. Уша йили «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилган. Йилнинг энг яхши асари деб тан олинган.

– Қиссада бир қаҳрамон тилидан «ўзимизнинг олишдан чиққани билан самбо бўйича чемпион бўлган»лар ҳақида куюниб сўзларкан, шундай

орзу қиларди: «Шу, ўзимизнинг олиш бўйича жаҳон чемпиони бўлса экан».

– Бу нафақат адиб, балки халқимизнинг орзуси эди. Чунки собиқ тузум даврида курашга яхши кўз билан қаралмаган. Олиш улғайтирган полвонлар катта давраларга фақат самбо бўйича чиқа олган, холос. У пайтлар Ўзбекистон кураш федерацияси бир ертўладаги буфетда ташкил этилган, унда ёзувчи ҳам иштирок этганлар. Ушанда профессор Назаров уларни жойидан турғазиб, «Ўртоқлар, кураш сўзини айтиб бўлмайдиган бир замонда мана шу укамиз ўзбек кураши ҳақида гўзал бир асар яратди.

Келинлар, шу укамиз учун қарсак чалайлик», деган экан. Адиб каби миллионлаб ҳамюртларимизнинг орзуси фақат истиқлол даврида рўёбга чиқди – ўзбек кураши жаҳон айвонини забт этди.

– Бури полвон, Насим ва Момоқизнинг прототиплари борми?

– Қайнотамнинг исми – Бўри бўлган, Нормурод полвон эса ёзувчи ошнасининг отаси. Умуман, жуда кўп Сурхон полвонлари бу асардан ўзларини топган. Асарда ёзувчининг ўзлари ҳам бор. Бу ҳақда ёзувчининг ўзлари «Мен»да шундай ёзадилар: «Мен дунё талашмадим! Фақат изландим, фақат ўқидим. Ғанимларим мени ишдан ҳайдадилар. Курашда бир табиат қонуни бор: полвон даврада мағлуб бўлса, тақдирга тан бериб кетмайди. Йўқ, полвон ўзини боқади. Полвон ўзини парваришлайди. Полвон тинимсиз машқ олади. Рақибдан мағлубият аламини олиш учун шайланади. Рақибдан аламини олмасдан-да қўймайди.

Мен гўдаклигимдан давраларда курашиб катта бўлдим. Полвонлик аждодимда бор, полвонлик қонимда бор. Менда ана шу полвонлик қоним кўзғалди. Мен ғанимларимдан алам олиш учун шайландим. Мен ким эканимни бир кўрсатиб қўйиш учун катта асарга қўл урдим. Ниҳоятда... ниҳоятда

саноқли кунларда «Юлдузлар мангу ёнади» номли биринчи қиссамни яратдим. Мен бу қиссам билан ғанимларимга: «Мана, мен кимман!» деган бўлдим.

– Асарнинг менга энг таъсир қилган жиҳати – аёл турмуш ўртоғи билан учинчи шахсда гаплашиши. Сиз ёзувчи билан нечанчи шахсда гаплашгансиз?

– Ҳа, хўжасоатлик аёллар эри билан шундай гаплашади. Мен ҳам олдин ҳайрон, кейин қойил қолганман. Бу – эрни Пайғамбардай кўрган Шарқ аёлининг энг латиф кўриниши. Тоғай ака мени шундай гапиришга ҳеч қачон ундамаганлар. Паркентлик аёллар эрини қандай сизласа, мен ҳам шундай сизлаганман.

– Асарда олиб ташланган эпизод ё сюжет борми?

– Йўқ, ёзувчи асарни бир ўтиришда ёзганлари билан уни йиллар давомида қайта-қайта таҳрир қилганлар. Ўзига маъқул ё номаъқул жойларини ўзлари ҳал қилганлар. Ҳеч қачон кимнингдир гапига қулоқ осмаганлар. Ўз йўли тўғрилигига ўзи ишонгани учун ҳам ўзгаларни ҳам ишонтира олганлар.

Сўхбатдош: Улдона Абдурахмонова

«ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ» ЗАМОНДОШЛАРИ ТАЛҚИНИДА

– «Юлдузлар мангу ёнади» қўлма-қўл ўқилди. Бу қиссасини Тоғай ўз танасидан чиқиб кетиб, ўзини ҳам, атрофидаги жами нарсаларни, одамларни, баҳору кузларни, қишу саратонларни, осмонни тўлдирган турналарни унутиб, бир дарвеш қиёфасига кириб, далли девона бўлиб ёзди. Ундан, шу қиссани қандай ёзганини эслай оласанми, деб сўраганимда, у жиндек ийманиб, ўнгимда эмас, тушимда ёзгандекман, деб жавоб берганди.

Саид Аҳмад,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони

– Мен «Ёш гвардия» нашриётида ишлардим. Кунларнинг бирида (куз фасли эди, чамамда) хонамга Тоғай кириб келди. «Бу йил пахтага бормадим, мана шу қиссамни оққа кўчирдим, шунга бир кўз ташлаб берсанг», деб қолди.

Мен асарни қўлимдан қўймай ўқиб чиқдим. Бу унинг «Юлдузлар мангу ёнади» номли илк қиссаси эди.

Икки-уч кун ўтиб, у яна олдимга келди. Мен рўзғорига ишлатадиган пулини қарзга бераётган одамдек бир зум сукут ичида тек қотдим.

– Қалай? – деди Тоғай. – Маъқулми?

Мен шартта дедим:

– Ажойиб! Зўр ёзибсан, дўстим!.. Ростини айтмайми сенга – чингизона қисса бўпти!

– Ростданми? Шунақа дегин-а?.. – деди у асари нашидасидан ҳам яйраб, ҳам ишонқирамай.

Баъзан шундай мақтовлар бўладик, уни эслаб истаган пайтда дилгир кўнглингизни равшан қиласиз. Менинг ушбу дил сўзларим ҳам унинг қалбига бир неча муддат мунавварлик бахш этган бўлса, ажаб эмас.

Мирпўлат Мирзо,
шоир, таржимон

– Ўзбек кураши биринчи марта Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси билан адабиётимизга кириб келган эди. Афсуски, қисса яратилган етмишинчи йилларда унда қандай катта ижодий кашфиёт борлигини кўпларимиз ҳали англаб етмаган эканмиз. Орадан ўнлаб йил ўтгач, истиқлол даврида ўзбек кураши жаҳон миқёсига чиққандан кейин Тоғай Мурод келажакни олдиндан кўргандай катта ижодий кашфиёт қилганини, унинг қиссасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ўзбеклар узоқ тоғ қишлоғида қандай ажойиб полвонлар қиёфасига кириб, кураш тушишини ўқиганда сиз ҳам шу полвонлар миллатига мансуб бўлганингиздан ғурурланасиз.

Пиримқул Қодиров,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

– У бир қарашда жуда дағал, ҳаддан зиёд ғурури голиб йигитга ўхшарди. Унча-мунча ёзувчиниям, унча-мунча танқидчиниям назарига илмас эди. Бу хислат кейинчалик, катта романлар ёзганида эмас, ёшлик пайти, «Юлдузлар мангу ёнади» номли биринчи қиссаси нашр қилинганидаёқ маълум бўлиб қолди. Лекин, ҳақиқатан ҳам, бу қисса чиққанида адабиётимизга, шубҳасиз, катта бир истеъдод кириб келганидан далолат берди. Асарнинг тилиям, услубиям ўзига хос эди. Ёзувчи яратган қаҳрамонлар характериям ниҳоятда оригинал, адабиётда биз кўп ўқиган китоб қаҳрамонларининг хулқ-атворидан батамом ажралиб турарди. Ўша вақтгача адабиётимизда яратилган жуда кўп асарлардан бошқача ва энг муҳими, ёрқинроқ, ўзига хос томонлари бўртиб кўриниб турган асар эди.

Одил Ёқубов,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Ўша кезлар мен «Гулистон» журналида ишлардим. Бир неча адабиётшуносларга Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси тўғрисида тақриз ёзишни таклиф этдим. Биласизми, ҳеч қайси танқидчи асар хусусида жўяли бир гап айта олмади. Чунки бу қисса бошқача ёндашишни тақозо этарди. Тўғриси айтишми керак, Тоғайнинг илк қиссаси адабий жамоатчиликни-да эсанкиратиб қўйди. Кўплар асар таҳлилига қўл уролмадилар. Бу ҳодисанинг ўзи, ана шу факт адабиётда янгилик, мутлақо янги асар пайдо бўлганидан далолат берарди. Тоғай ўзининг илк қиссасидаёқ юрагидаги орзулари, армонлари халқнинг орзу-армонларига эш бўлиб кетганлигини намоён қилган. Едингизда бўлса, «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида шундай гап бор: «...дунёдаги кўпгина халқлар ўзларининг ҳеч бўлмаганда битта спортини жаҳон миқёсига кўтарган. Биздан эса жаҳонга кўтарилган биттаим спорт тури йўқ.

– Бу ўзимизга боғлиқ».

Бу ўринда гап миллий курашимизнинг халқаро олимпиада мусобақаларига киритилишидагина эмас. Гап ҳамма халқнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам жаҳонда ўз ўрнига, мавқеига эга бўлиши ҳақида. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасига ёзилган тақдим сўзи – аннотацияда асарга «кураш ҳақидаги китоб» қабилида таъриф берилган.

Йўқ, бу асар фақатгина кураш ҳақида эмас, инсоннинг ори ҳақидаги китоб. Инсоннинг ғурури, инсоннинг нималарга қодирлиги ҳақида ёзилган мардона китобдир. Асарда ифодаланган ана шу туйғуларнинг бари бадий тасвирланиб, ягона мавзу атрофида мужассамлаштирилади. Қаранг-да, ажойиб ҳолатни: бош қахрамон Бўри полвоннинг ўғли Тиловерди беллашувда қатнашиб турса-да, ота ўғлига ён босмайди. Бўри полвон мардлик қилади. Дунё азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик курашидан иборат. Ана шу азалий кураш ғояси жаҳоннинг таниқли адиблари сингари Тоғай Мурод асарларининг ҳам замирини ташкил этади. Тоғай Мурод орзулари мамлакатимиз ўз мустақиллигига эга бўлгандан кейин рўёбга чиқмоқда. Мана, миллий курашимиз жаҳон спорти даражасига кўтарилди. Бадий адабиётнинг ижтимоий ҳаётга кўрсатган таъсирига яққол мисол бу.

Маҳмуд Саъдий,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Минг тўққиз юз етмиш бешинчи йил мен самбо кураши бўйича Минск шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи уринни эгаллаб, жаҳон чемпиони бўлиб келгандим. Чойхонага эл таниган полвонлар, яқинларим мени табриклар учун келишди. Бир пайт билаклари бақувват, Алпомиш келбатли бир одам тўғри келди-да, мени кучоқлаб олди! Узимдан ҳам бақувват бу одамни танимас эдим. У эса кучоғидан қўймай, негадир, кўзларида ёш билан нукул бир гапни такрорларди:

– Раҳмат, полвон! Раҳмат сизга. Отангизга минг раҳмат... Раҳмат...

Энди эсласам, мен ўша уни давримизнинг буюк адиби билан учрашган эканман. Бу одам Тоғай Мурод эди!

Тоғай ака «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида мени ҳам тилга олди. Шу асар орқали ҳам номимни бутун эл билди. Бундан кейин ҳам билади. ...Ким билади, Тоғай ака бўлмаганда мен бу қадар катта полвон бўлмасмидим? Чунки мен курашнинг олтин қоидаларини Тоғай Муроддан ўргандим! У киши айтган «Полвон ўзини уч балодан: биринчиси – аёлбозлик, иккинчиси – ичкиликбозлик, учинчиси – нафс балосидан асрасин», деган ҳикматига мен ҳам амал қилдим.

Назаримда, Тоғай Мурод ўз асарларида халқ дардини, орзу-умидини, ҳаяжону ғурурини ўзига хос, Тоғай Муродча, полвончасига талқин қилди.

Тоғай Муроднинг кураш ҳақида ёзган китобини эл таниган машҳур полвонларнинг кўзига суртиб, асраб юргани, ҳаттоки, бошларига қўйиб ётганини кўрганман. Узим ўша «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасини ўттиз мартадан кўпроқ ўқиб чиққанман. Боиси, китоб ҳаммамизга жуда ёққан эди. Дунёда спорт ҳақида, кураш ҳақида, полвонлар ҳақида ёзилиб, нашр қилинган китоблар озми? Жаҳонга донғи кетган улкан кинокомпаниялар ҳар йили полвонлар ҳақида минглаб кинолар ишлаб ётибди. Лекин уларнинг ҳаммаси Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси олдидан ўтаверсин!

Сайфиддин Ҳодиев,
Самбо бўйича жаҳон чемпиони
«Мен қайтиб келаман» китобидан олинди.